

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида:
УЎК: 811.512.133.09-1**

ХОЛМУРОДОВ ХОЛЙИГИТ

**АЛИШЕР НАВОИЙ ШЕЪРИЯТИДА ОБРАЗ-ТИМСОЛЛАР
ТРАНСФОРМАЦИЯСИ
(ФАРҲОД ВА ШИРИН МИСОЛИДА)**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини
олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар: У.У.ҚОБИЛОВ,
филология фанлари доктори**

Жиззах – 2022

МУНДАРИЖА

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси).....	3
I БОБ. АЛИШЕР НАВОИЙ ШЕЪРИЯТИДА ОБРАЗ-ТИМСОЛЛАР ТРАНСФОРМАЦИЯ ВА МИГРАЦИЯ ҲОДИСАСИ.....	11
1.1. §. Ўзбек мумтоз шеъриятида образ-тимсоллар трансформацияси.....	11
1.2. §. Алишер Навоий шеъриятида мувозий образлар трансформацияси.....	40
Боб бўйича хулосалар.....	61
II БОБ. АЛИШЕР НАВОИЙ ЛИРИК ДЕВОНЛАРИДА ФАРҲОД ТИМСОЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ ВА ИФОДА АНЪАНАЛАРИ.....	63
2.1. §. Шоир шеъриятида Фарҳод образи трансформацияси ва бадий талқини.....	63
2.2. §. Алишер Навоий лирик шеъриятида Фарҳод тимсоли поэтик таҳлили.....	77
Боб бўйича хулосалар.....	98
III БОБ. АЛИШЕР НАВОИЙ ЛИРИКАСИДА ШИРИН БАДИИЙ ТИМСОЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ ВА ТАСВИРДА РАМЗИЙ-МАЖОЗИЙЛИК.....	99
3.1. §. Ширин образи такомил ва унинг Навоий шеъриятидаги талқини.....	99
3.2. §. Алишер Навоий лирик девонларида Ширин тимсоли бадий таҳлили.....	111
Боб бўйича хулосалар.....	122
ХУЛОСАЛАР.....	125
АДАБИЁТЛАР.....	129

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида Алишер Навоий ижодиёти ва адабий мероси бадиий-эстетик тафаккур тараққиётининг алоҳида босқичи ва илҳомбахш манбаи сифатида ғоявий-эстетик омиллари кенгроқ очиб беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, дунё ижтимоий ва маданий-маърифий ҳаётига дахлдор умумбашарий кадриятлар, умуминсоний туйғулар ифодаси Алишер Навоий ижодиётида ўзининг тўлақонли ва теран аксини топганлигини навоийшунослар изланишларида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дунё адабиётшунослиги ва бадиий-эстетик қарашларида ўзбек мумтоз адабиёти ва шеърятти поэтик оламига қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Бу, албатта, Алишер Навоий ижоди ва лирик меросини янада чуқур ўрганишни адабиётшунос олимлар диққат марказига қўяди. Чунки шоир шеърятти, биринчидан, ўзигача бўлган шарқона ижод тажрибалари такомилли ва хулосаси бўлса, иккинчидан, кейинги даврлар мумтоз шеърятти учун ўлмас илҳом манбаи ҳисобланади. Алишер Навоий шеърятти бутун шарқона поэтикада бўлгани сингари образ-тимсоллар талқини масалаларида ҳам бетакрор адабий ва абадий ҳодисадир. Уни дунё адабиётшунослиги эришган салмоқли ютуқларга таяниб илмий тадқиқ этиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан саналади.

Мустақиллик ва ундан олдинги даврлар ўзбек адабиётшунослигида Алишер Навоий ижоди ва лирик мероси тадқиқи борасида самарали илмий изланишлар амалга оширилган, шу билан бирга бу борада ечимини кутаётган жиҳатлар ҳам етарличадир. Алишер Навоий лирикасида образ-тимсоллар трансформацияси каби ҳодисасини чуқур ўрганиш масаласи ҳам ҳозирги адабиётшунослик ва навоийшунослик учун алоҳида ўрин тутади. Бинобарин, “ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилиш...бугунги кунда дунё адабий маконида юз бераётган энг муҳим жараёнлар билан узвий боғлиқ ҳолда таҳлил этиб, зарур илмий-амалий

хулосалар чиқариш катта аҳамиятга эга¹ ушбу муаммони чуқур ўрганиш заруратини келтириб чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 19 октябрдаги ПҚ-4865-сон “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 февралдаги 124-Ф-сон “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари” мавзусидаги халқаро конференцияни ўтказиш тўғрисида” фармойиши ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот илмий натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш” йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижий ва миллий адабиётшуносликда ўзбек мумтоз шеърияти ва, хусусан, Алишер Навоий лирикасининг образ-тимсоллар талқинига бағишланган қатор ишлар амалга оширилган. Шу билан бирга мумтоз адабиётда образ трансформацияси

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари” мавзусидаги халқаро конференция иштирокчиларига йўллаган табриги // Халқ сўзи. 2018 йил, 8 август

масаласи ҳақида ҳам айрим илмий тадқиқотлар яратилган². Жумладан, тил трансформацияси хусусида махсус илмий тадқиқотлар олиб борилди³. Ўзбек мумтоз адабиётининг поэтик хусусиятлари, айниқса, образлар оламининг ўзига хос поэтик жиҳатларини ёритиш, янги қирраларини тадқиқ этиш адабиётшуносликнинг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда.

Кейинги йилларда Алишер Навоий шеърини мавзу ва образлар дунёсини ўрганишда салмоқли тадқиқотлар пайдо бўлди. Айниқса, тасаввуф тарихи ва адабиётига қизиқиш ортганлиги шоир лирик меросини чуқур тушуниш ва талқин этишга кенг имкониятлар яратди. Айтиш керакки, навоийшуносликнинг илк қадамларидан бошлаб шоир шеърини тадқиқ доирасида илмий ишлар амалга ошириб келинади. Бошқача айтилганда, навоийшунос олимларнинг ҳар бир авлоди Алишер Навоий лирик мероси тадқиқ борасида жиддий ишларни юзага чиқарганлар. Жумладан, Е.Э.Бертельс, О.Шарафуддинов, С.Айний, И.Султон, Н.Маллаев, А.Ҳайитметов, А.Абдуғафуров, В.Абдуллаев, Б.Валихўжаев, Р.Орзибеков, Н.Комилов, Р.Воҳидов, М.Муҳиддинов, И.Ҳаққул, Ш.Шарипов, Д.Салоҳий ва бошқа олимлар тадқиқотларида шоир шеърини таҳлили етакчи ўрин эгаллайди⁴. Шарқ мумтоз адабиёти, жумладан, ўзбек шеърини тадқиқотида “Фарҳод ва

² Абдолов Н. Любовно-романтическая поэма в персидско-таджикской поэзии X-XII веков. Авт. док. дисс. филол. наук. – Душанбе: 2009. – 45 с., Трансформации жанров в литературе и фольклоре: сб. Статей научно-исследовательской лаборатории “Трансформации жанров в литературе и фольклоре”. – Челябинск: Изд. ООО “Энциклопедия”, 2013. – Вып. 5. –136 с. Мохаммад Хеммат Кухсар. Трансформация образа Зулайхи и его отражение в персидско-таджикской литературе X-XV вв. канд. дисс. по фил. наук. – Душанбе: 2015. – 190 с., Элбоев В.Дж. Сказание о Юсуфе и Зулайхе в персидско-таджикской литературе X-XV веков (проблемы трансформации религиозных мотивов и образов в художественную литературу). Авт. док. дисс. по фил. наук. – Душанбе: 2016. – 46 с. Жабборова М. Ўзбек мумтоз адабиётида Жамшид образининг бадий талқини. Фил. фан. бўй. фал. док. (PhD) дис. – Т.: 2005. –146 б., Бегдели Г. Шарқ адабиётинда Хосров ва Ширин мавзуси. – Баки, 1970., Саримсоқов Б. Эпик жанрлар диффузияси. Ўзбек халқ оғзаки ижоди бўйича тадқиқотлар. 7 китоб. – Т.: Фан, 1981. –100 б.

³ Элтазаров Ж.Д. Ўзбек тилида сўз туркумларининг ўзаро алоқаси ва кўчиши. Фил. фан. док. дис. – Самарканд: 2005 йил, –Б.290.

⁴ Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. – М.: Наука, 1965. – 524 с., Шарафуддинов О. Алишер Навоий (Ҳаёти ва ижоди). – Т., Ғ.Ғулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, 1971. –187 б., Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1974. – 384 б., Султон И. Навоийнинг қалб дафтари. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 2010. – 412 б., Қаюмов А. “Фарҳод ва Ширин” сирлари. – Т.: 1979., Рустамов А. Навоийнинг бадий маҳорати. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – 216 б., Комилов Н. Тасаввуф. – Т.: Movarounnahr – O‘zbekiston, 2009. – 448 б., Валихўжаев Б. Ўзбек эпик поэзияси тарихидан. – Тошкент: “Фан”, 1974. – 149 б., Валихўжаев Б. Мумтоз сиймолар. I жилд. – Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002. – 304 б., Валихўжаев Б. Хамса такмили. Алишер Навоий “Хамса”си. Тадқиқотлар. – Т.: Фан, 1986. – 134 б., Аҳмедов Т. «Хамса» қаҳрамонларининг характер жозибаси. – Т.: Фан, 1986. – 67 б., Воҳидов Р. Алишер Навоий ва илоҳиёт. – Бухоро: Бухоро, 1994. – 208 б. Исоқов Ё. Навоий поэтикаси. – Т.: Фан, 1983. – 167 б., Комилов Н. Хизр чашмаси. – Т.: “Маънавият”, 2005. – 320 б.,

Ширин” қиссаси образлар генезиси ва эволюцияси, тимсоллар эпик-лирик ва ирфоний талқинлари ҳақида ҳам таҳлиллар яратилган⁵. Кейинги давр ўзбек адабиётшунослигида Б.Тўхлиев, Н.Жабборов, У.Қобилов, Э.Очилов, С.Тоҳиров, Ҳ.Эшонқулов, А.Раззоқов, Н.Ҳасан, З.Раҳмонова, З.Мамадалиева каби адабиётшунослар илмий мақолалар ва монографиялар нашр этганлар. Диссертацияни ёзиш жараёнида номлари кўрсатилган ва бошқа ўзбек ҳамда жаҳон адабиётшуносларининг илмий изланишлари эътиборга олинди. Тадқиқотимизда мазкур бажарилган ишлардан фарқли равишда ўзбек мумтоз шеъриясида образ-тимсоллар трансформацияси масаласи Алишер Навоий шеъриясида Фарҳод ва Ширин тимсоллари мисолида амалга оширилди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Жиззах давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режаси мувофиқ 2-сон “Ўзбек адабиёти, адабий танқиди тарихи ва бадиий маҳорат масалалари” (2017-2020) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Алишер Навоий мумтоз шеърияси оламида кенг тасвир этилган адабий образлар трансформацияси масаласини Фарҳод ва Ширин тимсоллари асосида очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Шарқ мумтоз шеърияси образ-тимсоллар қатлами ва уларнинг манбалари, хусусан, Фарҳод ва Ширин образларининг пайдо бўлиши, трансформация жараёнлари қонуниятларини аниқлаш;

Муҳиддинов М.Қ. Комил инсон – адабиёт идеали. – Т.: Маънавият, 2005. – 208 б., Сирожиқдинов Ш. Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. – Т.: Академнашр, 2011. – 326 б., Айний. Асарлар. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1967. – 420 б., Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. – Т.: “Фан”, 1961. – 295 б., Ҳаққулов И. Навоийга қайтиш. – Т.: Фан, 2007. – 224 б., Ҳаққулов И. Тақдир ва тафаккур. – Т.: “Шарқ”, 2007. – 334 б.,

⁵ Эркинов С. Шарқ адабиётида Фарҳод қиссаси. – Т.: “Фан”, 1985. – 64 б., Эркинов С. Навоий «Фарҳод ва Ширин»и ва унинг қиёсий таҳлили. – Т., 1971. – 276 б., Эркинов Содир. Поэма «Фарҳад и Ширин» Алишера Навои и некоторые вопросы ее сравнительного изучения. Авт. док. дис. фил. наук. – Т., 1974. – 100 с., Комилов Н. Хизр чашмаси. (Масъул муҳаррир С. Олимов) – Тошкент: “Маънавият”, 2005. – 320 б., Тоҳиров С.Қ. Темурийлар даврида ҳамсанавислик. Монография. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2020. – 172 бет.

Алишер Навоий шеърятти образ-тимсоллар таснифи: илоҳий, тарихий, адабий образлар ифодасидаги ўзига хосликлар, хусусан, Фарҳод ва Ширин образлари трансформацион талқинига эътибор қаратиш;

Алишер Навоий шеърин девонларида Фарҳод ва Ширин тимсоллари статистикаси, ғоявий-бадий талқин аънаналари, бу образлар тасвирига хос поэтик қонуниятларга баҳо бериш;

Алишер Навоий лирикасида Фарҳод ва Ширин тимсоллари поэтикасини ойдинлаштириш, шоир лирикасида бу образ-тимсоллар бажарган бадий вазифалар характери ва трансформацион талқин моҳиятини ёритиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Алишер Навоийнинг “Ҳазойин ул-маоний”, “Бадоеъ-ул бидоя”, “Наводир-ун ниҳоя” куллийётлари, “Ҳамса” ва хамсачилик дostonлари, шунингдек, “Тарихи мулуки Ажам”, “Тарихи анбиё ва ҳукамо” ва бошқа асарлари танланган.

Тадқиқотнинг предмети шарқона мумтоз адабиётда “Фарҳод ва Ширин” мавзусининг талқин этилиши аънаси, мавзунинг эпик ифодалари ва лирик талқинга кўчиш қонуниятлари, образ трансформацияси жараёнида юз берадиган ўзгариш-эврилишлар ҳамда лирик ифода жараёнидаги рамзий-мажозий тасвирлар олами ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда қиёсий-тарихий, герменевтика, тавсифлаш, структурал таҳлил, назарий ва илмий таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

хамсачиликда аънавий “Хусрав ва Ширин” мотивининг Алишер Навоий ижодида “Фарҳод ва Ширин”га ўзгартирилиши, шоир лирикасида Фарҳод ва Ширин образлари маҳсулдор бадий тимсол даражасига кўтарилганлиги ва бу образлар орқали турфа поэтик манзаралар яратилганлиги аниқланган;

Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” дostonида шоҳ – дунё шоҳи, ошиқ – Ҳақ ошиғи, маъшуқа – Ҳақ, рақиб – нафс, дўст – Ҳабиб, муҳаббат –

илоҳий ишқ тарзида тавсифланиши ва бу ҳодисанинг шоир шеъриятида ранг-баранг поэтик ифодаларда талқин этиши очиб берилган;

Алишер Навоий лирик девонларида Фарҳод ва Ширин тимсоллари трансформацияси, бу тимсоллар бажарган поэтик функцияларнинг зоҳирий ва ботиний хусусиятлари ғоявий-бадий жихатлардан очиб берилган;

Алишер Навоий шеъриятида Фарҳод ва Ширин тимсоллари орқали ифода этилган Бесутун, Қоф, дунё, кўнгил, ошиқ, ғам тоғи, теша сингари бадий деталларнинг рамзий-мажозий ифодалари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Шарқ ва ўзбек мумтоз адабиётида образ-тимсоллар трансформацияси муаммоси, илоҳий-исломий, тарихий-афсонавий, адабий-бадий тимсоллар ифодаланиш асослари ва лирикаси манбалари, жумладан, Фарҳод ва Ширин образлари эпик-лирик талқинларидаги ўзига хосликлар назарий-амалий жихатлардан асосланган;

ўзбек мумтоз шеърияти, хусусан, Алишер Навоий лирикасида адабий қаҳрамонлар тимсолларига мурожаат этиш сабаб-омиллари, Фарҳод ва Ширин образлари генезиси ва эпик тасвирлар лирик ифодага айланишидаги ўзига хосликлар, Хусрав – Фарҳод – Ширин учлигининг эпик талқинларда ўзгариш жараёнлари (Фарҳод – Ширин – Хусрав) ва уларнинг лирик талқинга таъсири масалалари илмий-назарий жихатлардан далилланган;

Алишер Навоий мумтоз шеъриятида Фарҳод, Ширин образ-тимсолларининг поэтик жихатдан ранг-баранглиги, образларнинг тарихий такомилли, маъно-моҳияти ва лирик асар бадииятидаги ўрнини тадқиқ этиш орқали чиқарилган хулосалар ўзбек адабиётшунослиги учун янги илмий-назарий қарашлар бериши, жумладан, “Ўзбек адабиёти тарихи”, “Мумтоз ва тасаввуф адабиёти поэтикаси”, “Навоийшунослик”, “Адабиётшунослик назарияси”, “Ўзбек адабий танқиди тарихи”, “Бадий таҳлил асослари” каби фанлардан яратиладиган дарслик ва қўлланмалар такомиллашувида муҳим аҳамият касб этиши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги муаммонинг аниқ кўйилганлиги, чиқарилган хулосаларнинг илмий таҳлил, қиёсий-тарихий, тавсифлаш, системали ёндашув, назарий ва янги бадиий таҳлил усуллари орқали асосланганлиги, ишончли тарихий-адабий манбалар ва илмий адабиётлардан фойдаланилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти юзага келган назарий хулосалар образ ва тимсоллар трансформацияси Алишер Навоий лирикасида Фарҳод, Ширин образлари талқини, уларнинг тарихий-тадрижий такомил ва лирик ифодасининг ғоявий-бадиий ва уларнинг рамз ҳамда мажоз оламини намоён қилувчи ўзбек адабиётшунослигининг янги маълумотлар орқали тўлдирилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўзбек мумтоз адабиётининг таракқиёт босқичларини ўрганиш ва тарихини яратишда олий ўқув юртлари, коллеж ва академик лицейлар ҳамда умумтаълим мактаблари учун “Ўзбек адабиёти тарихи”, “Адабиётшунослик назарияси”, “Ўзбек адабий танқиди тарихи”, “Бадиий таҳлил асослари” ҳамда “Навоийшунослик” фанлари бўйича дарслик ва қўлланмаларни тўлдиришда, олий ўқув юртларининг филология факультетларида махсус курслардан семинарлар ташкил этишда, маърузалар ўқишда муҳим манба бўлиб хизмат қилишида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. “Алишер Навоий шеъриятида образ-тимсоллар трансформацияси (Фарҳод ва Ширин мисолида)” мавзуси бўйича олинган илмий натижалари асосида:

хамсачиликда анъанавий “Хусрав ва Ширин” мотивининг Алишер Навоий ижодида “Фарҳод ва Ширин”га ўзгартирилиши, шоир лирикасида Фарҳод ва Ширин образлари маҳсулдор бадиий тимсол даражасига кўтарилганлиги ва бу образлар орқали турфа поэтик манзаралар яратилганлиги тўғрисидаги илмий хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар илмий-

тадқиқот институтида бажарилган ФА-Ф1-005 “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 26 ноябрдаги 17.02/276-сон маълумотномаси). Натижада фундаментал тадқиқот лойиҳасининг фольклоршунослик ва адабиётшунослик тарихини тадқиқ этишга бағишланган боби манбалар билан бойитилишига хизмат қилган;

Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонида шоҳ – дунё шоҳи, ошиқ – Ҳақ ошиғи, маъшуқа – Ҳақ, рақиб – нафс, дўст – Ҳабиб, муҳаббат – илоҳий ишқ тарзида тавсифланиши ва бу ходисанинг шоир шеъриятида ранг-баранг поэтик ифодаларда талқин этиши борасидаги фикрлардан Жиззах вилоят Маънавият ва маърифат кенгаши Республика маънавият ва маърифат маркази Жиззах вилоят бўлими томонидан ўтказилган “Навоий – ёшлар нигоҳида”, “Бир асрнинг икки буюк даҳоси”, “Буюк сиймолари барҳаёт ватан” каби мавзулардаги маънавий-маърифий тадбирларда фойдаланилган (Жиззах вилоят Маънавият ва маърифат кенгаши Республика маънавият ва маърифат маркази Жиззах вилоят бўлимининг 2022 йил 25 мартдаги 01-40-сон маълумотномаси). Натижада тадбир иштирокчиларининг Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонида шоҳ – дунё шоҳи, ошиқ – Ҳақ ошиғи, маъшуқа – Ҳақ, рақиб – нафс, дўст – Ҳабиб, муҳаббат – илоҳий ишқ тарзида тавсифланиши ҳақидаги билимлари кенгайган;

Алишер Навоий лирик девонларида Фарҳод ва Ширин тимсоллари трансформацияси, бу тимсоллар бажарган поэтик функцияларнинг зоҳирий ва ботиний хусусиятлари ғоявий-бадий жиҳатлар ҳақидаги қарашлардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар илмий-тадқиқот институтида бажарилган ФА-Ф1-005 “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 26 ноябрдаги 17.02/276-сон маълумотномаси). Натижада форсий ва

туркий адабиётда Фарҳод ва Ширин образларининг асрлар давомида кенг миқёсда талқин этилиши, Алишер Навоий шеърлятида бу образ-тимсоллар орқали ифодаланган ғоявий-бадий масалалар тавсифи фундаментал лойиҳа тадқиқ доирасини кенгайтиришга хизмат қилган;

Алишер Навоий шеърлятида Фарҳод ва Ширин тимсоллари орқали ифода этилган Бесутун, Қоф, дунё, кўнгил, ошиқ, ғам тоғи, теша сингари бадий деталларнинг рамзий-мажозий ифодалари борасидаги хулосалардан Жиззах вилоят телерадиокомпаниясининг дастурларидан жой олган “Тарих тилга кирганда”, “Адабиёт дарси”, “Китобхонлик маданияти”, “Тил борки-миллат барҳаёт” рукнларидаги кўрсатув ва эшиттиришларида фойдаланилган (Жиззах вилоят телерадиокомпаниясининг 2021 йил 25 декабрдаги 10-12/232-сон маълумотномаси). Натижада мазкур телекўрсатув ҳамда эшиттиришларнинг мазмуни янги илмий-адабий манбалар билан бойитилгани эътироф этилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида қилинган маърузаларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 14 та илмий иш нашр этилган, шулардан, битта монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та, жумладан, 6 таси республика ҳамда 1 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 та боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 128 саҳифани ташкил этади.

I БОБ. АЛИШЕР НАВОИЙ ШЕЪРИЯТИДА ОБРАЗ-ТИМСОЛЛАР ТРАНСФОРМАЦИЯ ВА МИГРАЦИЯ ҲОДИСАСИ

1.1. §. Ўзбек мумтоз шеъриятида образ-тимсоллар трансформацияси

Жаҳоний бадиий ижод тажрибалари шуни кўрсатадики, адабий-эстетик тафаккур жараёнида буюк ўзгаришлар бунёд этган шахслар ёки дунё адабиётига янги қарашларни тақдим этган асарлар инсоният ижтимоий ва маънавий эҳтиёжлари талаби ўлароқ пайдо бўлади. Шу нуқтаи назардан Ҳазрат Алишер Навоий шахсияти ва ижодиёти ҳам шундай улуғ бир ҳодиса сифатида тарих майдонида юзага чиқади. Алишер Навоий ижоди, ва айниқса, лирик мероси ғоявий-бадиий жиҳатлардан дунё миқёсида такомил топган адабий анъана ва бадиий кашфиётлар учун ўзига хос манбадир. Шуни айтиш керакки, бугунга қадар жаҳон ва маҳаллий адабиётшунослик Алишер Навоий шеърияти поэтик оламини тадқиқ этиш борасида йирик илмий, илмий-оммабоп ва чуқур тадқиқий ишларни амалга оширди. Бу мисли йўқ маънавий хазина бундан кейин ҳам кўплаб илмий тадқиқотлар ва монографик ишлар учун манба бўлиб хизмат қилади. Алишер Навоий шеърияти тимсол ва образлар оламида илоҳий-исломий, тарихий-афсонавий, адабий-бадиий сиймолар талқини алоҳида поэтик кўлам касб этади. Гап шундаки, Алишер Навоий лирикасида бундай сиймолар бадиий талқинига асос бўлган манбалар хилма-хилдир. Шоир бадиий-эстетик тафаккури учун бошқа мумтоз ижодкорлар сингари диний-илоҳий, тарихий-мемуар, оғзаки-ёзма манбалар бу хил образ-тимсоллар талқинига илҳом манбаи саналади. Мисол сифатида пайғамбарлар тимсоллари (бу тип тимсоллар талқини шоир шеъриятида энг маҳсулдор ўринга эгадир) тавсифини оладиган бўлсак, бунда илоҳий-исломий манбаларга, тарихий-афсонавий шахслар тасвирида “шоҳнома”лар ва “ажам шоҳлари тарихи”да қайд этилган қарашларга, адабий тимсоллар учун эса халқ дostonлари ва хамсачилик қаҳрамонлари ифодасига ишора этилади. Бундан кўринадики, мумтоз лирик ифодалар узоқ кечмиш ва бой

анъаналар замирида юзага келади. Бунда образ-тимсол тарихий жараёнлар ва бадий-фалсафий талқинлар призмасидан ўтиб лирик ифода талқинига кириб келади. Бу хил образ-тимсоллар кўлами, поэтик ифодалари билан лирик туйғуларни ўзига жалб қилади ва мумтоз шеърятнинг бетакрор нафосатини таъминлайди. Шу билан биргаликда муайян тип образ ёки мотивлар учун хос манбалар бадий-эстетик талқин қонуниятларига асосан ўзгача поэтик манзараларни вужудга келтиради. Бунда тарихий-ҳаётий воқелик ва бадий талқин масаласида ниҳоятда нозик, шу билан бирга бадий тасвир учун ўта муҳим бўлган ўзаро уйғунлашув юз беради. Шу нуқтаи назардан мумтоз адабиёт, хусусан, Алишер Навоий шеърятини барча замонлар учун ўз аҳамияти ва қимматини ошириб бораверади. Бу хил талқин қадрини мангу сақлаган манбалар биринчи қаторида илоҳий Қуръони Карим ва муқаддас Ҳадиси Шариф туради. Ушбу оламшумул манбалардаги мавзу ва мотивлар мумтоз адабиёт поэтик олами учун беқиёс даражада катта аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам мумтоз адабиёт илоҳий-исломий қарашлар бадий ифодаси сифатида талқин этиб келинади. Шарқ мумтоз адабиёти, чунончи, Алишер Навоий шеърятинида сермаҳсул тасвир этилган пайғамбарлар образ-тимсоллари тавсифи учун айни манбаларга таянилади. Мумтоз шеърятда афсонавий шахс ва шоҳлар (Жамшид, Кайхусрав, Искандар, Хусрав) образлари тасвир этилганда эса анъанавий тарихий-бадий асарлар талқини назарда тутилади. Алишер Навоий лирикасида шундай адабий образ-тимсоллардан бир туркумини адабий қаҳрамонлар силсиласи (Фарҳод, Ширин, Лайли, Мажнун, Вомиқ, Узро) ташкил қилади. Шу ўринда айтиш керакки, “Юсуф ва Зулайҳо” қиссаси илоҳий манбалар таъсирида жаҳон бадий ижод оламида бетакрор адабий ҳодиса сифатида шаклланган сюжет ҳисобланади. Шарқ мумтоз ижод аҳли бу тимсолларни тасвир этганларида айни ҳақиқатга таяниб бадий талқинни вужудга келтирганлар. Шу боис адабий тимсоллар талқини оғзаки ва ёзма, жумладан, Шарқда эпик анъанага айланган воқеликлар, сюжет ва мотивлар миграцияси жараёнлари туфайли юзага келган поэтик ҳодисалар натижасида образлар трансформацияси

маҳсули ўлароқ талқин этилади. Аслида трансформация мазмун-моҳиятига кўра, латин тилида “transformatio” (ўзгартириш) сўздан олинган бўлиб, у турли жабҳаларда, санъат турларида ўзига хос маъноларда қўлланилади. Масалан, тилшунослик луғатларида “асосий синтактик тузилмани тил қонун-қоидалари асосида ўзгартириб, иккинчи бир тузилма ҳосил қилиш” маъносида изоҳланади. Бу термин русча: 1) преобразование – ўзгартириш, қайта ўзгариш, айлантириш, алмаштириш, 2) превращение – бошқа нарсага айланиш, ўзгариш, бошқа нарсага айлантириш, ўзгартириш, ғумбакнинг капалакка айланиши, физикада электр токининг кучайиши ёки пасайиши каби маънолар ифодалайди⁶. Шундан трансформация ҳодисаси бир ҳолдан бошқа ҳолга ўтиш ёки бир шаклдан бошқа шаклга ўтиш, ўзгариш, бир ҳолни бошқа ҳолга ўтказиш, ўзгартириш англанади. Шунингдек, трансформацион таҳлил тушунчаси ҳам мавжуд бўлиб, бунда турли-туман тузилмаларни битта содда ядровий тузилмага келтириш усули тушунилади. Айниқса, тил трансформацияси хусусида тилшунос олим, филология фанлари доктори, профессор Ж.Д.Элтазаров яратган илмий тадқиқотлар эътиборга лойиқдир. Олим бир ўринда “материянинг бир турдан иккинчи турга, бир кўринишдан иккинчи кўринишга ўтиши (ёки материянинг сақлаш қонуни), энергиянинг бирдан иккинчи турга ўтиши (ёки энергиянинг сақланиш қонуни) табиатдаги энг универсал қонуниятлардан бири бўлиш билан бирга қиёсланишнинг ҳам энг муҳим категорияларидан биридир. Моддий ва маънавий оламдаги барча нарсаларнинг ўзгариши ва бир кўринишдан бошқа кўринишга ўтиши, уларнинг воқе бўлиши, ҳукм суриши ва тараққиётининг зарурий шаклидир. Трансформация (кўчиш) натижасида материя йўқолмайди, балки бир турдан иккинчи турга ўтади, бу ўтишу кўчишлар натижасида у яна ўша бошланғич нуқтага қайтиб келиши ҳамда ўзгаришларнинг янги босқичига юз тутиши мумкин. Масалан, табиатда сувнинг айланиши трансформацион кўчиш (айланиш)нинг яққол намунаси дир. Сувнинг буғланиши натижасида булут ҳосил бўлади (суюқлик газга трансформация қилинади), булутнинг совиши

⁶ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат нашриёти, 2006. –Б.168.

туфайли у яна сувга (ёмғир шаклидаги) айланади, совишнинг даражаси ошганда учинчи бир шаклга – муз (қаттиқ жисм) шаклига ўтади ҳамда эриш натижасида такроран сувга айланади...трансформация воқеликни идеал тизим сифатида ўзида инъикос эттирувчи ижтимоий ва гуманитар фанларнинг асосий тушунча апаратидан ҳам ўрин олган”⁷, – деган фикрлари диққатга сазовордир. Бироқ олим трансформацияни лисоний нуқтаи назардан таҳлил этади ва “кўчиш”, “айланиш” маъносида изоҳлайди. Айни тушунча бадиий-эстетика учун кўпроқ ўзгариш маъносини ифодалаши ҳам эътиборга олиниши керак. Бунда эпик сюжетнинг лирик ифодага ўзгариши, эпизоднинг кечинмага айланиши, бадиий образнинг ишоравий тимсолга кўчишини ҳам назарда тутиш лозим. Бу қарашларни адабий-эстетик жиҳатлардан бадиий тимсол-образлар трансформацион талқинида, хусусан, Фарҳод ва Ширин мавзусига нисбатан қўллаш мумкин. Адабиётшуносликда кенг маънода шакл ва мазмун жиҳатлардан бир адабий ҳодисанинг иккинчи бир ифодага ўзгариши, ўзгартирилиши тушунилса, тор маънода бир тимсол, образ ёки сюжетнинг турли жанрий-шаклий, бадиий ифодаларда ўзгариши, муайян ижод оламида ранг-баранг маънолар касб этиши англашилади. Шу нуқтаи назардан мумтоз шеърятда трансформацион образ-тимсоллар бениҳоя катта мавқе эгаллайди. Айниқса, улардан лирикада набий сиймолар, тарихий-афсонавий шахслар, шоҳу султонлар, адабий қаҳрамонлар образ-тимсоллари тавсиф ва талмиҳ этилиши доимий анъана саналади. Гап шундаки, бу сингари образ-тимсоллар поэтикаси мумтоз адабиёт учун адабий ва абадий қонуният ҳисобланади ва шу орқали бетакрор, серқирра ғоявий-бадиий ифодалар юзага келади. Шунини алоҳида айтиш керакки, Алишер Навоий ва умуман мумтоз шеърятда образ-тимсоллар кўчиш-ўзгариши (трансформацияси) миқдор жиҳатлардан ҳам, талқин мавзулари ва ифода усуллари ранг-баранглиги жиҳатларидан ҳам ниҳоятда кенг қўламлидир. Бу тип образларнинг ҳар бири ўзига хос ўзгариш-кўчишлар тамойилларига эга

⁷ Элтазаров Ж.Д. Ўзбек тилида сўз туркумланининг ўзаро алоқаси ва кўчиши. Фил. фан. док. дис. – Самарқанд: 2005 йил, [Б.189](#)

бўлиб, ўз ички ва ташқи қонуниятлари билан янги-янги оҳангларни яратади. Умуман айтилганда, Алишер Навоий лирикасида бу туркум образлар талқини мавзу моҳиятида илоҳий-ирфоний, тарихий-тавсифий, адабий-ишқий мотивлар шу тимсоллар характеридан келиб чиқиши кузатилади, яъни сюжет ва мотив, образ ва характер қайси типга йўналтирилган бўлса, лирик талқинда шу хусусият намоён бўлади. Масалан, илоҳий-маърифий масалалар талқинида Одам ва Ҳаво, Иброҳим ва Сора, Сулаймон ва Билқис каби бадий тимсоллари, ижтимоий-фалсафий мавзулар тасвирида Жамшид, Кайхусрав, Баҳром, Искандар сингари шоҳлар образига, ишқ-муҳаббат мавзуси тараннум этилган сатрларда Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун, Вомиқ ва Узро, Юсуф ва Зулайҳо сингари тимсолларга мурожаат этилади. Бу масалалар замонавий адабиётшуносликда образ трансформацияси (ўзгариши) ёки миграцияси (кўчиши) сифатида баҳоланади. Бундан шу нарса маълум бўладики, лирикада образ трансформацияси ҳодисаси айни масала, мавзу ёки тимсол учун хос бўлган мотивларга хослашади ва бунда тимсол ўз моҳиятидан узоқлашмайди, лирик қаҳрамон (ошиқ) туйғуларига ҳамоҳанглик касб этади. Шу нуқтаи назардан ҳам айни муаммо адабиётшуносликда алоҳида тадқиқотлар доирасида ўрганилиши ва тадқиқ этилиши талаб этилади. Гап шундаки, мумтоз адабиётимизда трансформация ва миграция ҳодисалари фақат бадий тимсол-образ ёки мавзу талқини билан чекланмайди, балки адабий жанр-шакллар тараққиётида ҳам бу ҳодиса рўй беради. Жаҳон адабиётшунослигида бу муаммо бадий ижод қонунияти сифатида эътироф этилади. Бироқ бадий образ-тимсолларни трансформация маҳсули сифатида тадқиқ этиш борасида ҳозирги ўзбек адабиётшунослигида изчил тадқиқотлар яратилган деган фикрни айтиб бўлмайди. Бу борада форс-тожик адабиётшунослигида “Юсуф ва Зулайҳо” мавзуси ва образлари трансформацияси ҳақидаги тадқиқотларни мисол сифатида келтириб ўтиш мумкин⁸. Уларда Юсуф, Зулайҳо образлари пайдо бўлиши, манбалари, эпик

8 Элбоев Вафо Джуракулович. Сказание о Юсуфе и Зулайхе в персидско-таджикской литературе X-XV веков (проблемы трансформации религиозных мотивов и образов в художественную литературу). Авт. док.

ва лирик асарларда талқин этилиши тадрижий равишда тадқиқ этилади. Шунингдек, ўзбек мумтоз адабиётида Жамшид образи талқини мавзусидаги тадқиқот ҳам айни масалага дахлдор илмий изланишлардан саналади⁹. Унда олима образ кўчиши ҳодисасини афсонавий Жамшид тимсоли орқали тадқиқ қилади. Ўзбек фольклоршунослигида ҳам образ трансформацияси масаласида тадқиқотлар яратилди¹⁰. Шу сингари ўзбек адабиётида нубувват тимсоллари эпик-лирик талқинидаги ўзгаришлар борасида ҳам махсус илмий тадқиқотлар олиб борилди¹¹. Бироқ ўзбек адабиётида бошқа тип образлар, хусусан, адабий тимсоллар трансформацияси муаммоси адабий-эстетик нуқтаи назарлардан ҳали илмий таҳлил этилган эмас. Адабиётшунослар, филолог олимлар адабий ва лисоний трансформация ҳақида ўз қарашларини айтиб ўтган эди. Мисол учун адабиётшунос Баҳодир Саримсоқов диффузия ва трансформация ҳодисасини адабий жанрларга татбиқ этиб, адабий жараёндаги ўзгаришлар, ривожланишлар ва силжишлар маъносида қўллаган эди. У трансформацияни кенг маънодаги тушунча сифатида эътироф этиб, “у ҳамма вақт маълум бир жанр, мотив ва образнинг узвий ривожига нисбатан қўлланилади”, – дейди¹². Бунга Шарқ, хусусан, Алишер Навоий мумтоз шеърлятида кўп бора тасвир этилган Фарҳод, Ширин образлари талқини яққол мисол бўлади. Алишер Навоийнинг дастлабки лирик девонларидан тортиб сўнгги куллийётларигача бу образ талқини самарали тасвирланганлиги кузатилади. Шунини айтиш керакки, шоир шеърляти жанрлари сериясида ғазал жанри бу образ талқинида етакчилик қилади. Фикримизча, бу бир томондан, ғазалнинг ишқ мавзуси талқинига хосланганлиги билан ҳам боғлиқдай кўринади. Маълумки, “Фарҳод ва Ширин” сюжети гарчи чуқур ижтимоий-фалсафий масалаларни ифодаласа-да, унда ишқ ёрқин мавзу сифатида

дисс. фил. наук. – Душанбе: 2016. – С.46., Мохаммад Хеммат Кухсар. Трансформация образа Зулайхи и его отражение в персидско-таджикской литературе X-XV вв. канд. дисс. по фил. наук. – Душанбе: 2015. –С. 190.
⁹Жабборова М. Ўзбек мумтоз адабиётида Жамшид образининг бадиий талқини. Фил. фан. бўй. фал. док. (PhD) дисс. – Тошкент: 2005. –Б.146.

¹⁰ Нурмонов Ф. Хизр образи генезиси ва унинг ўзбек фольклоридидаги талқини. Фил. фан. ном. дисс. авт. ■
Тошкент: 2007. –Б. 25.

¹¹ Қобилов У.У. Нубувват ҳақиқати – бадиий ижод руҳи. Монография. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2021. ■
305 б.

¹² Саримсоқов Б. Эпик жанрлар диффузияси. Ўзбек халқ оғзаки ижоди бўйича тадқиқотлар. 7 китоб, ■
Тошкент: “Фан”, 1981. ■Б.34.

китобхон ва лирик қаҳрамон шуурида муҳрланади. Аммо Шарқ адабиётида, хусусан, шеърятда Фарҳод тимсоли тасвир этилганда ёки бу образга талмиҳ тарзида мурожаат этилганда ҳам мумтоз поэтика биргина ишқ мавзуси талқини билан чегараланмайди, балки хилма-хил бадиий-эстетик манзаралар, ғоявий-фикрий қарашлар ва маърифий туйғуларни акс эттиради. Ҳатто, айтиш мумкинки, Фарҳод образи мумтоз шеърятда ишқий мавзудан кўра, ижтимоий мавзулар талқини ифодаси учун кўпроқ тамсил этилганлиги кўринади. Буни Фарҳод қиссаларидаги меҳнат билан боғлиқ мотивларнинг мумтоз шеърят, жумладан, Алишер Навоий лирикасидаги бадиий ифодалари ҳам исботлайди. Айни мотив эса Фарҳоднинг бадиий образ ёки тимсол сифатида мумтоз адабиёт оламида эътибор қозониши ва бу мотивнинг Фарҳод образини ифодалаган дастлабки асарлардан тортиб унинг мукамал характер касб этишигача бўлган жараёнларидаги ўзгаришлар ҳам кўрсатади.

Кузатишлардан маълум бўладики, Шарқ, жумладан, ҳазрат Алишер Навоий шеърятда Фарҳод образи тасвири ўзининг хилма-хил бадиий вазифалари билан намоён бўлади. Бу поэтик функциялар анъанавий “Фарҳод ва Ширин” воқелигидан ўзига хос қонуниятлар асосида лирик тафаккурга кўчган, ҳиссий кечинмаларга айланган талқинлар ҳисобланади. Бунда, биринчидан, лирикада Фарҳод образининг Ширин билан параллел тасвир этилиши масаласига эътибор қаратиш керак. Чунки бу масала Шарқ адабиёти анъаналарида бадиий кашфиёт сифатида Алишер Навоий талқинида юзага келганлиги маълумдир. Ушбу сюжет “Хусрав ва Ширин” ёки “Ширин ва Хусрав”дан “Фарҳод ва Ширин”га ўзгариши айнан Алишер Навоий адабий идроки орқали амалга оширилади. Ушбу масаланинг ўзиёқ Фарҳод ва Ширин мавзуси эпик-лирик талқинлардаги ўзгариш ҳодисаларини (трансформация) тадқиқ этишни заруратга айлантиради. Қайд этиб ўтиш керакки, Фарҳод ва Ширин лирик ифодаларда параллел тасвир этилиши уларнинг якка ҳолдаги талқини ёки бошқа ишқий тимсоллар (Мажнун, Вомиқ) билан бирга қўлланилишига қараганда анча кам ўринда тасвирланади. Масалан, Алишер

Навоийнинг “Наводир уш-шабоб” девонидаги бир ғазалда мавзуга икки марта мурожаат этилади.

*Ёр оғиз очмасқа дардим сўргали топтим сабаб,
Кўп чучукликтин ёнушмишлар магар ул икки лаб.
Чайқалиб гўё тушар ҳайвон зулоли ичра мавж,
Изтироб ичра юзунгга солса чин ногаҳ газаб.
Кўҳи дард ичра мени Фарҳод агар қилдинг хитоб,
Чун сени дермен чучук жоним эрур Ширин лақаб.
Буки кўнглумни итинг тишларда оғзин қочирур,
Ё ўти, ёхуд анинг ислангани эркин сабаб.
Ишқи комил элни ё Фарҳод, ё Мажнун қилур,
Гар эрур маъшуқ ёхуд арманий, ёхуд араб.
Эйки, фақр ичра қадам кўйдунг талаб водийсиға,
Бўлмаса толиб санга матлуб, суд этмас талаб.
Шаҳ ҳаримида, Навоий, неча топсанг эҳтиром,
Билгил ўз ҳаддингнью беҳад риоят қил адаб¹³.*

(Мазмуни: лирик қаҳрамон ёрнинг ошиқ дардини сўрашга оғиз очмаслигига сабаб унинг икки лаби ширинлигидан бир-бирига ёпишиб қолганлигида деб билади. Сенинг юзингга дард билан назар солса, гўё тириклик булоғи (лаб) мавж уриб чайқалади. Мени агар дард ичра Фарҳод деб билсанг, сени ширин жоним ичра Ширин деб айтаман. Кўнглимни сенинг итинг тишлари билан ғажимаслигига сабаб, бу менинг кўнглим ўтидан ёки унинг ҳидланганидандир. Маъшуқа армани (Ширин назарда тутилаяпти) ёки араб (Лайлига ишора этилмоқда) бўлишидан қатъи назар комил ишқ уни Фарҳод ёки Мажнунга айлантиради. Шуни билки, талаб водийсиға қадам кўйсанг, толиб сенга матлуб бўлмаса, талабинг ҳосил бўлмайди. Шох хузурида қанча эҳтиром топсанг ҳам ўз ҳаддингни билиб, одобга риоя қил) Ушбу ғазал мазмунидан кўринадики, бу образларнинг биринчи тасвирида, Фарҳод – дард аҳли, Ширин эса жон тимсолидир, иккинчи талқинида Фарҳод

¹³ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Наводир уш-шабоб. – Тошкент: Фан, 1989. –Б.30.

– талаб аҳли, Ширин – матлуб саналади. Бунда Фарҳод – Ширин – Ишқ ва Толиб – Матлуб – Талаб қиёсан тафтиш этилади. Айтмоқчимизки, мумтоз шеърятда Фарҳод ва Ширин гарчи бир ўринда келса ҳам, улар ўзгача манзаралар ва талқинлар ифодаси учун хизмат қилади. Бунда эпик талқинлардаги “Фарҳод ва Ширин” мавзуси лирик ифодада табиатан ўзгаради ва образ-тимсол трансформацияси ҳодисасининг ғоят муҳим бўлган жиҳатларини юзага келтиради. Алишер Навоий шеърятда Фарҳод, Ширин тимсолларининг бундай поэтик хусусият касб этиши деярли барча ўринларда ўз ифодасини топади. Шу боис мумтоз шеърятда образ трансформацияси ҳодисаси нафақат у ёки бу тимсолнинг ўзгариши, балки айни воситалар асосида бадиий-эстетик ва ирфоний-фикрий қарашларнинг янгилик касб этишини ҳам кўрсатади. Шу қонуниятга кўра, Шарқ ва умуман бадиий ижодда муайян образ-тимсолларга қайта-қайта мурожаат этилади, бир мавзудан хилма-хил поэтик манзаралар яратилади. Шарқ мумтоз адабиётида дастлаб кичик эпизод сифатида пайдо бўлган Фарҳод қиссаси кейинчалик ишқий-ирфоний мавзуларнинг кўламдор масалалар ифодасига айланади. Айрим тадқиқотларда Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” асари ҳаётий-реал заминда юзага келганлиги таъкидланади¹⁴. Алишер Навоий асарида шоҳлик ва ошиқлик бир ўзанда кечмаслиги ҳақиқатига риоя этилган ҳолда бадиий талқин ўзгаради. Шоир Фарҳод образи талқини орқали комил инсон тимсолида комил ишқни тараннум этади. Шоир назарида ва ҳақиқатига кўра ҳам Хусравшоҳ падаркушликни қурбони бўлган тарихий шахс сифатида комилликка прототип бўлиши нотабиий ва мантиқсиз ҳодиса саналар эди. Мазкур ҳақиқатга ишора этувчи сатрлар ҳам мумтоз адабиётда, жумладан, Алишер Навоий шеърятда баъзи ўринларда учраб туради. Масалан, шоир “Бадоеъ ул-бидоя” девонидаги бир ғазалида “ҳижрон дардини Фарҳоддан сўра, уни Хусрав қаердан билади” деган тарзда фикр юритилади:

Кўҳи дарду тешайи ҳижронни сўр Фарҳоддин,

¹⁴ Зоҳидов В. Улуғ шоир ижодининг қалби. – Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти, 1970. **Б.205.**

*Англамас Хусравки, Ширин бирладур дойим била*¹⁵.

Демак, шоир талқинича, ишқ йўли ниҳоятда мураккаб бўлган маърифат йўли ҳамдир. Ишқ-муҳаббат, Абдулла Қодирий таъкидлаганидек, “жуда кам одамларга насиб этадиган жавҳардир”. Уни Хусравга ўхшаб фақат Ширин дардида яшаш билан ишқ оламини билиб-англаб бўлмайди, бунинг учун Фарҳод сингари ишқни вужудга келтирадиган дард, ҳижрон, фироқ, алам изтиробларини ўз бошидан кечириши, руҳияти ва зехниятида ҳақиқий ишқ кечинмаларини чуқур ҳис этиши лозим бўлади. Бизнинг назаримизда, шу боис ҳам Фарҳод образ-тимсоли Алишер Навоий эпик-лирик талқинлари ва кейинги даврлар адабиётида ўзида комил туйғуларни мужассам этган бош қаҳрамон сифатида анъананинг етакчи типига айланади. Бошқача хил қилиб айтилганда, Фарҳод Алишер Навоий ижодида эпизодик образдан бош қаҳрамон тимсоли даражасига ўзгаради. Эҳтимол, шунинг учун ҳам Фарҳод образи Алишер Навоий ва умуман мумтоз лирика учун сермахсул тимсол бўлиб тасвирланади. Маълумки, навоийшунослик ва хамсашуносликнинг деярли барча вакиллари Фарҳод қиссаси ва образи тадрижи ҳақида ўз фикрларини билдириб ўтганлар. Жумладан, шарқшунос ва адабиётшунос олимлар Е.Э.Бертельс, С.Айний, О.Шарафуддинов, В.Абдуллаев, Н.Маллаев, Б.Валихўжаев, А.Қаюмов, А.Ҳайитметов, А.Абдуғафуров, Н.Комилов, М.Муҳиддинов, И.Ҳаққулов, Р.Воҳидов, Ш.Сироҷиддинов, С.Эркинов, А.Эркинов, Д.Салоҳий, Н.Жабборов ва бошқалар тадқиқотларида айни мавзуга эътибор қаратганлар. Бу қарашларда маълум маъноларда Фарҳод ва Ширин тимсоллари тадрижи, бугунги адабиётшунослик нуқтаи назари билан айтилганда, трансформацияси ҳақида ҳам гап боради. Мисол учун Садриддин Айний фикрича, “Низомий ўз “Хамса”сининг иккинчи достонини “Хусрав ва Ширин” деб атаб, Хусравга кўп эътибор берган, Фарҳодни эса йўл-йўлакай иштирок этадиган бир тасодифий қаҳрамон сифатида кўрсатган. Хусрав Дехлавий ҳам бу хусусда Низомийга тўлиқ эргашган. Алишер Навоий ўзининг бу достонини “Фарҳод

¹⁵ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Бадойиъ ул-бидоя. – Тошкент: Фан, 1987. –Б.245.

ва Ширин” деб атаб, Фарҳодга катта эътибор берган. Албатта, Навоийнинг бу иши фақат ҳикоянинг сюжет ва номига ўзгартириш киритиб, ўз достонини олдингиларнинг достонидан бошқача қилиш учунгина эмас эди. У шу мавзуда ёзилган достонларнинг мазмун ва мундарижасини тўғри, танқидий нуқтаи назардан ўрганиб, мазкур ўзгартиришларни киритишга мажбур бўлган эди”¹⁶. Навоийшунос А.Абдуғафуров эса масалага бошқача нуқтаи назар билан қарайди. Олимнинг фикрича, “хамсачилик талабларига амал қилган ҳолда Навоий ҳам ўз достонларида анъанавий достонларга қўл уради. Аммо бу анъанавий ҳикоят ва ривоятлар орқали ўз даври масала, муаммоларини ёритди, уларга жавоб излади...Навоий Фирдавсий, Низомий ва Хусрав Деҳлавийлар томонидан ишланган Хусрав ва Ширин, Лайли ва Мажнун, шоҳ Баҳром ва Искандар мавзуларини қаламга олар экан, авваламбор ўз замонаси ҳодисаларини, ўзига замондош шахслар муаммолари ва характерларини, ўй-истаклари ва интилишларини, ўзи яшаётган жамият жумбоқларини тасвирлайди, ўз даври ҳаётини ёритади, улар воситасида ўз гою ва қарашларини, баҳо ва муносабатларини баён этади”¹⁷. Адабиётшунос олим Содир Эркинов тадқиқотларида, хусусан, “Шарқ адабиётида Фарҳод қиссаси” рисоласида ушбу мавзу тадрижи тадқиқий равишда бутун кўлами билан чуқур ва атрофлича ёритилади¹⁸. Чунки бадиий ижодда ҳар қандай поэтик ҳодиса ва образ-тимсолларнинг ҳам келиб чиқиш тарихи, фалсафий-тарихий мушоҳада этилиши, жанрий-шаклий ифодалари ва адабий талқин жараёнларига айланиши анъаналари мавжуд бўлади. Гап шундаки, Фарҳод сингари Ширин образи талқини ҳам бу тадрижий жараёнларда ўзгаришларга учрайди ва комил ишққа мос тимсолга айланади. Диққатга сазовор жиҳати шундаки, Алишер Навоий шеъриятида Фарҳод ва Ширин тимсоллари ёки Лайли ва Мажнун, Вомиқ ва Узро сингари бошқа тимсоллар параллел тасвир этилганда ҳам улар бир ишқ жуфтлиги ифодаси сифатида эмас, балки бошқа

¹⁶ Садриддин Айний. Асарлар. – Тошкент: **Ғафур** Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1967. –**Б.300.**

¹⁷ Абдуғафуров А. Буюк бешлик сабоқлари: Мақолалар. – Тошкент: Ғофур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1995.– Б.23.

¹⁸ Эркинов С. Шарқ адабиётида Фарҳод қиссаси. – Тошкент: Фан 1985. –Б. 64.

йўналишдаги турфа поэтик манзаралар талқинини юзага чиқаради. Бу ҳолат мумтоз шеъриятда образ-тимсол трансформацияси ўзига хос адабий-эстетик конуниятлар касб этишини кўрсатади.

*Даҳр золин гар десам Фарҳодкуш айб этмангиз,
Гар эмас Фарҳодкуш охир денгиз Ширинмудур?*¹⁹

* * *

*Лаъли шавқидинки гам тогин қозарсен, эй кўнгул,
Не бало Ширин ҳаваслиқ нотавон Фарҳодсен*²⁰.

* * *

*Магар Фарҳод жонидин сизиб, қонидин этти ранг,
Кадар суратгари Ширин лаби лаъли шакарборин*²¹.

Келтирганимиз мисоллардан кўринадики, гарчи Фарҳод ва Ширин тимсоллари бир байтда тасвир этилса-да, улар орасидаги ришта ташқи таассуротда бўлиб, ички маънода ўзга манзаралар намоён бўлади. Биринчи байтда шоир “дунёнинг маккорлиги, фарҳодкушлиги” ҳақида фикр юритади, иккинчи байтда “маъшуқа дардида ғам тоғини қазишга чоғланган кўнгил Ширинга ҳавас қўйган Фарҳодга” қиёсланади, учинчи мисраларда эса Фарҳод ошиқ, Ширин маъшуқага тимсол қилиб олинади. Яъни “Азал суратчиси ёр лаби қизиллигини ошиқ қонидан олганлигига” ишора этади. Демак, ушбу сатрларда мумтоз шеъриятда ниҳоятда ранг-баранг тимсолларда ифодаланиб келадиган “дунё”, “кўнгил”, “ошиқ” образларига Фарҳод у ёки бу маъноларда тимсол бўлиб келади. Агар “Фарҳод ва Ширин” достонида бу образлар бир йўналишдаги мотивларни ифодаласа, лирик трансформацияси таҳлили турфа рамзий-мажозий ифодаларни юзага чиқаришга хизмат қилади. Шунга кўра, Алишер Навоий лирикасида Фарҳод тимсоли орқали ифодаланган поэтик манзаралардан бири сифатида унинг бошқа шу тип образ-тимсоллар билан мувозий қўлланилишини айтишимиз мумкин. Бунда Фарҳод образи асосан Мажнун, Вомиқ образлари билан, баъзан эса Парвиз,

¹⁹ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Бадойиъ ул-бидоя. – Тошкент: Фан, 1987. –Б. 225.6.

²⁰ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Бадойиъ ул-бидоя. – Тошкент: Фан, 1987. –Б. 556.2.

²¹ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Бадойиъ ул-бидоя. – Тошкент: Фан, 1987. –Б. 566.4.

Хусрав каби тимсоллар (айрим ҳоллардагина Шабдез (от) ҳам учраб қолади) билан параллел тасвир этилади. Улар орасида, айниқса, Мажнун, Вомиқ сермахсул ўрин эгаллайди. Чунки бу тимсоллар талқини мумтоз адабиётда мажозий ишқ ифодаларида ҳамоҳанглик касб этади, яъни Лайли ва Мажнун, Вомиқ ва Узролар ишқ мотивининг турфа қирраларини акс эттириб беради. Масалан, шоирнинг бир ғазалида лирик қаҳрамон Фарҳод ва Мажнундан қолган ишққа ворис эканлигини таъкидлайди.

*Магар ўларин Фарҳод бирла Мажнуннинг,
Балову дардига ишқ айлади мени ворис²².*

Бундан кўринадики, ишқ тасвир этилган бадиий асарлар тимсоллари бардавомлик, мангулик рамзлари бўлиб хизмат қилади. Шу боис улар қаҳрамонларининг асрлар давомида эпик талқинлардан лирикага, шеърӣ ифодалардан насрий талқинларга кўчиши табиий ҳол саналади ва образ-тимсол трансформацияси ҳодисаси бир вақтда ишқ абадиятини ҳам тасдиқлайди. Шунга биноан Алишер Навоӣ шеърӣятада бу тип образ-тимсоллар талқини ғафлат акси ўлароқ бедорлик, жаҳолат зидди бўлган маърифатга чорлайди. Шоирнинг “Бадоеъ ул-бидоя” девони ва умуман лирикасида Фарҳод, Вомиқ, Мажнун тимсоллари биргаликда тасвирланиш ҳолатлари камроқ учрайди. Бироқ мавзу ифодасида теран ва чуқур фикрларни юзага чиқаради. Бир ўринда шоир кўнгилга мурожаат этиб, Фарҳод ва Ширин, Вомиқ ва Узро, Лайли ва Мажнун ҳамроҳликда абадий ишқ маконига йўл олганлигини уқтиради. Шунини айтиш жоизки, ушбу дostonлар сўнгида қаҳрамонлар (ошиқ ва маъшук) бир мақсад йўлида бу дунёдан ўтиши тасвирга олинади. Айни масалада, яъни ошиқ ва маъшукларнинг вафот этиши тасвири талқинида кейинги даврлар навоӣшунос олимлари қарашларида ҳамоҳанглик кузатилади. Улар ошиқ-маъшукларнинг ҳалок бўлиши ишқнинг ўткинчи дунёдан боқийликка кўчиши сифатида талқин этадилар. Ушбу қарашлар асосли эканлигини бу

²² Алишер Навоӣ. Мукамал асарлар тўплами. Бадойӣъ ул-бидоя. – Тошкент: Фан, 1987. **Б. 91.2.**

образ-тимсоллар лирик талқини ҳам исбот этади. Чунончи мумтоз шеърят, хусусан, Алишер Навоий лирикасида ушбу ишқий тимсоллар абадийлик мотивини ифодалаб келади. Алишер Навоий шеърятда ошиқ (Фарҳод, Вомиқ, Мажнун) тасвир этилган мисраларда, албатта, маъшуқага (Ширин, Узро, Лайли) ҳам ишора этилади. Мисол учун ушбу мисралар бадий талқинида Фарҳод, Вомиқ, Мажнун тимсоллари келтирилган ҳолда Ширин, Узро, Лайли тилга олинмайди, уларнинг ўрнига “ҳамроҳ” тушунчаси ишлатилади. Айни вақтда бу тушунча ишқда ҳамроҳликни билдиради, ишқда ҳамроҳлик эса ошиқ кўнгил учун мангулик тимсоллари ҳисобланади. Шундан ошиқ учун Вомиқ, Фарҳод, Мажнун дostonлари сабоқ, дарс вазифасини бажаради.

Эй кўнгул, Фарҳод ила Вомиқ доғи Мажнун қани?

*Бўлмагил гофилки бир-бир бордилар ҳамроҳлар*²³.

* * *

То ўқубмен ишқ ҳарфин дарсу такрору сабақ,

*Вомиқу Фарҳоду Мажнун дostonидур манга*²⁴.

Алишер Навоий мумтоз лирикасида Фарҳод образи айрим ўринлардагина бошқа тимсоллар билан мувозий тасвир этилади. Шунда ҳам бу образ бошқа тип образ-тимсоллар билан эмас, балки айни мавзу ёки сюжет мотиви билан боғлиқ образлар билан биргаликда келади. Бу ҳолат мумтоз шеърятда образ-тимсол трансформацияси ҳодисасининг ўзига хос талаб-қонуниятлари мавжудлигини далиллайди. Буни шоирнинг “*Ҳийла ожизлиқдин айлар ошиқ англа, эй кўнгул, Ким забунроқ ишқ аро Фарҳоддин Парвиз эрур*”²⁵ – каби машҳур мисралари ҳам исботлайди. Унда Фарҳод билан бирга Хусрав Парвез ҳам тилга олинishi қисса сюжетиға ишора этади ва эътиборлиси кўнгилға мурожаат этилиб, ишқда Фарҳодми ёки Парвез забунроқ эканлигини қайд этади. Бундан ташқари Алишер Навоий шеърятда Фарҳод образининг ифодаланишида ушбу мавзуда талқин

²³ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Бадойиё ул-бидоя. – Тошкент: Фан, 1987. –Б.137.5.

²⁴ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Бадойиё ул-бидоя. – Тошкент: Фан, 1987. –Б.29.3.

²⁵ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Бадойиё ул-бидоя. – Тошкент: Фан, 1987. –Б. 203.8.

этилган нарса-предмет (теша), жой-макон (тоғ, ариқ), шахс-сиймо сингари тимсоллар ҳам иштирок этади. Бундай ўринларда шарқона лирик талқин табиатига биноан образ-тимсол ёки бадий детал рамзий-мажозий маънолар ифодасига хизмат қилади. Алишер Навоий шеърятда адабий мотив ва образлар трансформацияси масаласи тадқиқи ниҳоятда кўламли ва теран ифодаларга бой ҳисобланади. Унда шоир шеърятда ифодаланган адабий мотивлар ва образ-тимсоллар трансформацияси муҳим ўрин тутди. Бунда лирик образлар таснифи, образлар миграция (кўчиш) ходисаси адабий тимсоллар талқини, шунингдек, образлар лирик ифода қонуниятлари ва уларнинг бадииятига оламшумул ходиса сифатида эътибор бериш керак.

Ўзбек мумтоз шеърят, хусусан, Алишер Навоий лирикасида талқин этилувчи образ-тимсоллар ниҳоятда хилма-хилдир. Айниқса, пайғамбар сиймолар, валийлар ва сўфийлар, тарихий-афсонавий шахс ва подшоҳлар, адабий қаҳрамонлар самарали тасвирланади. Улар Шарқ мумтоз, жумладан, Алишер Навоий шеърятига Қуръони Карим, Ҳадиси Шариф, тасаввуф таълимоти, пайғамбарлар қиссалари ва тарихий асарлар, халқ оғзаки ижоди ва бадий тафаккур тадрижи сингари манбалар орқали кириб келганлиги кўринади. Шулардан бир гуруҳи дostonчилик эпик талқинларида анъанага айланиб, мумтоз шеърят бадий оламидан кенг ўрин эгаллаган адабий қаҳрамонлардир. Маълумки, Алишер Навоий хамсачилик анъанасини композицион-шаклий, ғоявий-бадий жиҳатлардан юксакликка кўтаришга эришади. Мутафаккир талқинида хамса-бешлик таркиби, дoston-маснавий сарлавҳалари, воқелик ва образлар талқини, характер ва сюжет қирраларида бутунлай янгича ёндашиш, ўзгача муносабат қарор топади. Бизга равшанки, “Хамса”лар ва Алишер Навоий “Хамса”сида мавжуд беш дostonдан биринчиси ижтимоий-фалсафий масалалар талқинига, охиргиси эса якка қаҳрамон етакчилигидаги мавзуга бағишланади. Асар марказида “Фарҳод ва Ширин” (Хусрав ва Ширин ёки Ширин ва Хусрав), “Лайли ва Мажнун” (Мажнун ва Лайли), “Саббаъи сайёр” (Баҳром ва Дилором) жуфтликлар тақдири ифода этилган дostonлар ўрин олади. Жаҳон ва Шарқ адабиётида

ижтимоиёт-илоҳиёт масалаларини бадиий ифода этувчи кўплаб ишқий-саргузашт сюжетлар талқин этилади. Алишер Навоий “Хамса”сида “Лайли ва Мажнун”, “Фарҳод ва Ширин”, “Баҳром ва Дилором” мавзуси билан боғлиқ саргузаштлар янгича талқин этилади. Шарқ адабиётида сайёр сюжетлар туркумида хилма-хил ижод намуналари яратилган эди. Жумладан, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Сабъаи сайёр”, “Искандарнома” каби мавзуларда ўрта асрлар мумтоз адабиётида кўплаб бадиий асарлар вужудга келган эди. Бу асарлар маълум бир сюжет-фабулага таянса ҳам моҳиятан ҳар бири ўзига хос мустақил асарлар саналади. Бу ҳодиса умуми адабиёт ва бадиий ижоднинг азалий қонунияти ҳисобланиб, кейинчалик улар мумтоз адабиётда сюжетлар миграцияси ва образлар трансформацияси ҳодисасини юзага келтиради. Бир томондан Алишер Навоий ижодида хамсачилик ва бу образлар талқинидаги янгиликлар Шарқ бадиий тафаккуридаги янги ланиш жараёни ҳам эди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, зикр этилган образлар эпик талқинлар маҳсулигина эмас, балки лирик ифодалар учун ҳам энг сермаҳсул тимсоллар ҳисобланади. Бу ҳолат бадиий адабиётнинг азалий қонунияти эканлигини қайд этиш лозим. Чунки буюк асарлар ва чинакам бадиий образлар ўз даврида ҳам, ундан кейин ҳам халқ онгидан, бадиий талқин олаmidан ҳеч вақт узоқлашмайди, асрлар мобайнида яшашда давом этади. Бунда мавжуд сюжет ва образларга ўзгача бадиий ният, нуқтаи назарлар билан ёндашув кўлаmi кенгайди. Бизнинг фикримизча, аynи шу характерли асарлар ўз мукамаллиги ва бадиий нафосати билан ижод жараёни ҳамда бадиий-эстетик тафаккур оламида асосий ўрин тутди. Мисол учун Алишер Навоийгача анъанавий талқинларда “Хусрав ва Ширин” ёки “Ширин ва Хусрав” дostonчилиги ва бу қаҳрамонлар лирик ифодаси мавжуд бўлган бўлса, Алишер Навоийдан кейин “Фарҳод ва Ширин” дostonлари ва уларнинг мумтоз лирикада шеърый ифодалари пайдо бўлди. Маълум тарихий ҳақиқатларга кўра, Хусрав тарихий шахс, унинг бадиий сиймо ва образ сифатида талқин этилиши ҳозирги адабиётшунослик нуқтаи назаридан прототип саналади. Бунда, бизнинг фикримизча, Хусрав

тимсолида Алишер Навоий назарида комил шахсиятга хослик асослари кўринмайди. Шунинг учун Алишер Навоий идеал шахс тимсолини яратишда Фарҳод тимсолини бадиий тафаккур майдонида юқори мақомга олиб чиқади. Бундан айтиш мумкинки, Фарҳод комиллик тимсоли сифатида Алишер Навоий идеалида пайдо бўлди, янгидан кашф этилди. Бу янгилик кейинчалик умуман бадиий-эстетик тафаккур оламига бир туфха ўлароқ хизмат қилди. Шу маънода бадиий ижодда образ трансформацияси ҳақида гап кетганда муайян тимсол ёки образ билан боғлиқ чуқур ўзгаришларни нозик ҳис этиш ва руҳият призмасидан ўтказиш талаб этилади. Шу билан бирга бундай адабий ҳодисалар ижодкор ва ижоднинг асрий қонуниятлари сифатида бадиий-эстетик тафаккурнинг азалий муаммоларини очиб беришга хизмат қилади. Бундан кўринадики, образ-тимсолларнинг асардан асарларга, сатрдан сатрларга, даврдан даврларга кўчиб бориши ҳодисаси талқин ва тавсифлар ўзгариши билангина эмас, балки ижтимоий ҳаётдаги қарашлар ва масалаларнинг тубдан ўзгаришлари билан ҳам боғлиқ ҳолда содир бўлади. Шу фикрни мумтоз анъаналарнинг бошқа мавзу ва образлар талқинига нисбатан ҳам айтиш мумкин. Бу сюжетлар асосида яратилган асарлар трансформация туфайли ранг-баранг мотивлар касб этади, янгича қарашларни ифодалайди, ҳаёт ва замон муаммоларини бадиий тафаккур орқали ўзлаштиради. Унда инсон ва ҳаёт учун зарур барча масалалар талқини мавжуд бўлиб, бу ҳодиса Шарқ адабиётига хос бўлиб қолмасдан, балки дунё халқлари адабиёти тажрибасидан ўтиб келган ижтимоий-маданий ҳаётда муҳим аҳамият касб этган муаммолар бадиий талқини ҳам ҳисобланади. Бу ҳолатни нафақат Шарқ, балки жаҳоннинг даҳо ижодкорлари ҳам бадиий адабиёт қонуниятлари орасидаги мақбул услуб ва ижобий ҳодиса эканлигини таъкидлайди. Буни таржимон ва адабиётшунос, Ўзбекистон қаҳрамони Иброҳим Ғафуровнинг “Улуғ асарларга “жавоб” ёзиш фақат Шарқдагина жорий бўлган эмас. Бу ҳодиса жуда қадим замонлардан бери бор. Унинг энг улуғ ва илк намуналаридан бири Гомердан кейинги иккинчи буюк шоир Вергилийнинг “Энейнома” асаридир. Вергилий бу асарни

Гомернинг “Илиада” ва “Одиссея” дostonларига жавоб тариқасида яратган. “Энейнома”га ҳам ўз навбатида юзлаб жавоблар яратилган”²⁶, - деган фикри ҳам қувватлантиради. Бу қарашни Шарқ ва дунё адабиётида мавжуд бўлган кўплаб эпик асарларга нисбатан айтиш мумкин. Чунончи, араб адабиётида пайдо бўлган “Лайли ва Мажнун”, юнон адабиёти маҳсули “Саломон ва Абсол”, иброний манбалар намунаси “Юсуф ва Зулайҳо”, хинд халқи ёдгорлиги “Калила ва Димна”, форс халқига хос “Вомиқ ва Узро”, “Баҳром ва Дилором” ҳамда бошқа халқларга тегишли “Хусрав ва Ширин”, “Вис ва Ромин” ва бошқа ёдгорликлар ҳам турли даврларда анъаналар бардавомлигига хизмат қилиб келмоқда. Бундай сюжет ва образлар, биринчидан, узоқ давр ва ҳаётини босқичларни бошидан ўтказса, иккинчидан, турли даража, қараш, талқин ва маҳорат тажрибалари билан бойиб боради, асар ифода олами рангинлашувига имкон яратади. Бу ҳолатни Алишер Навоий “Хамса”си ва хамсачилик қаҳрамонларининг шоир ва умуман мумтоз шеърятдаги бадиий талқинлари яққол исботлайди. Алишер Навоий юқорида қайд этиб ўтганимиздек, “Вомиқ, Фарҳод, Мажнун қиссаларини кўп ўқиганлигини” айтиб ўтади. Шоир шеърятда Мажнун, Фарҳод, Лайли, Ширин, Вомиқ, Искандар, Баҳром сингари қаҳрамонлар кенг тасвирланади. Айниқса, Мажнун, Фарҳод, Вомиқ шоирнинг мавжуд лирик девонларида сермахсул ўрин эгаллайди. Мисол учун “Бадойиъ ул-бидоя” девонида Искандар 5 марта, Лайли 22 марта, Мажнун 90 марта, Фарҳод 40 дан ортиқ, Ширин 10 га яқин, “Наводир ун-ниҳоя” девонида эса Искандар бир марта, Мажнун 100 марта, Фарҳод 47 марта, Ширин 14 марта, Лайлига 20 марта мурожаат этилади. Бу икки девонда Мажнун 200 га яқин, Фарҳод 90 га яқин тилга олинади. Алишер Навоийнинг “Хазойин ул-маоний” куллиёти таркибига кирган лирик девонлари ёки “Девони Фоний”га мансуб лирик жанрлардаги мурожаатларни ҳам ҳисобга олсак, бу анча катта рақамларни ҳосил қилади. Жумладан: “Ғаройиб ус-сиғар” девонида Фарҳод тимсоли 24 марта, Фарҳод ва Ширин биргаликда 2 марта, Фарҳод ва Мажнун мувозий

²⁶ Иброҳим Ғафуров. Ўттиз йил изҳори. – Тошкент: Фан, 1987. Б.37.

ҳолда 12 марта, Фарҳод ва Вомиқ 1 марта, Фарҳод – Вомиқ – Мажнун тимсоллари параллел равишда 4 марта, Ширин ва Парвез 1 марта ҳамкорликда талқин этилади. “Фавойид ул-кибар” девонида Фарҳод тимсоли 39, Фарҳод ва Ширин биргаликда 4, Фарҳод якка ҳолда 7, Фарҳод ва Мажнун биргаликда 23, Ширин – Лайли – Мажнун 2, Фарҳод билан Парвез 3 марта параллел қўлланади. “Наводир уш-шабоб”да Фарҳод тимсолига 39 марта мурожаат этилган бўлса, шундан Фарҳод ва Ширин атиги 2 марта биргаликда ишлатилади, Фарҳод якка ҳолда эса 9 марта, Мажнун билан бирга 12 марта, Ширин, Лайли ва Мажнун 8 марта, Вомиқ ва Мажнун билан 3 марта, Парвез билан 3 марта тасвирланади. “Бадоеъ ул-васат” лирик девонида Фарҳод 42 марта, шундан Фарҳод ва Ширин 8 марта, Фарҳод 6 марта, Мажнун билан 27 марта, Вомиқ билан 1 марта, Вомиқ ва Мажнун билан 4 марта, Парвез билан 2 марта ишлатилади. Ҳатто, “Фарҳод ва Ширин” достонида Фарҳод, “Лайли ва Мажнун” асарида Мажнун образлари номи бу қадар кўп қайд этилмаган ҳам бўлса керак. Аниқроқ айтадиган бўлсак, “Фарҳод ва Ширин” достонида Фарҳод 259, Ширин 63 марта тилга олинганлиги маълум бўлади. Шу ўринда “Хусрав ва Ширин” ҳамда “Ширин ва Хусрав” асарларида Фарҳод ва Ширин номларининг қайд этилиш миқдорини эсга олсак, Хусрав – Ширин – Фарҳод образларининг ўзгариш жараёнлари ҳам кўз ўнгимизда аниқ позицияда гавдаланади. Низомий Ганжавийда Хусрав, Хусрав Дехлавийда Ширин, Алишер Навоийда Фарҳод образлари бош қаҳрамон мақомига кўтарилганлиги намоён бўлади. Алишер Навоий талқинида Фарҳод ушбу асарларда иштирок этувчи образларнинг ҳам ҳар бири билан боғлиқлиги ва мулоқоти кенг планда тасвирланади. Ундан олдинги дostonларда эса Фарҳод маълум бир эпизодда иштирок этади, холос. Шу боис ҳам адабиётшуносликда Фарҳод ва Ширин образларининг Алишер Навоий шеъриятидаги трансформацион талқини тадқиқ этилиши зарурат ҳисобланади. Булардан аён бўладики, бу тимсоллар мумтоз лирик қаҳрамон дарду ҳолига жуда яқин, туйғу-кечинмалари учун мос ва хослиги туфайли ҳам лирик тасвирларга кўчади. Шунинг баробарида бу образлар эпик

талқинда ҳам ўз ифодасига (ишқ, комиллик, адолат) мос бўлган оламшумул ходисалар ҳисобланади. Шу сабабдан ҳам адабиётнинг, шеърининг муқим образ-тимсолларидан бўлиб асрлар давомида талқин этилмоқда. Эътиборли томони шундаки, “Хамса” қаҳрамонлари лирик ифодаларда ранг-баранг мавзулар учун мотив бўлиб келади, талмиҳ-тазмин саналади. Бошқача хил айтилганда, хамсачилик анъанаси бошқа дostonлардан кўра лирикага кўпроқ таъсир кўрсатган манба сифатида қаралиши ўринли бўлади. Уларда лирик туйғулар мажоздан ҳақиқатгача, ҳаётийликдан илоҳийликкача бўлган ифодалар оламида бу тимсолларга мурожаат этилади. Бу ҳол фақат мажозий ифодалар тасвирида эмас, балки маърифий масалалар талқинида ҳам кўринади. Масалан, “Бадойиъ ул-бидоя” девони ҳамд ғазалларидан бирида шоир маъшукани (Ҳақ) “топиш мушқил, топмаслик осон”лиги, “пайдолиғи пинҳон, пинҳонлиғи пайдо”лигини айтиб, маъшуканинг “юзи кўзгусида Лайли аксини кўрсатмаганлигидан Мажнуннинг кўзгуси акс бермагандек беоромлиги” ёки “сўзи Ширин лабида яширинмаган, балки Фарҳоднинг қон ёшидан товланганлиги” мисоли орқали тамсил қилинади. Алишер Навоий “Наводир ун-ниҳоя” девони ҳамд ғазали мақтасида Лайли ва Мажнун тимсолларига мурожаат этади. Унда Мажнун – “аҳли жунун”га, Лайло – ишқ маҳзарига нисбатан тимсол қилиб олинади. Шоир “илоҳий жунун аҳли гуруҳида намоён бўлади, уни Мажнун ва ўзингни уларга Лайло қил”, - дейди. Шеърда жунун аҳли – ошиқлар сифатида талқин этилиб, улар оташин ишқи Мажнун ва Лайло мажозий тимсолларида акс эттирилади.

Навоий, аҳли жунун зумрасига кирди илоҳи,

Чу айладинг ани Мажнун, ўзингни қил анга Лайло²⁷.

Алишер Навоий лирикасида хамсачилик қаҳрамонлари тимсоллари тасвир этилар экан, ишқи илоҳий мавзуларида кўпроқ Лайло ва Мажнунга ташбиҳ этилади. Шу боисдан ҳамд, наът ғазалларда ҳам шу тимсоллар тилга олинади. Бу бир томондан “Лайли ва Мажнун” қиссаси ушбу мавзуга хосланганлиги билан изоҳланади. Демак, эпик талқинда кўриладиган масала

²⁷ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Бадойиъ ул-бидоя. – Тошкент: Фан, 1987. Б.722.

моҳияти лирик талқин трансформациясида ҳам кузатилади. Бундан шу кўринадикки, Алишер Навоий талқинидаги “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”лар комил ишқ дostonлари туркумидан ҳисобланади. Демак, dostonлар мазмун моҳиятини чуқур англаш учун бу асарлар қаҳрамонлари лирик ифодаларини ҳам атрофлича ҳис этиш талаб этилади. Бу эса жуда муҳим ва ушбу тадқиқотнинг ҳозирги адабиётшунослик, бадиий-ирфоний карашлар такомилида муҳим ўрин тутишини ҳам кўрсатади деган хулосага келсак бўлади. Шундагина мумтоз адабиётда Фарҳод, Ширин, Лайли, Мажнун, Искандар образлари характер тийнатиинг бадиий талқинлардаги моҳияти тўлиқроқ намоён бўлади. Шунга биноан Алишер Навоий юқорида қайд этганимиз сингари бир байтида Вомиқ, Фарҳод, Мажнун dostonлари – ишқ дарси, сабоғи эканлигини айтади. Шу ўринда бир ҳақиқатни айтиш керак, Алишер Навоий ижоди ва умуман ўзбек мумтоз адабиётида “Вомиқ ва Узро” ишқий dostonи ёзма варианты учрамаса-да, бу мавзу лирик талқинда кенг қамравли воқелик сифатида кузатилади. Ҳатто, Алишер Навоий шеъриятидаги бадиий талқини орқали бу образ-тимсоллар ва улар ифодалаган эпик воқелик ҳақида муайян тасаввур ҳосил қилиш мумкин бўлади. Чунки бир томондан ушбу қаҳрамонлар лирикада тавсиф этилганда, улар эпик талқини манзаралари, сюжет элементлари, детал-предметлар ҳам турфа рамзий маъноларда тасвирга олинади. Масалан, оху, дашт, тоғ, қаср кабилар Мажнун ва Фарҳод образ-тимсоллари лирик талқинида рамзий маънода келтирилади. Худди шунингдек, Алишер Навоийнинг қуйидаги тавсифларидан Фарҳод, Мажнун сингари образ-тимсолларнинг типиклиги аён бўлади. Унга кўра, Лайли-ю Ширинга ўхшайдиган ёрини ишқи дашт ва тоғда содир бўлиб, уларнинг Мажнун ва Фарҳод сингари ошиқлари кўпдир. Бу ўринда Лайли, дашт, Мажнун бир томондан, Ширин, тоғ, Фарҳод эса иккинчи томондан лирик манзара учун хос ҳиссий воқелик ҳисобланади. Умумий мавзу тасвири эса комил ишқ ва ошиқлик барқарорлиги ҳақида боради.

Мазмунан худди шу каби тасвирлар Алишер Навоий шеъриятида кўп учрайди. Масалан, шоир даги бир ғазалининг мақтасида “Фарҳод тешаси ғам тоғини қазиси” рамзий ифодасини “кўксини тирноқ билан тирнаш” лавҳасига менгзайди.

*Навоий, дегасен ғам тоғи қозмиш тешаи Фарҳод,
Кўруб кўксумдаги тирноғ ила қилгон хорошимни*²⁸.

Бу мисраларда ҳам ички ва ташқи, зоҳирий ва ботиний маъно оқимлари мавжуд бўлиб, ташқи ифодадаги эпик воқелик ички талқинда кўнгилнинг ишқ дардида ўртанишини англатади. Кўринадики, Фарҳод ёки бу тимсол тавсифи билан боғлиқ лавҳа-деталлар лирик туйғулар ифодаси учун рамзий-мажозий маънода турфа поэтик манзаралар яратишга хизмат қилади. Алишер Навоий ҳатто бир ўринда “Мен ўзга” ва “Фарҳод ўзга” эканлигини ҳам қайд қилиб ўтади. Бунда “Мен” шоир лирик қаҳрамони бўлса, “Фарҳод” ўша машҳур афсонавий адабий қаҳрамон ҳисобланади. Демак, шоир ҳар доим ҳам лирик тасвирда Фарҳод тимсолини рубобий образ кечинмалари билан қориштириб юбормайди, балки уни дилларни мафтун этган тарихий образ сифатида ҳам қолдиради. Буни ушбу мисралар исбот қилади. Унга кўра, ишқ бобида лирик қаҳрамон бошқа шахс, Фарҳод ўзга сиймодир. Лирик қаҳрамон ғам тешаси билан тоғ бағрини вайрон қилувчи, Фарҳод эса тешаси билан тоғни қазувчи бир инсондир. Яъни Фарҳод тоғни қазиб, сув чиқарса, лирик тимсол ишқ тоғини қазиб, висолга интилади.

Алишер Навоий шеъриятида хамсачиликнинг асосий қаҳрамонларидан Искандар тимсолига ҳам мурожаат анча кузатилади. Бироқ бу тимсол бошқа хамсачилик қаҳрамонлари сингари маҳсулдор эмас. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, мумтоз лирика туйғулари асосан ишқий-интим масалаларга қаратилади, Искандаршоҳ сингари ижтимоий характерли муаммоларни ифодалаган тимсоллар эса мавзу эътиборига кўра кўп ҳам қаламга олинмайди. Шоир Искандар тимсолини тасвир этган ўринларда ишқ

²⁸ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Ҳавойид ул-кибар. – Тошкент: Фан, 1990. –Б.599,7.

тимсолларидан фарқли ўлароқ моддийлик, дунё мулки, ўткинчи тахт мавзуларида фикр юритади. Шу туйғайли шоир бир ғазалида менга “ишқ мулки”, “шоми ғам” (ҳажр ғами) бўлса бўлди, жаҳон (дунё бойлиги) ва зулмат азми (зулматдан булоқ қидиргани) Искандарга бўлсин”, - дейди.

*Скандарга жаҳону азми зулмат,
Ки, мулки ишқу шоми ғам манга бас²⁹.*

Айтиш мумкинки, Шарқда эпик асарлар образлари, хусусан, ишқий-ирфоний дostonлар мумтоз шеърият поэтикаси ва умуман бадий тафаккур учун умрбоқий хазина ҳисобланади. Бу маънавий хазина бошқа томондан мумтоз лирик туйғулар ифодаси учун илҳомбахш манба саналади. Мумтоз эпик асарлар ва улардаги образ-тимсоллар асрлар давомида халқ онгу тафаккурида чуқур илдиз отиб, турли даврлар бадий ифодаларида абадий ўрин олади. Алишер Навоий лирикасида эпик образларнинг бадий тимсол сифатида талқин этилиши ўзига хос тамойилларга эгадир. Бунда эпик воқелик лирик талқин учун ҳиссий майдон ҳозирлайди. Бу майдон тимсол ифодасида турфа рамзий-мажозий талқинларни вужудга келтиради. Мисол учун “Фарҳоднинг тоғда сув чиқариш учун чеккан заҳмати” лирик ифодада “ошиқнинг ишқ бобида кечирган машаққатларига” тайёр манзара ролини ўйнайди. Худди шундай “Мажнуннинг даштда оҳулар билан сирлашиши” воқелиги шеъриятда “ошиқнинг ҳуркак ишққа дучор бўлиши” сифатида воқеаланади. Аини чоғда мумтоз шеъриятда ушбу тимсолларнинг ўзи ҳам ранг-баранг ифодаларни юзага келтиради. Масалан, Алишер Навоий шеъриятида Фарҳод, Ширин, Лайли, Мажнун, Искандар ва бошқа тимсоллар турли-туман рамзий маъноларни ифодалашга йўналтирилади. Бундай ўринларда фикр шуни кўрсатадики, мумтоз шеъриятда образ-тимсоллар трансформацияси учун аввало хос манбаларга таянилади. Юқорида айтилганидек, Таврот, Инжил, Қуръон илоҳий китоблари, “Қисас ул-анбиё” ёки пайғамбарлар тарихи туркум асарлари мумтоз шеъриятда пайғамбар

²⁹ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Фавойид ул-кибар. – Тошкент: Фан, 1990. –Б.565, 422.

сыймолар бадий тимсоллари тасвири учун манба бўлса, “Шоҳнома”лар, “Ажам шоҳлари тарихи” ва бошқа тарихий-бадий асарлар ҳукмдорлар образлари учун манба бўлиб хизмат қилади. Шу сингари адабий тимсоллар талқини учун халқ қиссалари ва дostonлари, оғзаки ва ёзма ижод намуналари, хамсачилик анъанаси худди шундай вазифани бажаради. Шарк мумтоз адабиётида адабий қаҳрамонлар тимсолларининг идеал тимсол ва образ даражасида тасвир этилишида хамсачилик муҳим рол ўйнайди. Тадқиқотлар гувоҳлик беришича, “Хамса” дунё адабиётида бетакрор ҳодиса, бадий тафаккурнинг улкан кашфиётидир. Унда воқелик муайян сюжет ва қаҳрамонлар асосида юзага чиқарилган бўлса-да, ижтимоий-маънавий ҳаётнинг барча масалалари алоҳида дoston-маснавий шаклларида яхлитлашади. Одатда хамсачилик ахлоқ-одоб ва ҳикмат фалсафаси, комил инсон сиймоси талқини, мажоз ва Ҳақ ишқи таърифи, одил шоҳ ва адолатли жамият тавсифи сингари умрбоқий масалалар ифодасига бағишланган ўлмас анъанадир. Гарчи хамсачилик анъанаси буюк озор қалам соҳиби Низомий Ганжавий ижодида бошланган бўлса ҳам, унинг маънавий-маърифий асос замини узок тарих билан боғлиқ эди. Боиси бу анъанага тегишли мавзу, сюжет ва образлар генезиси ҳамда тарихи қадим оғзаки ҳамда муқаддас манбалар орқали бадий адабиёт оламига кириб келади. Шу билан бирга турли давр ва халқлар ҳаётидан олинади. Бу сюжет ва образларнинг муайян қисми “Шоҳнома”лар ёки бошқа асарларда ўзига хос равишда зикр этилгани ҳам эътиборда тутилиши лозим. Биргина “Фарҳод қиссаси” билан боғлиқ қадимги қарашлар ёки Искандар Зулқарнайн сиймоси ҳақидаги куръоний оятлар ва қиссалар ҳам масалалар моҳиятини жуда узок тарих саҳифаларидан излашга ундайди. Эътиборли томони шундаки, бу образлар лирик талқини ҳам фикрни муайян маъноларда ўша қарашлар ҳақиқатларига сари етаклайди. Бу ҳақда кейинги бобларда фикр юритилади. Маълумки, мавжуд адабий-бадий қонуниятларга мувофиқ “Хамса” қаҳрамонлари ва улар воситасида талқин этилган ғоявий-бадий муаммолар одам ва олам, жамият ва ҳаёт, бугун ва келажак билан боғлиқ масалалар моҳиятига қаратилади. Бу

анъана XV асрда мутафаккир ижодкор Алишер Навоий талқинида юксак чўққига кўтарилишига сабаб темурийлар даврида ижтимоий-маданий ҳаётдаги туб ўзгаришлар содир бўлганлиги билан ҳам характерланади. Маълумотларга кўра, жаҳон тарихида буюк империя яратган жаҳонгир шахслар орасида фан, маданият, санъат тараққиёти темурийлар даврига тўғри келади ва тафсилотларга биноан бу даврда инсоният моддий-маънавий бойликлари бир ҳудудда жамулжам бўлган. Шундан бадиий-фалсафий ва ижтимоий-маънавий тафаккур тараққиёти учун улкан имкониятлар эшиги очилади. Натижада бадиий тафаккурда якка қаҳрамон ҳис-туйғулари ифодаси бўлиб келган жанрлар билан бирга воқеликни кенг қамровли, эпик усулларда талқин этувчи асарларга эҳтиёж ортиб боради. Бу ҳодисани Алишер Навоий “васеъ” – кенг майдон деб баҳолайди. Гап шундаки, Алишер Навоийга қадар яратилган маснавий ва “Хамса”лар ҳаётий воқеа-ҳодисалар талқинларида оламшумул улуғворликка эришиш билан биргаликда бадиий тахайюл уфқларининг янада кенгайишига йўл очиб беради. Алишер Навоий бу ҳолатни чуқур ҳис этади ва хамсачилик анъанасини композицион-шаклий, ғоявий-бадиий жиҳатлардан юксакликка кўтаришга, баланд чўққига олиб чиқишга эришади. Мутафаккир талқинида хамса-бешлик таркиби, дoston-маснавий сарлавҳалари, воқелик ва образлар талқини, характер ва сюжет қирраларида бутунлай янгича ёндашиш, ўзгача муносабат қарор топади. Бу янгича талқинлар эҳтиёжини Алишер Навоий бир неча ўринда алоҳида таъкидлаб ўтади. Равшанки, хамсалар ва Алишер Навоий “Хамса”сида мавжуд беш дostonнинг биринчиси ижтимоий-фалсафий масалалар талқинига, охиригиси эса якка қаҳрамон етакчилигидаги мавзуга бағишланади. Асар марказида ишқий жуфтликлар тақдири ифода этилган дostonлар ўрин олади. Шу ўринда айтиш керакки, жаҳон ва Шарқ адабиётида ижтимоийёт ва илоҳийёт масалаларини бадиий ифода этувчи кўплаб ишқий-саргузашт сюжетлар талқин этилади. Одатда, жаҳон ва Шарқ адабиётида сайёр сюжетли асарлар туркумига, одатда, бир фабула ва ёки бир хил номдаги образлар иштирокидаги хилма-хил асарлар, ижод намуналари

киритилади. Жумладан, “Фарход ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Сабъаи сайёр”, “Искандарнома” каби мавзуларда ўрта асрлар адабиётида кўплаб бадиий асарлар вужудга келган. Бунда мавзу ва образлар бир хиллиги ташқи белгиларига кўра бўлиб, моҳиятан эса уларнинг ҳар бири ўзига хос мустақил асарлар саналади. Бу қонуният бадиий ижодда сюжетлар миграцияси ва образлар трансформацияси ҳодисаси ҳам ҳисобланади. Бир томондан Алишер Навоий ижодида ҳамсачилик ва бу образлар талқинидаги янгиликлар умуман Шарқ бадиий тафаккуридаги янгиланиш ва ўзгача руҳ касб этиш жараёни ҳам эди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, қайд этилган образлар фақат эпик талқинлар маҳсули эмас, балки лирик ифодалар учун ҳам сермаҳсул бадиий тимсоллар ҳисобланади. Бу ҳолат Шарқ ва умуман бадиий адабиёт қонунияти эканлигини қайд этиш лозим. Чунки буюк асарлар ва чинакам бадиий образлар ўз даврида ҳам, ундан кейин ҳам халқ онгидан, бадиий талқин олаmidан ҳеч вақт узоқлашмайди, боқий яшашда давом этади. Бунда мавжуд сюжет ва образларга ўзгача бадиий ният ва нуқтаи назарлар билан ёндашув кўлами кенгаяди, холос. Фикримизча, айнан шу характерли асарлар ўз мукамаллиги ва қиёмига етган бадиий нафосати билан бутун ижод жараёни ва бадиий-эстетик тафаккур оламида асосий ўрин тутди. Сайёр сюжетлар борасида Алишер Навоий ижодида фабула ҳам, образлар ҳам, талқин ҳам мутлақ янгиланганлиги фақат ҳамсанависликда эмас, балки умуман бадиий тафаккурда вужудга келган янгиланиш эди. Биргина мана шунинг ўзиёқ образ-тимсол трансформацияси бадиий ижоднинг табиий қонуниятларидан эканлигини кўрсатади. Мисол учун Алишер Навоийгача анъанавий талқинларда “Хусрав ва Ширин” дostonчилиги ва бу қаҳрамонлар лирик ифодаси мавжуд бўлган бўлса, Алишер Навоий ва ундан кейин “Фарход ва Ширин” дostonлари ва уларнинг шеърый ифодалари пайдо бўлади. Шу фикрни мумтоз анъаналарнинг бошқа мавзу ва образлар талқинига нисбатан ҳам айтиш мумкин. Шу маънода бу анъана шаклан ўзгармаслиги, барқарор сюжет ва образларга эгаллиги билан характерланади. Бу сюжетлар асосида яратилган асарлар ранг-баранг мотивлар касб этади.

Унда инсон ва ҳаёт учун зарур барча масалалар талқини мавжуд бўлиб, бундай ҳодиса Шарқ адабиётигагина хос бўлиб қолмасдан, балки дунё халқлари адабиёти тажрибасида ҳам муҳим аҳамият касб этган. Уни жаҳоннинг даҳо ижодкорлари бадиий адабиёт қонуниятлари орасидаги энг мақбул услуб, ижодий анъана ва ижобий ҳодиса эканлигини таъкидлайди. Бундай сюжетлар, биринчидан, узоқ давр ва ҳаётгий босқичларни бошидан ўтказса, иккинчидан, турли даража, қараш, талқин ва маҳорат тажрибалари билан бойиб борди. Бу сюжет ва образ ифода оламининг рангинлашувига ҳар жиҳатдан имкон яратиб беради. Гап шундаки, жаҳон адабиёти тарихида, хусусан, антик адабиётда вужудга келган муайян образлар то ҳозирги кунга қадар бадиий ифода оламиндан тушмасдан келмоқда. Худди шу ҳолат Шарқ мумтоз адабиётида ҳам кузатилади. Буни Алишер Навоий “Ҳамса”си қаҳрамонларининг шоир, ва умуман, мумтоз шеърятдаги бадиий талқинлари яққол исботлайди. Алишер Навоийнинг ўзи ҳам бир ғазалида “Вомиқ, Фарҳод, Мажнун қиссаларини кўп ўқиганлигини” айтиб ўтади. Шоир шеърятда Мажнун, Фарҳод, Лайли, Ширин, Вомиқ, Искандар, Баҳром сингари қаҳрамонлар “кўп ва хўп” тасвир этилади. Бу тимсоллар ва айниқса, Мажнун, Фарҳод, Вомиқ шоирнинг мавжуд лирик девонларида энг сермахсул ўрин эгаллайди. Мисол учун Алишер Навоийнинг “Ҳазойин ул-маоний” куллиёти таркибига кирган лирик девонлари ёки “Девони Фоний”га мансуб лирик жанрлардаги мурожаатларни ҳам ҳисобга олсак, бу анчагина катта рақамларни ҳосил қилади. Хусусан, “Чор девон” таркибидаги тўртта куллиётнинг ҳар бирида Фарҳод ва Ширин тимсоллари 50 га яқин ўринда ишлатилади. Ҳатто, “Фарҳод ва Ширин”да Фарҳод, “Лайли ва Мажнун”да Мажнун образлари номи лирик девонлардаги сингари бу қадар кўп қайд этилмаган ҳамдир. Бундан кўринадики, бу тимсоллар мумтоз лирик қаҳрамон дарду ҳолига жуда яқин, туйғу-кечинмалари учун мос ва хос бўлган тамсиллар ҳисобланади. Шунинг баробарида бу образлар эпик талқинда ҳам ўз ифодасига (ишқ, комиллик, адолат) қойим тимсоллардир. Шу сабабдан ҳам мумтоз адабиёт ва шеърятнинг муқим тимсолларидан ҳисобланади.

Эътиборли томони шундаки, “Хамса” қаҳрамонлари лирик ифодаларда ранг-баранг мавзулар учун мотив бўлиб келади, талмиҳ-тазмин саналади. Уларда лирик қаҳрамон туйғулари мажоздан ҳақиқатгача бўлган ифодалар оламида бу тимсолларга мурожаат этилади. Масалан, “Бадойиъ ул-бидоя” девони ҳамд ғазалларидан бирида шоир маъшукани “топиш мушқил, топмаслик осон”лиги, “пайдолиғи пинҳон, пинҳонлиғи пайдо” эканлиги айтилиб, севгили “юзи кўзгусида Лайли аксини кўрсатмаганлигидан Мажнуннинг кўзгу акс бермагандек беоромлиги” ёки “сўзи Ширин лабида яширинмаган, балки Фарҳоднинг қон ёшидан товланганлиги” орқали тамсил қилинади.

*Не иш бўлди беором кўзгу аксидек Мажнун,
Юзи кўзгусида аксингни кўргузмади Лайло.*

*Каломингни агар Ширин лабида қилмадинг музмар,
Недин бас лаъл ўлур Фарҳоднинг қон ёшидин хоро?³⁰*

Алишер Навоий шеъриятида Фарҳод ва кўнгил мутаносиблиги доимий мавзулардан ҳисобланади. Шунга биноан уни шоир лирикасида Фарҳод образи бажарган бадий функциялардан бири сифатида эътироф этиш мумкин бўлади. Мазкур мисраларда шоир “Фарҳод кўнгил” иборасини тўғридан тўғри ишлатади, яъни кўнгилнинг фарҳодсифатлилигига урғу беради.

*Бошоғингнинг темирин теша ясаб оҳ ўтидин,
Ғусса тоғини қозар ўйлаки Фарҳод кўнгул³¹.*

Унда шеърнинг ташқи мазмунига қаралса, темирнинг ўткир учини “оҳ” ўтига тоблаб теша ясаш ва у билан “ғам тоғи”ни қазиб масаласи талқин этилади. Ушбу поэтик воқелик кўнгилнинг Фарҳодлигини билдириши айтилади. Байт ички маъноси ҳам ана шу манзара талқинидан келиб чиқади ва кўнгилнинг ишқ ўтида товланишига тамсил қилинади. Айтиш керакки, Алишер Навоий лирикасида “Хамса” қаҳрамонлари тимсоллари тасвир этилар экан, ишқи илоҳий мавзуларида бадий воқелик кўпроқ Лайло ва

³⁰ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Наводир ун-ниҳоя. – Тошкент: Фан, 1987. –Б.620,2.27.

³¹ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Фавойид ул-кибар. – Тошкент: Фан, 1987. –Б.391,4.

Мажнунга, ишқи мажоз ифодаларида эса Фарҳод ва Ширинга ташбих этилади. Шу боис ҳамд, наът ғазалларда шу тимсоллар тез-тез тилга олинади. Бу “Лайли ва Мажнун” достони шу мавзуга хосланганлиги билан изоҳланади. Демак, эпик талқинда кўриладиган масала моҳияти лирик талқинда ҳам кузатилади. Алишер Навоий бир ғазалида “ишқ комил ошиқларни маъшуқаси армани ёки араб бўлса ҳам Фарҳод ёки Мажнун” мақомига кўтаришини айтади.

*Ишқ комил элни ё Фарҳод, ё Мажнун қилур,
Ғар эрур маъшуқи ёхуд армани, ёхуд араб³².*

Бундан кўринадики, Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун қиссалари комил ишқ таърифидоги дostonлар ҳисобланади. Демак, “Ҳамса” дostonлари мазмун-моҳиятини чуқур англаш учун бу асарлар қаҳрамонлари лирик ифодаларини ҳам атрофлича идрок этиш талаб этилади. Шундагина мумтоз адабиётда Фарҳод, Ширин, Лайли, Мажнун, Искандар каби образлар характер тийнатилинг эпик-лирик талқинлари теран намоён бўлади. Шунга биноан Алишер Навоий бир байтида Вомиқ, Фарҳод, Мажнун дostonлари – ишқ сабоғи эканлигини айтади. Алишер Навоий ижоди ва умуман ўзбек мумтоз адабиётида “Вомиқ ва Узро” ишқий дostonи ёзма варианты учрамасида, бу мавзу лирик талқини анчагина кенг қамровли саналади. Ҳатто, Алишер Навоий шеърятти орқали бу образ-тимсоллар ва улар ифодалаган эпик воқелик ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Чунки бир томондан ушбу қаҳрамонлар лирикада тавсиф этилганда, уларнинг эпик талқини манзаралари, сюжет элементлари, детал-предметлар ҳам рамзий маъноларда тасвирга олинади. Масалан, “оҳу”, “дашт”, “тоғ”, “қаср”, “теша”, “арик” кабилар Мажнун ва Фарҳод образ-тимсоллари лирик талқинида рамзий-мажозий маъноларда келтирилади. Бу тип бадиий деталлар анъанаси мумтоз шеърятда турли тимсоллар талқини жараёнида амалга оширилади. Улар сирасига пайғамбар сиймолар, тарихий-афсонавий шахслар сингари адабий тимсоллар талқини ҳам киради ва айни образ-тимсоллар шу бадиий деталлар

³² Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Бадойиъ ул-бидоя. – Тошкент: Фан, 1987. –Б.722,3.13.

билан типиклашади. Худди, шунингдек, Алишер Навоийнинг қуйидаги тавсифларидан Фарҳод, Мажнун сингари образ-тимсолларнинг типиклиги аён бўлади. Бу ўринда Лайли, дашт, Мажнун бир томондан, Ширин, тоғ, Фарҳод иккинчи томондан лирик манзара учун ҳиссий воқелик ҳисобланади. Умумий мавзу эса комил ишқ ва ошиқлик барқарорлиги ҳақида боради.

*Лайлию Ширинвашимнинг ишқи дашту тоғда,
Менча бир йўқ, гарчи бор Мажнун ила Фарҳод кўб*³³.

Алишер Навоий шеъриятида “Хамса”нинг асосий қаҳрамонларидан Искандар тимсолига ҳам мурожаат кузатилади. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, мумтоз лирика туйғулари асосан ишқий-интим масалаларга қаратилади, Искандар тимсоли сингари ижтимоий характерли муаммоларни ифодалаган мавзу эътиборига кўра кўп ҳам қаламга олинмайди. Шоир Искандар тимсолини тасвир этган ўринларда ҳам моддийлик, дунё мулки, ўткинчи тахт мавзуларида фикр юритади.

Хулоса қилиб айтилганда, хамсачилик анъанаси, Алишер Навоий “Хамса” асари қаҳрамонлари ва уларнинг мумтоз лирикада бадиий тимсол сифатида талқини этилиши масаласини ўрганиш адабиётшуносликнинг долзарб вазифаларидан саналади. Мисол учун хамсачилик анъаналарига биноан ва уларнинг таъсирида Алишер Навоий шеъриятида Фарҳод, Ширин, Лайли, Мажнун, Искандар тимсоллари рамзий-мажозий ифодаси алоҳида тадқиқотларни талаб этадиган мавзу ҳисобланади. Маълумки, хамсачилик ва Алишер Навоий буюк “Хамса”си, уларга кирувчи дostonлар қаҳрамонлари Шарқ мумтоз адабиёти ва умуман бадиий тафаккур учун боқий хазинадир. Бу ўлмас хазина мумтоз шеърят лирик туйғулар ифодаси учун илҳомбахш манба саналади. Бир томондан асарлар ва унинг образ-тимсоллари асрлар давомида яшаётганлиги сабаби ҳам уларга мурожаат халқ онги ва бадиий ифодасидан абадий ўрин олганлиги билан изоҳланади.

³³ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Наводир ун-ниҳоя. – Тошкент: Фан, 1987. –Б.620, 2.23.

1.2.§. Алишер Навоий шеърлятида мувозий образлар

трансформацияси

Алишер Навоий мумтоз шеърляти бадий кўлам, эстетик жозиба ва ирфоний мазмунда қалбларни хайратга солувчи ҳодисадир. Таҷрибалардан айтиш мумкинки, шоир шеърляти ўзига хослиги билан шарқона санъат ва дунё шеърлятида алоҳида ўринда ажралиб туради. Шоир шеърлятида образ-тимсоллар замини бадий-фалсафий жиҳатдан ниҳоятда чуқур, ҳар бир сўз ва тушунча тимсолларга айланган ифодалар бўлиб келади. Алишер Навоий шеърляти луғат қатлами ҳам, образли ифодаси ҳам ўзи алоҳида тадқиқотларни талаб этади. Шоир биргина лирик турнинг ўзида поэтик ўлчамларнинг барчасига мувофиқ келадиган ва ўзигача ҳам, ўзидан кейин ҳам, бутун шеърлят бисотига тенг намуна яратди, “деярли умрининг ҳар йилида биргина ғазал жанрининг олтишидан ортиқ шоҳ намунасини яратганлигини ҳис этиш мумкин, умуман лирик тур жанрлари нуқтаи назаридан қаралганда эса бу миқдор юздан ошиб кетади. Бу бошқа ижод билан таққосланганда бир қатор ижодий фаолиятдан ҳам миқдор, ҳам бадиият масалаларида юксаклигини кўрсатади”³⁴. Шарқ мумтоз шеърлятида тимсол ва бадий ифода, образлар ўзгариши ва янгилиниши алоҳида поэтик ифодаларга эга ҳодисадир. Шулар орасида пайғамбар сиймолар, тарихий шахслар, афсонавий-романтик қаҳрамонлар, адабий ва абадий ишқ тимсоллари каби образ-тимсоллар трансформацияси билан боғлиқ поэтик манзаралар шоир шеърляти беҳад оламшумуллигидан дарак беради. Алишер Навоий шеърларида ҳар бир бадий тимсол ўз пайдо бўлиш асослари, поэтик фикрни ўзига жалб этиш хусусиятларига эгаллиги билан ажралиб туради. Бу образ-тимсоллар мантиқий поэтик жозиба ва табиий нафосат, рангин бадий ифода ва теран маънолар, рамз ва мажозларни акс эттиради. Шоир шеърляти образ-тимсолларининг бир гуруҳи адабий тимсоллардан иборат бўлиб, бу тип образлар бадий тафаккурни олам манзаралари ва одам

³⁴ Қобилов У. Нубувват мотиви ва мумтоз поэтика. **Монография**.–Самарқанд: СамДУ **нашри**, 2019. –Б.157.

ички дунёси кечинмалари билан боғлайди. Бунда, биринчидан, бадий образ талқини масаласида шоир шеърияти қадар салмоқ ва маҳсулдорликка эга бошқа тажрибани учратиб бўлмаслик, иккинчидан, шоир шеъриятида образ-тимсоллар ҳар бир ўринда ўзгача руҳ, бетакрор жозоба касб этишини кўрсатади. Бу ҳолат мумтоз шеъриятнинг адабий қонунияти, образ-тимсолларнинг ўзига хослигини билдиради. Алишер Навоий “Юсуф ва Зулайхо”, “Вомиқ ва Узро” ҳақида махсус асарлар битмаган, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” саргузаштларини эса алоҳида асарларда ҳам талқин этиб берган эди. Шунга қарамасдан Фарҳод, Мажнун, Ширин, Лайли тимсоллари шоир шеъриятида сермазмун ва самарали тасвир этиладиган образлардан ҳисобланади. Бунда масаланинг эпик талқиндан лирик талқини орасидаги жиддий фарқ бадий трансформация туфайли юз беришини англаш керак бўлади. Чунки эпик образнинг шеъриятдаги трансформацияси ўз ички қонуниятлари билан вужудга келади, эпик талқинда адабий қаҳрамонлар характер хусусияти билан намоён бўлса, шеърий талқинда лирик қаҳрамоннинг аҳвол руҳиясидан келиб чиқиб образ-тимсолларга мурожаат этилади ва бунда ички ҳиссий ўзгаришлар, рубобий қаҳрамон ботиний дунёсида содир бўладиган эврилишлар кузатилади, яъни лирик образ-тимсоллар тасвирида лирик қаҳрамон характери биринчи ўринда бўлади, ўзга тур образлар шу қаҳрамоннинг руҳиятида кечаётган турли даражадаги ҳолатларга тамсил қилиб олинади. Бундай кечинма тамсиллари Алишер Навоий шеъриятида ниҳоят даражада кўламлидир. Улар қаторига Шарқ адабиётида анъанавий тасвирларга айланган адабий қаҳрамонлар (Фарҳод, Мажнун, Вомиқ), тарихий шахслар (Баҳром, Искандар, Жамшид), оғзаки адабиётдан ёзма талқинга кўчган афсонавий қаҳрамонлар ва бошқаларни киритиш мумкин. Бу тимсоллар шеъриятда лирик қаҳрамон табиати билан уйғун равишда тасвир этилади. Бу образ-тимсоллар бадий ва мантиқий ҳақиқат масалаларида қандай даража касб этишига қараб, лирик қаҳрамон руҳияти ва кайфиятига мослашади. Масалан, шеърда ошиқ ҳолатлари тасвир этилган бўлса, албатта, Мажнун, Вомиқ, Фарҳод, Шайх

Санъон, Зулайхо образлари мавзуга тамсил бўлиб келади, хижрон масалалари тасвирида Яъқуб ва Юсуф, Вомиқ ва Узро образлари талқинига эҳтиёж пайдо бўлади. Шу ўринда айтиш керакки, маъшуқа ва унинг жамоли, лаби, юзи, хати, зулфи, қоши, кўзи, сочи, қомаги ҳақида талқинлар бевосита илоҳий-ирфоний қарашлар ва талқинлар билан боғланади. Масалан, адабиётшунос У.Қобилов таъкидлаганидек, маъшуқа кўзи Мусо ва Сомирий сеҳри, лаб жонбахшлиги учун Масих нафаси, хат жозибадорлиги учун Хизр, ишқ учун тириклик чашмаси, ҳусн тавсифига Юсуф, ҳусн мулки Сулаймон, ишқ оҳанги Довуд ва бошқалар қиёслар тасвири учун хизмат этади³⁵. Алишер Навоий лирикасида бундай образлар кўп ўринларда ўзаро параллел берилади. Бугунги ўзбек адабиётшунослигида ана шундай тасвирлар адабий қонуниятлари ва бадиий талқин масалалари хусусида илмий кузатишлар кам кўзга ташланади. Бу ҳақида Алишер Навоий шеъриятида самовий тимсоллар талқини борасида яратилган илмий тадқиқотда муайян кузатишлар олиб борилганлиги кўринади³⁶. Шу нуқтаи назарлардан Алишер Навоий лирик девонлари кузатилса, кўп ўринларда Фарҳод, Мажнун, Вомиқ образлари параллел тасвирланганлиги диққатни тортади. Бу ўринда бир ҳақиқатни қайд этиш зарурати пайдо бўлади. Алишер Навоий, ва умуман, мумтоз шеърятда адабий тимсоллар билан илоҳий сиймолар мувофиқ равишда параллел тасвир этилмаслиги ҳам шарқона бадиий ижоднинг ўзига хос қонунияти ҳисобланади. Шу каби тарихий-афсонавий шахслар билан ҳам адабий образлар талқини мувозий тасвир қилинмайди. Бу мумтоз адабиётда пайғамбар сиймолар, тарихий-афсонавий шахслар ва адабий қаҳрамонлар талқини алоҳида олинган йўналишларни белгиловчи мавзулар эканлигидан далолат беради. Шуни айтиш керакки, муайян ўринларда илоҳий сиймолар ва тарихий шахслар биргаликда тасвирланиши кузатилади. Бунда фақат уларни ўзаро туташтирадиган айрим жиҳатлар, масалан, шоҳлик даражаларидаги мувофиқлик мана шундай боғлиқликларни таъминлайди. Шунинг учун

³⁵ Қобилов У. Нубувват мотиви ва мумтоз поэтика. Монография. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2019. – Б.158.

³⁶ Эшонкулов Х. Алишер Навоий шеъриятида самовий тимсоллар. Фил. фан. ном. дисс. – Самарқанд: 1999. – Б.131.

мумтоз шеърятда баъзан Сулаймон, Довуд, Кайхусрав, Искандар, Жамшид каби образлар мувозий таърифланади, адабий образлар ҳақида гап кетганда эса айнан шу типдаги тимсолларгина ўзаро мувозий тасвирланганлиги кўринади. Мисол учун Фарҳод образи тасвирларида унинг алоҳида талқин этилишидан кўра Мажнун, Вомиқ образлари билан биргаликда тасвир этилиш анъанаси кўпроқ кўзга ташланади. Жумладан, Алишер Навоийнинг “Бадоеъ ул-бидоя” девонида бир ўринда Вомиқ, Фарҳод, Мажнун образлари келади ва шеър поэтик мазмунини кучайтиришга хизмат қилади. Бунда мавзу кўлами кенгайиши билан бирга бадий тасвир ифодаси ҳам чуқурлашади, лирик қаҳрамон туйғулари бир неча йўллар орқали бир мақсадга бирлашади.

Истарам қочмоқ адам водийсидинким, киргали

*Вомиқу Фарҳоду Мажнун бас гулудур хилватим*³⁷.

Келтирилган байтда Вомиқ, Фарҳод, Мажнун ва “адам водийси” (йўқлик диёри) ҳақида гап боради. Бироқ айна ишқ қиссалари лирик қаҳрамон учун бир маърифат олами бўлиб туюлади. Демак, бунда шеър қаҳрамони туйғулари билан улар қисматини бирлаштирувчи умумий нуқталар мавжудлиги назарда тутилади. Умуман олганда, бошқа образ-тимсолларнинг мувозий қўлланишида ҳам шунга ўхшаш қонуниятлар кузатилади. Бундай образ-тимсоллар у ёки бу жиҳатларда бадий-эстетик фикрлар муштараклик касб этади. Шу ўринда, яъни мумтоз шеърятда образ-тимсоллар тасвиридаги мутаносиблик масалаларида Вомиқ ва Узро мавзуси ҳақида махсус тўхталиб ўтиш талаб этилади. Ушбу ишқий жуфтлик Фарҳод ва Ширин тимсоллари талқинида Лайли ва Мажнун номларидан кейин иккинчи ўринни эгаллайди. Шарқ, хусусан, туркий-ўзбек адабиётида “Вомиқ ва Узро” мавзуси алоҳида ўрин тутади. У “Юсуф ва Зулайҳо”, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Баҳром ва Дилором” каби ишқий-саргузашт сюжетлари сингари мумтоз адабиёт поэтик оламида доимо мурожаат этиладиган мавзулардан ҳисобланади. Маълумки, мумтоз адабиётда асрлар давомида

³⁷ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик, биринчи том. Бадойиъ ул-бидоя – Тошкент: Фан, 1987. – Б.724.

ишқ, ирфон, илоҳият, башар ифодалари учун анъанавий тимсоллар ва мавзулар талқин этиб келинади. Бу хил анъанавий бадий тимсоллар поэтикаси замонавий адабиётшунослик нуқтаи назарида образлар трансформацияси сифатида баҳоланади. Ўзбек мумтоз адабиётида “Вомиқ ва Узро” мавзуси асосидаги образлар эпик-лирик тасвири масаласи ҳам худди шу адабий ҳодиса маҳсули саналади. Бунда образ кўчиши ва ўзгариши, эпикликдан лирик ифода ёки сюжет воқелигидан туйғу ифодасига айланиши ўзига хос талқинлар касб этади. Тадқиқотда айнан образ трансформацияси муаммоси “Вомиқ ва Узро” сюжетининг бошқа ишқий тимсоллар билан мутаносиблашиши мисолида кўриб чиқилди. Бунда Алишер Навоий лирикаси, жумладан, шоирнинг дастлабки лирик девонлари асосий манба сифатида танланди. Чунки бошқа поэтик ҳодисалар каби ушбу муаммо талқини учун ҳам Алишер Навоий шеърини юксак бир ижод тажрибаси ва намунаси бўлиб хизмат қилади. Манбаларга кўра, Вомиқ ва Узро афсонавий севишганлар тимсоллари ҳисобланади. Ушбу муҳаббат саргузашти ҳам Шарқ адабиётидаги мавжуд бошқа ишқий дostonлар сингари охир-оқибат мажозан фожеавий хотима топади. Бу сюжетдан лирик тасвирга ўзлашган ошиқ (Вомиқ) ва маъшук (Узро) ифода тимсоллари бетакрор манзараларни ҳосил қилади. Мисол учун бунда Ширин, Лайли ёки Зулайҳолардан фарқли ўлароқ Узро бадий адабиёт-шеърини гўзаллик тимсоли сифатида талқин этилади. Ўзбек мумтоз шеърини, айниқса, Алишер Навоий лирикасида бу образлар ранг-баранг манзаралар ифодалаб келади. Бу сюжет форсий адабиёт намунаси сифатида пайдо бўлган эса-да, унинг асл қўлёзма варианты мавжуд эмаслиги бошқа хил қарашларни ҳам илгари суришга имкон беради. Унга турдош сюжетлар антик Юнон адабиёти, қадимги ҳинд ва иброний тарихларда ҳам қайд этилади. Бу бир томондан маънавий-бадий тафаккур тарихи жуда қадимийлиги ва генетик жиҳатлардан ўзаро боғлиқлигини кўрсатади. Шарқ мумтоз адабиётида Вомиқ ва Узро тарихи тахминан 1040 йилларда вафот этган шоир Унсурий томонидан илк бора бадий тафаккурга татбиқ этилганлиги қайд этилади. Кейинчалик Журжонлик шоир Фасиҳий

хам 1049 йилда бу сюжет асосида асар яратганлиги манбалар маълумотларида учрайди. Бу сюжет туркий шоирлардан XII асрда яшаган Биҳиштий ҳамда XIII асрда яшаган Ламейй томонидан ҳам дoston яратилишига асос бўлган. Гап шундаки, бу сюжет “Юсуф қиссаси” сингари диний манбаларда учрамайди. Шу каби оғзаки адабиёт намуналарида ҳам унга ишора этувчи ёки вариантлик ҳолатдаги сюжетлар кўзга ташланмайди. Шунингдек, “Фарҳод ва Ширин” сингари хамсачилик ва дostonчилик учун ҳам анъанага айланганлигини кузатмаймиз. Айрим карашларда бу сюжет генезиси антик Юнон тарихи билан боғлиқлиги айтилади. “Алишер Навоий қомусий луғат”ида “Вомиқ ва Узро” – Унсурийнинг шу номдаги дostonининг қаҳрамонлари. Давлатшоҳ Самарқандий Вомиқ ва Узро қиссасининг тарихи Анушервон Одил давридан бери халқ орасида мавжуд бўлиб, уни XI асрда ғазнавийлар саройининг шоири Унсурий мутақориб баҳрида шеърӣ шаклга солганлиги, Унсурий дostonининг тўлиқ матни маълум эмаслиги, аммо мавжуд матндаги аксар қаҳрамонларнинг номи юнонча экани, воқеалар ҳам Искандар Зулқарнайн даврида бўлиб ўтгани, бу қисса аслида паҳлавий тилига юнон манбаларидан таржима қилинганлиги ҳақидаги фаразни илгари суради. Мумтоз адабиётда Вомиқ садоқатли ошиқ, Узро – гўзал маҳбубанинг тимсоли сифатида қўлланилади”, – дейилади³⁸. Булардан “Вомиқ ва Узро” сюжети минг йилликлар тарихига эга бўлиб, бошқа ишқий мавзудаги асарлар билан тарихан бақамти пайдо бўлганлиги кўринади ҳамда айна жиҳатлари, яъни тарихийлиги ва ишқийлиги билан уларга яқинлик касб этади. Бизга шуниси маълумки, Шарқ-ислом маданияти қадим юнон тарихи ва адабий анъаналарини у ёки бу маънода ўзида омукталаштирган, кўплаб файласуфлар, донишмандлар, санъаткорлар, шоҳу султонлар тарихига шарқона талқинлар, тавҳид нуқтаи назар билан мурожаат этганлиги маълум. Шу билан бирга қадим юнон ва бошқа Ғарб халқлари ижодига мансуб

³⁸ Алишер Навоий: қомусий луғат. (Масъул муҳаррир: Ш. Сирожиддинов) – Тошкент: “Шарқ”, 2016. Б.141.

асарлар ҳам шарқона руҳда талқину тафсир қилинади. Бундан айтиш мумкинки, фикримизча, “Вомиқ ва Узро” мавзуси, сюжети ҳаётий воқеликларнинг бадиий маҳсули ўлароқ ёзма адабиётда вужудга келади. Бу ҳолат Алишер Навоий тасаввур ва таҳаюлидан ўтганлиги учун ҳам шоир лирикасида рамзий-мажозий маънода ўзининг чуқур бадиий ифодасини топади. Бу сюжет образлари ўз навбатида тасаввуфий адабиёт ирфоний талқин анъаналарида “ҳаётий (мажозий) муҳаббатнинг илоҳий (ҳақиқий) ишққа айланиши” рамзи бўлиб келади. Шунинг ўзиёқ бадиий адабиётда ушбу мавзу ва образ турфа ўзгаришларда кўчиши ҳодисаси юз берганлигини кўрсатади. Бундан шуни англаш мумкинки, “Вомиқ ва Узро” саргузашти лирик ифода мотивига айлангунга қадар ҳам “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” сингари ўзига хос ўзгариш мойилликларига эга бўлиб келади. Кузатишлар кўрсатадики, Вомиқ ва Узро образлари тасвири Алишер Навоийгача бўлган туркий-ўзбек мумтоз шеъриятида кам учрайди, Фарҳод ва Ширин тимсоллари эса Алишер Навоий ва ундан кейинги мумтоз шеъриятда кенг қўлланилади. Шу баробарида “Вомиқ ва Узро” мавзуси эпик талқинларда ҳам “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” ва бошқа ишқий-саргузашт сюжетлар қатори кенг анъанага айланганлигини кўрмаймиз. Чунончи, бу сюжет турли даврлар ҳамсачилик таркибида ҳам талқин этилмайди. Шу маънода ҳамсачилик лирик ифодага кенг қўламли майдон бўлиб келганлигини айтиб ўтиш лозимдир. Шуни таъкидлаш лозимки, мумтоз шеъриятда эпик воқеликлар лирик ифодаси муайян қирралар ва эпизодлар рамзида намоён бўлади. Масалан, Фарҳод образини оладиган бўлсак, дostonда мавжуд бўлган айрим эпизодик тасвирлар, ҳолатлар лирик талқинга рамзийлик асосида кўчади. Чунончи, “тоғ”, “теша”, “сув”, “ариқ” каби мотивлар дoston сюжетидан бадиий детал тарзида олинади ва ўзга поэтик тавсифларда, бадиий уфқларда талқин этилади. Шу маънодаки, Вомиқ ва Узро тимсоллари шеъриятда тасвир этилганда тилга олинадиган деталлар ҳам дoston мавжудлигини исботлайди, асарнинг ғоявий-бадиий олами ҳақида китобхонларга аниқ тасаввурлар беради, “Вомиқ ва Узро” поэтикаси

билан боғлиқ манзараларни ойдинлаштиради. Алишер Навоийнинг “Бадоеъ ул-бидоя” куллиётида бу образларга бир неча ўринда эътибор қаратилгани ҳолда “Наводир ун-нихоя” девонида атиги бир марта мурожаат этилганлиги кўринади. Гап шундаки, Алишер Навоий шеъриятида ишқ тимсолларига мурожаат этилганда “Вомиқу Фарҳоду Мажнун” тарзида, яъни биринчи ўринда Вомиқ тимсоли берилиши шеърят назарияси, аруз қоидалари билан боғлиқ бўлиши билан биргаликда ички мазмунга ҳам дахлдор ходиса ҳисобланади. Мисол сифатида лирик девондаги биргина байтга эътибор қаратайлик:

*Кўп ўқудим Вомиқу Фарҳоду Мажнун қиссасин,
Ўз ишимдин булғажаброқ достоне топмадим*³⁹.

Ушбу мисралар ҳазрат Алишер Навоий учун “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” сингари “Вомиқ ва Узро” ишқий саргузашти ҳам доимий эътиборда бўлиб келганлигини исботлайди. Шу билан бирга “Вомиқ қиссаси” шоир тафаккури ва онгида, қалбида мунтазам ўрин эгаллаб келганлигини ҳам кўрсатади. Бироқ улардан ҳам яқин ва таажжублиси “Ўз иши” эканлиги қайд этилади. Бу гўё “Вомиқу Фарҳоду Мажнун қиссалари” шоирнинг ўз ҳаётий кечмиши олдида бир мажоз ифодасидай эканлиги таъкидланади. Бошқача қилиб айтилганда, лирик қаҳрамон кўнглида яширинган, дилида сақланган ишқ достони учун романтик манба ҳисобланади. Шунини унутмаслик керакки, “Вомиқ ва Узро”, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” қиссалари ишқ талқинига бағишланган дostonлар бўлса-да, бироқ уларда ишқ маслаги тавсифлари фақат моҳият ифодасидагина бирлашади, манзилга олиб борувчи йўллар эса хилма-хилдир. Ҳатто, булардан ташқари лирик қаҳрамон ишқи ҳам тамоман бошқа бир йўлдаги ишқдир. Шундан Алишер Навоийнинг “*Мен ўзга, Вомиқу Фарҳод ўзгадур, эй ишқ, Танаъум аҳли аро эътибор қилма мени*⁴⁰ – деган фикри

³⁹ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик, биринчи том. Бадойиъ ул-бидоя – Тошкент: Фан, 1987. –Б.724.481.6.

⁴⁰ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик, биринчи том. Бадойиъ ул-бидоя – Тошкент: Фан, 1987. –Б.724.710.6.

бежиз эмасдир. Уларда Шарқ мумтоз қарашларига биноан ишқ маърифатининг турли даража ва мақомлари ўз бадий-мажозий ифодасини топади. Уларнинг бирида ишқнинг “тажаллий манзари”, бирида “ганжга ранж” билан ва яна бирида “ҳақиқатга мажоз” орқали эришиш йўллари ифодаланадики, бундан дostonлар моҳиятини ҳам, уларнинг эпик-лирик талқинларидаги ўзига хосликларни ҳам ва лирик қаҳрамон муддаосини ҳам холис англаш талаб этилади. Айни масалага Алишер Навоий “Бадоеъ ул-бидоя” девонида ҳам бир неча бор ишора этилади.

Шарқона бадий-ирфоний қарашлар бўйича одатда Фарҳод ҳақида гап кетганда Ширин, Вомиқ тилга олинганда Узро, Мажнун таҳаюлдан ўтганда Лайли хотирада жонланади. Шу каби Ғарбда Ромео эсланганда, албатта, Жульетта тафаккурда пайдо бўлади. Алишер Навоий ушбу байтда Фарҳод, Вомиқ, Мажнунларни талмеҳ сифатида тилга олганда улар ўз “ҳамроҳлари” билан “борганлари” (манзилга кетганлари)ни қайд этади. Мана шу “ҳамроҳликда боришлари” Ҳаққа восил рамзи бўлганлигидан даракдир. Шу боис шоир кўнгилни ғафлатда қолмасликка, бедор бўлишга, асл ҳақиқатни янглиш англамасликка чақиради. Буни шоирнинг *“Бошларидин кечтилар ишқ аҳли ҳижрон даштида, Вомиқу Фарҳод ила Мажнун Навоий бошлиқ”*⁴¹ – деган мисралари мазмуни ҳам асослайди. Унга кўра, “Вомиқ, Фарҳод, Мажнун ва Навоийлар бошлиқ ишқ аҳли ҳижрон дардида бошларидан кечдилар”. Шу ўринда эпик ва лирик талқинлардаги янги бир хусусият намоён бўладики, бу ҳолатни образ-тимсол трансформацияси ҳодисаси жараёнида, албатта, инобатга олиш керакдир. Одатда эпик талқинларда яратилган типик образлар воқеликлар оламида ҳаракат қилади, бошқа образлар билан муносабатларга киришади ва натижада воқеликлар, образлар, рангин тасвирлар ўзаро бир мақсад ифодаси хизмати учун бирлашади. Шеърятда эса барча масалалар лирик қаҳрамон туйғулари ифодалари орқали юзага чиқади ва унда танланган тимсоллар шу ҳиссиётга тобелашади.

⁴¹ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Бешинчи том. Бадоеъ ул-васат. – Тошкент: Фан, 1988. – Б.296.7

Чунончи, Алишер Навоий лирик туйғуларни ифодалашда мурожаат этган Вомиқ, Фарҳод, Мажнун тимсоллари талқини келтирилганда, энг аввало, рубобий қаҳрамон руҳиятидан келиб чиқади. Иккинчи бир тарзда айтилганда, шеърят ва лирик талқинда қаҳрамон руҳияти биринчи планга чиқарилиб, бошқа образларни бадий-ҳиссий ифодалар учун тимсол-тамсил сифатида қабул қилади. Мисол учун Алишер Навоий қаламига мансуб ушбу байтга назар ташласак поэтик юк лирик қаҳрамонга ишора этганлигига амин бўламиз. Унда келтирилган Вомиқ, Фарҳод, Мажнунлар эса лирик ифода йўлидаги тамсил вазифасини бажаради.

Истарам қочмоқ адам водийсидинким, киргали

*Вомиқу Фарҳоду Мажнун бас гулудур хилватим*⁴².

Бунда лирик қаҳрамон “адам водийсидан” (йўқлик диёри) қочишни истади. Бу ўринда ғулу (ғалва) – дард, ғам-алам маъносида ишқ дардини англатади ва лирик қаҳрамон Вомиқ, Фарҳод, Мажнунларнинг ғалваларидан ўз хилватини маъкул кўради. Алишер Навоий ва умуман мумтоз шеърятда “йўқлик олами” билан боғлиқ бадий-образли талқинлар кўп учрайди. Мисол учун шоир “истангиз” радифли машҳур ғазалида мана шу йўқлик дунёсини “бало саҳроси”, “ҳижрон водийси”, “фано дашти” каби ифодаларда тасвир этиб беради. Эътиборли томони шундаки, Алишер Навоий айна ғазалида саҳро балосини Вомиқ, ҳижрон водийсини Фарҳод, фано даштини эса Мажнун тимсоллари билан изоҳлайди. Бундан кўриш мумкинки, водий – Фарҳод билан, дашт – Мажнун билан, саҳро – Вомиқ тимсоллари билан боғлиқ саргузаштларга рамзий ишора этади. Мисол учун “Фарҳод ва Ширин” достонида водий, “Лайли ва Мажнун” қиссасида дашт тасвирлари мавжудлиги ҳақиқатдир //*Вомиқ-у Фарҳод-у Мажнундеклар ул водий аро, Бўлсалар пайдо, мени ҳам ул арода истангиз*// Буларни шоир бало, ҳижрон, фано тушунчалари билан чуқур фалсафий маъноли ифодаларга айлантиради. Бундай тасвирларда дардли кечинмалар, оловли туғёнлар, изтиробли

⁴² Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Биринчи том. Бадойиъ ул-бидоя – Тошкент: Фан, 1987. –Б.724. 51.3.

кечмишлар лирик қаҳрамон руҳиятида ўз ифодасини топади. Юқорида келтирганимиз байтда эса лирик қаҳрамон мана шу тугёнли ҳолатларга тушишдан кўра ўзини олиб қочишни, хилватга чекинишни мақбул кўради. Бундан англанадики, Шарқ адабиётидаги ишқий қиссалар орасида “Вомиқ ва Узро” саргузашти катта нуфузга эгалик қилади. Зикр этилган дostonлар ҳақида фикр юритилганда эса гарчи улар ниҳоятда катта кўламга эга ҳаётий, фалсафий, башарий-дунёвий масалалар ифодаси билан йўғрилган бўлса-да, биринчи навбатда ишқ талқини хотирга келади. Ҳазрат Алишер Навоий ҳам буни қайта-қайта эътироф этади. Хусусан, шоирнинг қуйидаги мисраларида ишқ ҳарфидан қанча кўп такрор-такрор сабоқ олса ҳам, улар Вомиқ, Фарҳод, Мажнун ҳақидаги дostonлар бўлиб туюлаверади.

*То ўқубмен ишқ ҳарфин дарсу такрору сабақ,
Вомиқу Фарҳоду Мажнун дostonидур манга⁴³.*

Маълумки, мумтоз шеърятда ошиқ ва маъшук учун рамзий тимсоллар доираси анча кенг ҳисобланади. Адабиётшунос У.Қобилов ана шундай рамзий тимсоллардан “темир парчаси ва олов”, “хум ва денгиз”, “най ва қамишзор”, “гул ва булбул” сингари бир қаторини санаб ўтади⁴⁴. Худди шундай Алишер Навоий бир ғазалида Вомиқни булбулга, Узрони гулга қиёслайди ва ажойиб поэтик картина яратади. Байтнинг биринчи мисрасида “юз” (100) сон сўз туркуми, иккинчи мисрасидаги эса “юз” (бет) от сўз туркуми бўлиб, у омонимликни ҳосил қилганлиги кўринади. Бир қарашда оддий тасвирдек кўринган ушбу байтда мумтоз поэтиканинг чуқур маъноли қатор тимсоллари ўрин олганлигини эътироф этиш керак. Жумладан, юз, гул, ишқ ўти, булбул, Вомиқ, Узро кабиларни айтиш мумкин.

*Недин юз гул очар ишқ ўтидин булбул киби Вомиқ,
Юзунгдин гар узори боғида гул очмади Узро?⁴⁵.*

⁴³ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик, биринчи том. Бадойиё ул-бидоя – Тошкент: Фан, 1987. –Б.724. 29.3.

⁴⁴ Қобилов У. Ўзбек адабиётида нубувват мотиви ва образлари талқини (XIV-XV асрлар). Филол. фан. док (DSc). дисс. – Самарқанд: 2019. –Б.78.

⁴⁵ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик, биринчи том. Бадойиё ул-бидоя – Тошкент: Фан, 1987. –Б.724.2.6.

Булардан кўринадики, Вомиқ ва Узро мумтоз адабиёт, чунончи, Алишер Навоий шеърятти бадиий олами учун доимий поэтик ифода тимсолларидан ҳисобланади. Ҳазрат Алишер Навоий шеъряттида “Вомиқ ва Узро” ишқий қиссаси орқали ифодаланган поэтик манзаралар ниҳоятда кенг кўламли ва жозибадордир. Шоир ўзининг жўшқин лирикасида бу образ-тимсолларни анъанавий дostonлари қаҳрамонлари қаторида тасвирлайди. Демак, мумтоз шеъряттида талқин этилган бу каби образ-тимсолларнинг лирик талқинларга кўчиши ва ўзгариши муҳим бадиий-эстетик фикрлар рўёби учун хизмат қилади, янги-янги поэтик туйғулар ифодасини юзага чиқаради. Кўринадики, Алишер Навоий шеъряттида образ трансформацияси ҳодисаси жараёнида Фарҳод ва Ширин сингари Вомиқ, Узро тимсоллари ҳам муҳим вазифаларни бажаради. Шу ўринда айтиш керакки, Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун, Вомиқ ва Узро сингари образлар лирик трансформацияси асосан айна тимсоллар билан амалга оширилади, бу тимсолларни юзага келтирган сюжетлар бошқа қатор образлар билан бадиий воқелик ҳосил қилади. Масалан, “Фарҳод ва Ширин”га бағишланган асарларда Хусрав, Шопур, Шеруя, Меҳинбону, Қорон ва бошқа образлар воситасида асар мазмуни юзага чиқади. Худди шундай ҳолат “Лайли ва Мажнун”, “Вомиқ ва Узро”ларда ҳам кўзга ташланади. Бироқ лирик талқинларда эътибор шу бош образларга қаратилиб, улар иштирокида ранг-баранг поэтик манзаралар яратилади. Шу нуқтаи назардан “Вомиқ ва Узро” тўлиқ сюжети бироз мубҳам бўлиб, айна тимсолларгина ишқ қиссасидан дарак беради. Бу ҳолат лирик образ-тимсол кўчиш-ўзгаришида ўзига хос адабий қонуният сифатида намоён бўлади. Шу муносабат билан биз бу ўринда Алишер Навоийнинг “Бадоеъ ул-бидоя”, “Наводир ун-ниҳоя” девонларида Вомиқ ва Узро тимсоллари орқали ифодаланган поэтик манзараларнигина Фарҳод тимсоли билан боғлиқ жиҳатларини адабий трансформация сифатида илмий таҳлил этдик, шоирнинг бошқа лирик куллийетларини ҳам ҳисобга олсак, “Вомиқ ва Узро” мавзусининг ўзи алоҳида тадқиқотга айланиши мумкин. Юқорида таъкидланганидек, Алишер Навоий лирикасида илоҳий сиймолар, тарихий

шахслар ва адабий қаҳрамонлар тимсоллари кенг тасвирланади. Бу тимсолларнинг мувозий тасвирланишида эса ўзига хос бадиий ифода қонуниятлари кўзга ташланади. Мисол учун мумтоз ўзбек шеърлятида илоҳий сиймолар адабий қаҳрамонлар билан деярли мутаносиб тарзда тасвир этилмайди. Айрим ўринларда илоҳий тимсоллар ва тарихий-афсонавий шахслар биргаликда параллел келиши учраса-да, бунда асосан мазмун талаби ёки мақомлардаги яқинликлар (масалан, шоҳлик мақоми) туфайли шундай талқинларга дуч келинади, адабий қаҳрамонлар эса ўз гуруҳи (хайли), яъни ишқий-бадиий қиссалар тимсоллари билан мувозий тасвир этилади. Шу нуқтаи назардан мисол учун Алишер Навоийнинг қаламига мансуб бир байтда Нух умри ва Сулаймон мулки мувозий тасвирида худди шундай ҳолат кўринади. Бунда лирик қаҳрамон учун бошқа барча масалалар, ҳатто энг узок умр ҳам, энг катта мулк ҳам, энг оғир ғам ҳам илоҳий ишқ ҳузурида ўткинчи эканлиги қайд этилади. Бу ўринда умр, мулк, ғам, бода тушунчалари рамз ва мажоз ифодаларига айланади. Улардан “бода” лирик қаҳрамон, яъни ошиқ дарадига малҳам эканлиги, умр, мулк ва ғам қанчалик даражада ортиқ бўлса-да, муваққатлиги акс эттирилади. Яъни юқорида келтирилган Вомиқ, Фарҳод, Мажнун тимсоллари мувозий тасвирларида ишқ ҳолати биринчи планга чиқарилса, бу мувозий талқинларда маърифат бодасига урғу берилади. Чунки бу талқинда илоҳий сиймолар тасвири мана шу мавзу ифодасига қаратилишини талаб этади. Агар талқинда адабий тимсоллар тилга олинганда ирфоний эмас, балки башарий ёки мажозий масалалар эътиборга олинган бўларди.

Нух умрию Сулаймон мулкига йўқтур бақо,

Ич, Навоий, бодаким, олам ғами беҳудадур⁴⁶.

Алишер Навоий лирик талқинларида илоҳий тимсоллардан Хизр ва Масих, адабий тимсоллардан Фарҳод ва Мажнун тимсолларидек сермахсул мувозий тасвирларни учратиб бўлмайди. Алишер Навоий лирик мероси ва

⁴⁶ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик, биринчи том. Бадойиъ ул-бидоя – Тошкент: Фан, 1987. Б.724.

умуман мумтоз шеърятда ушбу адабий тимсоллар маҳсулдор образлардан хисобланади. Шунинг учун бу образ-тимсоллар талқинидаги поэтик ўзгариш-турланиш ва эврилиш даражалари ҳам хилма-хилдир. Масалан, Хизр, Масих тимсоллари талқинида мувозийлик бадий мантиғи “тириклик ва тирилтириш” масаласида туташади. Бунда “лаб” образи мажозий тарзда образлаштирилади. Унга кўра, лаб бир сўз билан мурдага Хизрдек абадий умрни бахш этади, бу тириклик сувида Рухуллоҳ намоён бўлгандек тасаввур уйғотади. Албатта, бу ўринда оби ҳайвон вазифа жиҳатдан Масих нафасига ўхшашлиги инобатга олинади. Шу туфайли бу тимсоллар мувозийлигидан кўзланган мақсад жонбахшликда туташади ва севимли “лаби” шу мўъжизага нисбатан ишлатилади.

Кўринадикки, мумтоз шеърятда образ-тимсоллар мувозийликда тасвир этилганда ошиқ ва маъшуқа тийнатларини ифода этиб келади. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, илоҳий-башарий тимсоллар орасида Хизр турли тип образлар билан биргаликда тасвир этилади. Бунинг сабаби Хизр сиймосининг илоҳий манбаларда ҳам, тарихий ва адабий қарашларда ҳам, ҳаётий воқеликларда ҳам зикр этилиши билан боғланади. Чунончи, Хизр “Ҳамса” қаҳрамонлари тасвирида ҳам учрайди. Буни Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин”, “Саббаъи сайёр” дostonлари сюжетидаги Хизр билан боғлиқ талқинлар ҳам исботлайди. Масалан, “Фарҳод ва Ширин” дostonининг XXIV бобида *“Фарҳоднинг Сукрот тоғи тилисмин очарга камар боғлаб ҳайвонваш чашма теграсидаги марғзори ахзарда Хизр мулоқотидин сарбаз бўлғони ва Хизр анга Хизри раҳ бўлуб гам зулматидин чиқориб, ҳаёт суйидек таълимлар билан тоза ҳаёт берғони ва гам тилисмининг кўнглидин очилғонидек анинг тилсими гамидин кўнгли очилғони ва Хизрнинг жисми тилсимида равшан кўнглидек тилсим жисмида жоми жаҳоннамой топқони ва ул жомга Хизр суйидек май солиб тилисм жисмида жоми жаҳоннамой топқони ва ул жомга Хизр суйидек май солиб Скандар*

ёди била нўш этгани” хақида гап боради⁴⁷. Шу ўринда бир мулоҳазани айтиб ўтиш керак бўладики, бу Хизр сиймоси билан боғлиқ бир баҳсли жараёндин. Бунда айримлар Хизрни номоддий сиймо сифатида, баъзилар жисмоний сиймо сифатида таъриф этадилар. Ушбу парчада эса Навоий “Хизр жисми” тўғрисида сўз юритадики, шундан келиб чиқиб Хизрни жисмоний-руҳоний сиймо тарзида англаш имкони пайдо бўлади. Шу билан бирга “Юсуф қиссаси” ҳам муайян ўринларда адабий қаҳрамонлар билан биргаликда тасвир этилиши кам бўлса-да, кузатилади. Мисол учун XX аср бошларида яшаб ижод этган Бимий Андижоний бир ғазалида ишқ мавзусини тўртта афсонавий ишқ қиссалари билан зийнатлайди. Унда “Лайли ва Мажнун”, “Фарҳод ва Ширин”, “Юсуф ва Зулайҳо”, “Вомиқ ва Узро” жуфтлиги лирик қаҳрамон руҳияти тасвири учун хизмат қилади. Шу билан бирга бундай кам учрайдиган лирик асарларни эпик характерли лирик асарлар сифатида баҳолаш ўринли бўлади. Чунки унда Шарқу Фарбда машҳур бўлган тўртта ишқий саргузашт мавзуларига ишора этилади, китобхонни улардан чуқур хабардор бўлишга чорлайди. Шу билан бирга “Фарҳод ва Ширин” айни анъанада давом этганлигини кўрсатади.

*Ишқ ичра у Мажнун ҳам парвона экан мендек,
Лайлининг фироқида афсона экан мендек.
Ғам тоғида қон йиғлаб, Ширин гамида Фарҳод,
Ҳасратда ўшал ошиқ ҳайрона экан мендек.
Ўртанди Зулайҳо кўп Юсуфнинг фироқида,
Ҳар балдада дилдори бегона экан мендек.
Овораи ҳижронлар саҳрои маломатда,
Муштоқи висоли ул жонона экан мендек.
Эй маҳваши барнолар, жон куйдириб ошиқлар,
Рухсорини шаъмига парвона экан мендек.
Майхоналара келмиш махмура дариг этма,*

⁴⁷ Alisher Navoiy. TAT. Oltinchi jild. Farhod va Shirin. – Toshkent: O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligi G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2012. –Б.448.

Май сун кечалар муҳтож паймона экан мендек.

Узрони ғами бирла Вомиқни дилу кўнгли,

Ишқ офатида Бимий вайрона экан мендек.

Эътиборли томони шундаки, бундай ижодий тажриба мумтоз шеърятда жуда камёб ходисадир. Унда ишқ жуфтликлари билан бирга мумтоз шеърятда илоҳий ишқнинг анъанавий мажозий ифодалари бўлган “шам ва парвона”, “май ва майхона” рамзий тимсоллари ҳамда келтирилган ишқий қиссалар билан боғлиқ “фироқ”, “ғам тоғи”, “саҳро” ҳам талқин этилади. Бу билан шоир “Лайли фироқида Мажнун”, “Ширин ғами билан Фарҳод, “Юсуф фироқида Зулайҳо”, “Узро ғамидаги Вомиқ”ни лирик қаҳрамон – ошиқ учун тамсил қилиб олади.

Кўринадикки, мумтоз лирикада образ-тимсоллар мувозий тасвир этилганда анъанавий мавзуларнинг поэтик ифодалари кўламли равишда вужудга келади, лирик қаҳрамон туйғулар олами ниҳоят кенгайди, бадий тасвир жозибаторлиги ортади. Бунда асар мавзуси, аниқроқ қилиб айтилганда, ишқ темаси талқини жараёнида бундай мувозий ҳолатлар кўзга ташланиб қолади. Бу ҳақда адабиётшунос У.Қобилов илмий кузатишлари эътиборга лойиқдир⁴⁸. У илоҳий ва тарихий-афсонавий сиймолар бадий тимсоллари мувозий тасвири ҳақида сўз юритади. Бир ўринда Юсуф образи Масиҳ тимсоли билан биргаликда мувозий образ-тимсоллар тасвири амалга ошганлигини айтади. Бунда Масиҳ ва Юсуф бир маъно ифодасида “оламоро хусн” ва “жонбахш нутқ” ҳақида гап боради, маъшуқа хусни оламга оро берувчи, нутқи танларга жон ато этувчи сифатида тасвирланади. Гап шундаки, Масиҳ ва Юсуф тарихида пайғамбарлик мақомидан бошқа бир боғлиқлик йўқ. Худди шундай Фарҳод, Вомиқ, Мажнун тимсоллари мувозий тасвирланганда ҳам аслида улар орасида шаклан бирор боғлиқ нукталар кўринмайди, бироқ талқиннинг мазмун-моҳияти масалаларида, чунончи, ишқ-муҳаббат мотиви талқинида муштараклик яққол сезилади. Шунинг учун

⁴⁸ Қобилов У.У. Нубувват мотиви ва мумтоз поэтика. Монография. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2019. – Б.156.

улар ўртасида параллел тасвир бадиий талқин, лирик тахайюл ва адабий идрок туфайли юз беради.

Алишер Навоий ғазалиётида мувозий тасвирлар турли тоифалар образлари билан амалга оширилади. Шарқ шеъриясида бадиий тафаккурни ўзига жалб этган адабий-эстетик воқеликлар кўлами кенг. Унда тарихийлик ҳам, афсонавийлик ҳам, илоҳийлик ҳам ўрин олади. Алишер Навоийнинг машҳур “бўлдим сенга” радибли ғазалида Жамшид ва Хизр образлари лирик қаҳрамон ҳолатини ифода этиб беради. Бу икки сиймони тарихан боғлайдиган бирон бир нуқта мавжуд эмас, Хизр валийлик мақомида, Жамшид тарихий-афсонавий шахс сифатида эътироф этилади. Алишер Навоий шеъриясида Жамшид тимсоли талқинида “тахт” ва “жом”га эътибор қаратилади. “Жоми Жам” лирикада кенг тасвир этилади. Бу бир вақтда Жамшид тимсолига ҳам мурожаатдир. Хизр ҳақида қисса ва ривоятлар хилма-хил бўлса-да, шеърий талқинларни “тириклик суви” ўзига жалб этади. Шу туфайли лирикада Хизр ва Жамшид тимсоллари “оби ҳайвон” ва “жом” образларининг ёнма-ён келишида мутаносиблик юзага келади.

Жоми Жам ичра Хизр суйи насибимдур мудом,

*Соқийё, то тарки жоҳ айлаб гадо бўлдум санга*⁴⁹.

Алишер Навоий, ва умуман, Шарқ шеъриясида образ-тимсоллар мувозий тасвир этилганда кўпинча уларга тегишли бирор бир хусусият ёки предмет бадиий деталь сифатида талқин этилади. Шу ҳолат Кайхусрав ва Сулаймон образлари биргаликда тасвирланган сатрларда ҳам учрайди. Унда “тож” ва “мулк” бадиий фикрни юзага чиқаради. Одатда лирик қаҳрамон образи умумлашма образ ҳисобланади. У шеър табиатига қараб ўзига хослик касб этади. Ғазалда бу образ конкретлашади, таҳаллус билан алмашса-да, унинг умумлашма характери ўз кучида қолади. Шундан байтда “Навоий олам султонининг бандасидир, Кайхусрав тожию Сулаймон мулкини истамайди” фикри уқиб олинади. Энди мувозий талқиндаги бадиий мантиқ

⁴⁹ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик, иккинчи том. Наводир ун-ниҳоя. – Тошкент: Фан, 1987. – Б.624.

масаласига келсак, бунда Кайхусрав ва Сулаймон мақом мартаба масалаларида тамоман ўзгача бўлса-да, “тоғ” ва “мулк” каби дунё бойликлари маъносида яқинлик касб этган. Шу тариқа шеърда ҳар қандай бойлигу хашаматдан “олам султониға бандалик” афзал эканлиги таъкидланади.

*Тоғи Кайхусрав била мулки Сулаймон истамас,
То Навоий бўлди ул султони олам бандаси*⁵⁰.

Шу тариқа образ-тимсоллардан кўра, таъриф этиладиган ва талқинларда бадий деталь сифатида қараладиган тушунчалар тасвири бошқа сатрларда ҳам давом эттирилади. Бунга Искандар ва Хизр образлари асосида юзага келган бадий манзара ҳам мисол бўлади. Бу образлар мувозий қўлланишида тарихий ҳақиқат талқинлари билан бадий-эстетик тасвир уйғунлашади. Бу уйғунлик Искандар ва Хизрнинг тириклик чашмасини биргаликда кидирганликлари лавҳаси билан боғлиқдир. Унда Искандар “мулки” ва Хизр “умри” тушунчалари адабий-эстетик фикрни уйғотади, лирик қаҳрамон “Искандар мулки билан Хизр умрини инъом этсалар ҳам бундай беҳисоб мулк ва абадий умрдан воз кечиши”га сабаб ишқи илоҳийдир. Албатта, бадий талқинларда келадиган Сулаймон “мулки” билан Искандар “мулки” орасида фарқни унутмаслик керак. Айрим ўринларда бир йўла Искандар, Хизр, Сулаймон, Қорун тимсоллари бир поэтик тасвирни юзага чиқаради. Худди шундай ҳолат “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Вомиқ ва Узро”, “Юсуф ва Зулайҳо” тимсоллари талқинида ҳам учрайди. Кўринадики, бу тасвирларда ҳам бадий тимсоллардан кўра, “мулк”, “умр”, “амр”, “мартаба”, “бойлик”, “теша”, “оҳу”, “тоғ”, “сахро” сингари бадий деталь-тушунчалар талқини биринчи планга чиқади ва лирик қаҳрамон ҳиссий ҳолатларини ифодалаб беради. Алишер Навоий лирикасида бадий деталлар, айниқса, образ-тимсоллар мувозий талқинида фаол қўлланилади. Адабиётшунослик тадқиқотларида: “деталь (fr. detail – тафсилот, майда-

⁵⁰ Алишер Навоий. Муқамал асарлар тўплами. Йигирма томлик, иккинчи том. Наводир ун-ниҳоя. – Тошкент: Фан, 1987. –Б.624.

чуйда) – бадийй деталь; бадийй асарда муайян мазмун ифодаловчи, ғоявий-бадийй юк ташувчи тафсилот. Аввало, деталь бадийй воқеликни яратиш воситаси–ашёси бўлиб, у тасвирланаётган нарса-ҳодисани конкретлаштиради, уни ҳиссий идрок қилиш мумкин бўлган тарзда гавдалантиради... деталь асарда тасвирланаётган образнинг кичик бир қисми, деталларнинг бирикуви натижасида ўша образ кўз олдимизда бутун ҳолда намоён бўлади. Бадийй деталь ортида маълум бир реалия мавжуд: маиший турмуш ёки жой тафсилотлари, портрет чизгилари ва ш.к. Шунингдек, персонажнинг имо-ишралари (жест), тана ҳолати (поза), хатти-ҳаракати, гап-сўзлари ҳам деталь саналади, улар бари бирликда инсон образини гавдалантиради. Яъни бадийй деталь, аввало, бадийй воқеликни тўлақонли ва конкрет ҳис этиладиган даражада жонли тасвирлашга хизмат қилади”, – дейилади⁵¹. Шу маънода, мумтоз шеърятда илоҳий, тарихий-афсонавий, адабий образлар тасвирида бу хил бадийй деталлардан унумли фойдаланилади, натижада талқинга тортилган мавзу ва образлар уйғунлашган ҳолда поэтик бирлик юзага келади. Яъни асарда образ, тимсол, деталь бирлашиб ягона тасвир оламини яратади. Шунинг учун бадийй асарда, хусусан, лирик ифодаларда деталь ниҳоятда катта ғоявий-бадийй ва руҳий-психологик вазифаларни бажаришга хизмат қилади. Агар матнга синчковлик билан назар ташланса, унда келтирилган бадийй деталларнинг ўзиёқ асар мазмун-моҳияти ва ички поэтикасини очиб беради. Шу боисдан Алишер Навоий лирикасида тасвир этилган тимсоллар гуруҳи унда қўлланилган деталлар моҳиятидан ҳам англашилиб турилади, бу деталлар фикрни маърифий, тарихий ёки адабий қарашлар моҳияти томон қаратади. Масалан, бир ўринда Алишер Навоий киноядан моҳирлик билан фойдаланиб, “сен беҳад катта молу мулк ва узоқ умрга эга бўлган бўлсанг ҳам буларнинг барчаси Ҳақ ҳузурида “Қорун давлати”га ўхшайди”, – дейди. Демак, бу сатрларда мувозий қўлланган образлар лирик тасвир таъсирчанлигини

⁵¹ Улуғов А. Адабиётшунослик назарияси. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018. –Б. 65.

ошириб, олам ва одам моҳияти ҳақидаги ибратли масалаларга эътиборни қаратади. Алишер Навоий шеърлятида “мулк” сингари “умр” тушунчаси талқинида Нух ва Хизр тимсоллари параллел келади, “умр” Нух тимсолида тасвирланганда узоқ муддатли бўлса-да, маълум чегарага эгаллиги назарда тутилса, Хизр орқали ифодаланганда эса боқийлиги ҳисобга олинади. Шоир “молу мулкдан умрингга осойишталик етмайди, гарчи у Нух умри ва Қорун хазинасига эга бўлса ҳам”, – дейди.

*Молдин умруннга осойиши агар етмас, не суд,
Нух умри ҳосил этсанг, ганжи Қорун қозғониб*⁵².

Алишер Навоий шеърлятида Хизр тимсоли сермахсул образлардан ҳисобланади. Бу тимсолнинг шоир шеърлятида трансформация этилиши алоҳида тадқиқот мавзуси бўлади. Бу ҳолат, айниқса, унинг бошқа тимсоллар билан мувозий тасвирланишида теран намоён бўлади. Шарқона талқинларда эзгу мақсадларда йўлдош ва мададкор сифатида қаралади. Бу инсониятнинг эзгулик ва адолатга бўлган рағбату ишончи туфайлидир. Шарқ, хусусан, Алишер Навоий шеърлятида Хизр тимсоли алоҳида ҳолда ҳам, бошқа шахсиймолар билан параллел равишда ҳам кўп учрайди. Бу бир томондан, фикримизча, Алишер Навоий ижоди баракасини ҳам билдирса керак. Мазкур сатрларда Хизр тимсоли Жамшид билан биргаликда тасвир этилади. Унда айтилишича, “Хизр юз меҳр билан Жамшид жомини узатгандан кўра, дўст юз қаҳр билан май куйқасини узатган яхшироқдир”.

*Хизр юз меҳр ила тутқан жоми Жамдин яхшироқ,
Тутса май дурдини юз тароҷу яхмо бирла дўст*⁵³.

Бунда Хизр ва Жамшидни мувозий қўлланган деб аташ ҳам ноўриндай кўринади. Чунки биринчи мисрада Хизр узатадиган жом – Жамшид жоми билан ташбиҳ этилган, лекин шу “жом” тасвири “жоми Жам” билан шарафлангандир. Шеърда “жоми Жам”, “май дурди”, “дўст” тимсоллари

⁵² Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик, иккинчи том. Наводир ун-ниҳоя. – Тошкент: Фан, 1987. –Б.624.

⁵³ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик, иккинчи том. Наводир ун-ниҳоя. – Тошкент: Фан, 1987. –Б. 624.

ирфоний маънолар ифодалайди. Шу тариқа олиб қаралганда Алишер Навоий шеъриятида рангин тимсол-образлар мувозий тасвирланади. Лекин Фарҳод, Мажнун, Ширин, Лайли образлари ниҳоятда кенг тасвир этилгани ҳолда уларнинг бошқа шахс-сиймо тимсоллари, хусусан, тарихий-афсонавий, набийлар образлари билан биргаликда талқин этилгани учрамайди. Бирок мувозий тасвир қонуниятларига ўзаро талқинларда амал қилади. Бундан кўринадики, мумтоз шеъриятда образ-тимсоллар талқинидаги ўзига хос қонуниятлар барча даврлар мумтоз шеърият анъаналарини таъминлаб келган.

БОБ БЎЙИЧА УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1. Шарқ-ислом, хусусан, туркий-ўзбек мумтоз шеъриятида адабий-абадий мотив ва образлар трансформацияси масаласи талқини ниҳоятда жозибадор ва теран бадиий-эстетик ифодаларни юзага келтиради. Айни масала Алишер Навоий лирик девонларида муҳим муаммо сифатида ниҳоятда салмоқли ўрин эгаллайдики, бу жиҳатларни чуқур ўрганиш адабиёт илми тараққиёти учун долзарб вазифаларидан саналади. Алишер Навоий шеъриятида лирик образлар таснифи, образлар миграция (кўчиш) ходисаси, образ-тимсоллар лирик ифода анъана шакллари ва уларнинг бадиияти оламшумул ҳодиса сифатида намоён бўлади.

2. Алишер Навоий шеъриятида адабий образ-тимсоллар талқини ниҳоятда ранг-баранг бўлиб, улар маълум мақом-даражаси ва табиатига кўра (илоҳий, тарихий, адабий) ўзаро мувозий тасвирланади. Бу мувозийликда ўзига хос ички мантиқий боғланиш ва ижодий қонуниятлар амал қилади. Уларда адабий қаҳрамонлар, афсонавий шахслар, тарихий сиймолар алоҳида ҳолда мувозий қўлланилади. Бундай ҳолларда бадиий деталь, ишора ва алоҳида эпизодларга урғу берилади.

3. Алишер Навоий шеъриятида образ-тимсоллар талқини ниҳоятда ранг-баранг бўлиб, уларнинг бир қисми ўзаро мувозий тасвирланади. Бу мувозийликда ҳам ўзига хос ички қонуниятлар амал қилади ва адабий қаҳрамонлар, афсонавий шахслар, тарихий сиймолар алоҳида ҳолда мувозий

кўлланилади. Бундай ҳолларда лирик қаҳрамоннинг турфа туйғулари рамзий ифодалаб берилди, рангин тип образ-тимсоллар трансформацияси ва улар орқали ифодаланган поэтик манзаралар ўзига хос қонуниятлар асосида бадиий-эстетик фикрларни рўёбга чиқаради.

4. Алишер Навоий лирикасида образ-тимсоллар трансформацияси ранг-баранг абадий мотивларни юзага чиқаради, турфа хил поэтик оҳангларни яратади, инсон кўнглига завқ ва бедорлик улашувчи фикрларни бунёд этади. Шу билан бирга узок тарихий анъаналар ва адабий воқеликларни лирик туйғуларда жонлантиради, шеърининг жозибадор оламини эпик хотиралар билан тўлдиради, китобхон онгида идеал тимсоллар ва қарашлар оламини шакллантиради.

5. Ўзбек мумтоз шеърини адабий мотив ва образлар трансформацияси масаласи талқини ниҳоятда жозибадор ва теран бадиий-эстетик ифодаларни юзага келтиради. Алишер Навоий ижоди, хусусан, лирик девонларида адабий образ-тимсоллар кўчиш-ўзгаришлари поэтикаси муаммоси адабиёт илмининг долзарб вазифаларидан саналади. Ўзбек мумтоз шеърини лирик образлар таснифи, образлар миграция (кўчиш) ҳодисаси, адабий тимсоллар талқини, шунингдек, образ-тимсоллар ифода анъана шакллари, қонуниятлари ва уларнинг бадиияти оламшумул ҳодиса сифатида намоён бўлади.

II БОБ. АЛИШЕР НАВОИЙ ЛИРИК ДЕВОНЛАРИДА ФАРҲОД ТИМСОЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ ВА ИФОДА АНЪАНАЛАРИ

2.1.§. Шоир шеъриятида Фарҳод образи трансформацияси ва бадиий талқини

Маълумки, Шарқ мумтоз адабиёти узоқ тарихий анъаналар ва бадиий-эстетик қарашлар замирида шаклланганлиги билан бошқа халқлар сўз санъатидан ажралиб туради. Айниқса, ранг-баранг услуб ва мотивлар, бир мавзу ва тимсолларнинг оҳорий-оригинал руҳда акс эттирилиши, бетакрор оҳанг ва мумтоз фикр-ғоялар касб эттирилиши шарқона бадииятнинг ўзига хослигини таъминлайди. Мумтоз адабиётнинг худди шундай мислсиз талқин мавзулари ва образ-тимсоллари орасида “Фарҳод ва Ширин” қиссаси ўзининг ниҳоятда жозибадорлиги ва оламшумуллиги, тарихийлиги ва воқеийлиги, асрлар давомида ижод аҳли ва адабиёт илмининг эътиборидан тушмасдан келганлиги ва шу туфайли дунё халқларининг онгу шууридан абадий ўрин олганлиги билан бадиий адабиёт – шеърятнинг мумтоз мавзусига айланади. У Алишер Навоий талқинида оғзаки ва ёзма адабиёт, ҳақиқат ва мажоз, тимсол ва ифода, воқелик ва ҳиссиёт уйғунлашган нодир ҳодиса сифатида шаклланади. Бу қисса ва сюжетнинг пайдо бўлиши, тараққиёти ўзига хос бир тарихий илдизларга, бадиий-тадрижий такомилга эга ҳисобланади. Шарқ адабиётида, хусусан, дostonчилигида Фарҳод қиссаси ва унинг лирик талқини бутун кўлами билан ўзи бир адабий-эстетик жараённи ташкил қилади. Албатта, мумтоз адабиётда ҳар бир образ ва тимсол хилма-хил қарашлар, талқинлар самараси ўлароқ ижодий муҳит жараёнларида такомиллашиб, янгилашиб, асар ва давр руҳига мослашиб борган, ўзида янги-янги ифодаларни акс эттириб келган, бироқ улар орасида Фарҳод образи сингари сермахсули ва ғоявий-бадиий жиҳатлардан ўзгаришларга учрагани кам учрайди. Шу сабабдан ҳам мазкур диссертацияда айнан Фарҳод қиссаси лирик трансформацияси мавзу сифатида танландики, бу мисол умумшеърят мумтозлиги учун яққол бир исботдир. Бу сюжет мотиви хамсачилик

анъаналарида ифодаланиши ва Алишер Навоий ижодида эпик-лирик талқинда ўзгача оҳанг-руҳда такомилга етгунга қадар ҳам бадиий адабиётнинг жозибадор мавзуларидан эди. Шарқ, хусусан, туркий халқлар оғзаки ва ёзма адабиётида Фарҳод тимсоли жуда кенг тарқалган адабий образлардан бири ҳисобланади. У қадимги мифологик қарашларда, фольклор асарларида тоғ мотиви билан боғлиқ қаҳрамон сифатида қаралган ўринлар учрайди. Шу боис “Фарҳод ва Ширин” мавзусига бағишланган асарларда “тоғ” эпизоди Фарҳод билан биргаликда келади. У ҳақидаги дostonлар, қиссаларда Фарҳоднинг тоғда амалга оширган ишлари афсонавий қаҳрамонлардан ҳам юқори планга чиқарилиб талқин қилинади. Бу жиҳатдан Фарҳод образининг лирик ифодасида ҳам асосан мана шу мотив бадииятига эътибор берилади. Шу ўринда айтиш керакки, Алишер Навоий талқинидаги “Фарҳод ва Ширин” эпик сюжети ниҳоятда қизиқарли ва жозибадор воқелик фонида тасвирланади. Бу образнинг шоир шеъриятидаги лирик талқинида эса ушбу сюжет билан боғлиқ айрим мотивлар, хусусан, тоғ, ариқ қазиш, теша билан ишлаш, сув чиқариш каби эпизодик лавҳалар мажозий-рамзий тасвири юқори планга чиқарилади. Гап шундаки, айни масалалар Фарҳод бош қаҳрамон даражасида тасвир этилгунга қадар ҳам бу образ илк бадиий ифодаларида эътироф қилинади. Бу эса Алишер Навоий шеъриятида тасвирланган Фарҳод тимсоли манбалари узоқ тарихга эгаллигини кўрсатади. Маълумотларга кўра, Фарҳод образи дostonлар ёки қиссалардан олдин ҳам шеъриятда бадиий тимсол сифатида тасвир этиб келинган. Масалан, форс шоири Оғочий шеърларида X-XI асрлардаёқ Фарҳод тимсоли бадиий восита бўлиб қўлланилган. Шундан сўнг эпик мазмундаги асарлар, жумладан, Балъамий “Тарихи Табарий”, Абу Дулафнинг “Рисолаи сония”ларида тилга олинган. Шарқ мумтоз адабиёти тарихида Фарҳод образининг биринчилардан бўлиб кенг эпик планда тасвир этилиши Низомий Ганжавийнинг форсий тилда яратилган “Панж ганж”ининг иккинчи дostonи “Хусрав ва Ширин”да кўринади. Кейинчалик бу асар доврўғи бутун Шарқ халқларига ёйилади ва XIV асрда Кутб томонидан туркий тилга ижодий

таржима ҳам қилинади. Қутб қаламига мансуб “Хусрав ва Ширин” достони Низомий Ганжавий асари таъсирида яратилган тил ва талқин жиҳатлардан оҳорий обида сифатида баҳоланишга лойиқдир. Буни ўз вақтида забардаст адабиётшунос Натан Маллаев ҳам эътироф этган эди⁵⁴. Хусрав Дехлавий Фарход образининг янада шуҳрат қозонишига эришади ва уни “Ширин ва Хусрав” достонида маълум бир ўзгаришлар билан талқин этиб беради. Бу эса Шарқ адабиётидаги “назираи беназир” анъанаси “Фарход қиссаси”га ҳам тегишли эканлигини билдиради. Кўринадики, Низомий Ганжавий Хусравни, Хусрав Дехлавий Ширинни бош қаҳрамон даражасида бўлишини хоҳлайди. Ушбу дostonларда Фарход эпизодик образ бўлса-да, бироқ асар композициясида муҳим роль ўйнайди. Бу дostonлардаги мумтоз шеърят, жумладан, Алишер Навоий лирикасида тараннум этилган Фарход касби (тоғу тош йўниш) билан боғлиқ лавҳалар талқини эса мазкур қиссанинг деярли барчасида учрайди. Шарқ халқлари адабиётида Фарходнинг бош қаҳрамон даражасида тасвирланиши анъанасининг ҳам ўз тарихи бор. Бу эҳтиёж XIV аср учинчи чорагидан бошлаб юз беради. Аниқроғи 1369 йилда Ориф Ардабилиий “Фарходнома” достонини ёзиб, Фарход образини бадий адабиётнинг мустақил тимсоли мақомига кўтарилишига имкон яратади. Бироқ XV аср, яъни 1483 йилга келиб Фарход образи ҳазрат Алишер Навоий ижоди маҳсули бўлган “Фарход ва Ширин” достони ва беқиёс лирикаси билан теран характер, комил инсон ва бадий-эстетик тафаккурнинг ўлмас тимсоли сифатида абадиятга муҳрланди. Бу анъана, яъни Фарход ва Ширин образлари эпик талқини кейинчалик ҳам давом эттирилди. Мисол учун мумтоз шоирлар Кавсарий, Низорийлар айна мавзуда асарлар яратдилар. Шу билан бирга янги даврларда ҳам “Фарход ва Ширин” мавзуси талқини бўйича турли халқлар адабиётида дoston ва сахна асарлари вужудга келди. Бу асарларнинг бунёд этилишида Алишер Навоий талқини асос бўлиб хизмат қилади. XVII асрда уйғур шоири Хирқатий томонидан яратилган “Муҳаббатнома ва меҳнатком”, уйғуристонлик Абдураим Низорий ва турк

⁵⁴ Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1965. –Б.248.

шоири Ломий ижоди маҳсули “Фарҳод ва Ширин” дostonларида Алишер Навоий даҳосининг таъсири яққол намоён бўлади. XIX асрда фаолият юритган ва ўзбек адабиёти намоёндаларидан бири бўлган Махзун ўзининг “Фарҳод ва Ширин” дostonида буюк мутафаккир асари сюжетини сақлаган ҳолда янги давр образини талқин этиб берган. Шунингдек, “Фарҳод ва Ширин” мавзуси кейинги йиллар ўзбек халқ оғзаки ижоди бахшилари, шоирларининг эътиборини ҳам ўзига жалб этади. Атоқли халқ бахшиси Фозил Йўлдош ўғли репертуарида мавжуд бўлган “Фарҳод ва Ширин” дostonи шулар қаторида туради. Ушбу дoston мазмунан Алишер Навоий ижодидаги “Фарҳод ва Ширин” сюжетига жуда яқиндир. 1922 йилда шоир ва драматург Хуршид “Фарҳод ва Ширин” мавзусида мусиқали драма, 1941 йилда машҳур озарбайжон шоири Самад Вурғун “Фарҳод ва Ширин” номли драма яратиб, мавзу анъанаси ва Алишер Навоий даҳосига эҳтиром кўрсатдилар. Шу ўринда айтиш керакки, Фарҳод образ–тимсоли талқинининг бадиий адабиётга кириб келиши бир томондан қадим шоҳлик тарихи ва “шоҳномалар” тавсифи билан ҳам боғланади. Шунинг учун тадқиқотларда Фарҳоднинг тарихий-воқеийлиги ҳақида ҳам мулоҳазалар юритилади. Бизга равшанки, мумтоз адабиёт–шеърят ғоявий-бадиий оламида набийлик, валийлик ва шоҳликка силсила сифатида доимий равишда мурожаат этиб келинади. Қуръони Карим ва бошқа илоҳий манбалар асосида пайғамбарлар тавсифи бутун мумтоз адабиётда алоҳида оламшумул ҳодиса сифатида талқин этилади, “Қисас ул-анбиё”лар туркуми мавжуд бўлиб келган, пайғамбар сиймолар бадиий тимсоллари мумтоз шеърятнинг сермахсул ифода воситаларига айланган. Кейинчалик мумтоз адабиётда “форсий-туркий шоҳномалар” ва айниқса, “ажам шоҳлари тарихи” анъанаси пайдо бўлади, бу анъана таъсирида шоҳлар тимсоллари лирик ифодалари барча даврлар мумтоз шеърятида ўз ифодасини топди. Жумладан, Алишер Навоийнинг “Тарихи мулуки ажам”, “Садди Искандарий” асарлари ҳам ана шу тип асарлар гуруҳига мансубдир. Ўзбек адабиётшунослигида бу борада қатор илмий изланишлар яратилди. Гап шундаки, айни силсила таъсирида тарихий-

афсонавий тафсилларга биноан сосоний шоҳларидан ҳисобланган Хусрав Парвез образи талқини жараёнида Фарҳод тимсоли ҳам вужудга келди. Бу ҳолатни Хусрав образининг кўламли эпик талқини билан боғлаш мумкин. Абулқосим Фирдавсий “Шоҳнома”си мазкур тип, яъни шоҳлар образининг бадий талқини борасида илк адабий ёдномалардан саналади. Бу асар кейинчалик шоҳлар образи эпик талқинининг хилма-хил вариантлари, хусусан, “туркий шоҳномалар” юзага келишига туртки бўлиб қолмасдан, балки ҳамсачилик анъанасига ҳам ўзининг сезиларли таъсирини кўрсатади. Бу ҳақда адабиётшунос С.Тоҳировнинг “форсий-туркий дostonчилик, хусусан, ҳамсанависликни Фирдавсий таъсиридан холи ҳолда тасаввур қилиш мумкин эмас. Зеро, ҳамса таркибидаги учта сюжет (Хусрав – Ширин – Фарҳод, Шоҳ Баҳром, Искандар) бевосита шу асар таъсирида майдонга келган”⁵⁵, – деган фикри эътиборлидир. Тўғри, Хусрав – Ширин – Фарҳод воқелигига доир турли тип асарлар, афсонавий қарашлар оғзаки ва ёзма адабиётларда кўплаб учрайди. Бироқ иккинчи планда бўлса-да, Фарҳод образининг ёзма адабиётда ифода этилиши масаласида олимлар Фирдавсий “Шоҳнома” достони асос бўлганлиги ҳақида фикрларни илгари суради. Аммо Фарҳод образининг бадий адабиётда пайдо бўлиши ҳақида тадқиқотчилар қарашларида ранг-баранглик кузатилади. Унинг бадий адабиётга кириб келиши узоқ тарихий жараёнлар билан боғланади. Адабиётшунос С.Эркиновнинг фикрича, “Фарҳод образи Навоийгача мураккаб бадий тараққиёт йўлини босиб ўтган. Митра, Ардвисура каби маъбудлар қатори Фарҳод ҳам ер ости дунёсининг қадимги худоси, қурувчи ва тоштарошлар ҳомийси сифатида танилган эди. Энг қадимги инсоннинг табиат кучларига қарши кураши, ер билан боғлиқ меҳнатнинг енгиллаштирилиш йўлидаги интилишларининг марказида турган мифологик Фарҳод кейинчалик ривоят ва афсоналарга кўчган. Инсон маданиятининг муҳим белгиларидан бири – меҳнат билан боғланган меҳнат култи Ўрта Осиё, Озарбайжон, Эрон,

⁵⁵ Тоҳиров С.Қ. Темурийлар даврида ҳамсанавислик. Монография. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2020. – Б.13.

Туркияда ҳам тарқалган эди”⁵⁶. Ушбу қарашни, бизнинг фикримизча, Фарҳод тимсолининг Алишер Навоий шеъриятида талқин этилиши мавзулари ҳам муайян маъноларда қувватлайди. Шоир лирикасида ҳам асосий эътибор “Фарҳоднинг теша билан тоғ қазиси” воқелиги мажозий ифодаларига қаратилади ва уни рамзий равишда ишқ дарди, ранжу аламлари машаққатига менгзайди. Бундан ташқари “Фарҳод номи биринчи бор XX аср манбаларида, жумладан, “Тарихи Табарий”да (Балъамий асари) тилга олинганлиги” ҳам айтилади. Бу маълумотларга кўра, Фарҳод Ширинни севиб қолган, шунинг учун тоғни кесиб, мўъжизалар ва мураккаб ишларни бунёд этган. Бу, шубҳасиз, Хусрав ва Ширин тарихи ва воқеасига кўшилиб, анъанавий сюжетни ривожлантирди ва ўзига хос муҳаббат учбурчагини яратди”,⁵⁷ – дейилган фикрлар эътиборни тортади. Кўринадики, ёзма бадиий ижодда Фарҳод образи Хусрав Парвез тарихи ва тавсифи билан боғланади. Шу билан бирга тарихий воқелик ёки шахсият билан бадиий тўқиманинг параллел тасвир этилиши ҳам бадиий ижод қонуниятларига зид эмаслигини, бундай тажриба адабиётнинг азалий анъаналаридан бўлиб келганлигини эътироф этиб ўтиш керак. Хусрав Парвез тарихи воқеийликка асосланган деб қаралганда ҳам, у узоқ кечмиш ва кўп асрлик ўтмишдир. Баъзи илмий-бадиий манбаларда IX асрдан бошлаб Хусрав номи кўзга ташлана бошлаши айтилади. Хусусан, Хусрав номи Табарийнинг пайғамбарлар ва инсоният тарихига бағишланган оламшумул асари “Тарихи русул вал-мулук”да ҳам учрайди. Алишер Навоий ҳам ўзининг “Тарихи мулуки Ажам” асарида Хусрав Парвез ҳақида фикр юритади. Эътиборли томони шундаки, Алишер Навоий айни ўринда Фарҳод ва Ширинни ҳам тилга олиб ўтади. Жумладан: *“Бири улким, агарчи Шириндек оламда нодираси бор эрди, вале Фарҳоддек ҳам олам ажубаси рақиб би бор эрди...Ва ани билиб Хусрав рашкдин макр била Фарҳод қатлиги боис бўлдиким, андин машхурроқдурким, битмак ҳожат*

⁵⁶ Эркинов С. Шарқ адабиётида Фарҳод қиссаси. – Тошкент: Фан, 1985. –Б.34.

⁵⁷ Шу манба. Б.57.

бўлгай”, – дейди⁵⁸. Кейинчалик у ҳақидаги қарашлар тарихийликдан афсонавийликка, реалликдан бадиийликка йўғрилиб кетганлиги ҳам аниқланади. Шу боис илмда Фарҳод образи халқларнинг асрий орзулари ифодаси сифатида тарихий мавзу ва талқиндаги воқеликдан бадиий тимсол сифатида ўрин эгаллаган бўлиши мумкин деган қарашлар ҳам баён этилади. Чунки жаҳон ва миллий адабиётлар тажрибаларидан аёнки, ҳар қандай тарихий мавзудаги бадиий асар ижодий тўқималардан холи бўлмайди. Иккинчи бир томондан, Хусрав образининг илк дафъа кенг кўламда эпик бадиий талқини Фирдавсий ижодида намоён бўлганлиги ва шу асосда Фарҳод образи ҳам ёзма шаклда вужудга келганлиги ҳақида фикрлар кузатилади. Бу ўринда Хусравнинг кўплаб манбалардаги зикри тарихий шахс эканлигини билдириш билан бирга Фарҳод шахсияти ҳақида ҳам мулоҳаза юритишга имкон беради. Гап шундаки, Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сида Хусрав ва Ширин сюжети алоҳида баён этилади. Унда Хусрав, Ширин, Марям, Шируя образларига эътибор қаратилади. Достондаги Марям образи Алишер Навоий талқинида учрамайди. Достонда Хусрав бош қаҳрамон бўлиб, Ширин унинг рафиқаси сифатида талқин қилинади. Шу каби достонда Шируя образи ҳам етакчи рол ўйнайди. Айни образлар ва сюжет Низомий Ганжавий талқинида ўзгача руҳда тафтиш этилади. Унда Фарҳод ёрқин бадиий образ сифатида илк бора жонли мулоқотда тасвир қилинади. Албатта, Фарҳод Низомийдан олдинги ижодкорлар томонидан ҳам эътироф этилган эди. Бироқ Низомий Ганжавий бадиий тафаккури маҳсули ўлароқ Фарҳод образи буюк хамсачилик қаҳрамонига айлантирилади. Бундан кўринадики, муайян образ-тимсолнинг пайдо бўлиши, асарлар ва қарашлараро трансформацияси, бадиий тимсоллик хусусиятларининг шаклланиши ниҳоятда мураккаб жараён ҳисобланади. Умуман, бадиий адабиёт, ва айниқса, шеърятда образнинг идеал тимсолга айланиши, типик характер касб этиши узоқ тарихий тажрибалар, талқинлар ва тафсилотлар талаб

⁵⁸ Alisher Navoiy. To‘la asarlar to‘plami. Tarixi mulki Ajam. – Toshkent: G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2012. –Б.657.

килади. Шу маънода, Фарҳод образининг комиллик тимсоли сифатида тасвир этилишигача бўлган жараёнлар образ-тимсол трансформацияси ҳодисаси бугунги адабиётшунослик учун муҳим муаммо эканлигини билдиради. Қизик томони шундаки, маълум бир образнинг анъанага айланиши жараёнида сюжетлар ҳам, образлар ҳам, талқинлар ҳам, мавзулар ҳам ўзгаришларга учраб боради. Бунга Фарҳод тимсолининг мумтоз адабиётдаги тадрижий талқини яққол мисол бўлади. Бунга бадий ижоднинг азалий хусусиятларидан бўлган замонавийлик, миллийлик каби талаблар ҳам кўшилади, ҳар бир мавзу ёки тимсол давр-замон қарашларини, халқнинг миллий туйғуларини ифодалаб беради. Шунга кўра, Фарҳод образи ҳам турли даврлар ва ижодкорлар, халқлар ва адабиётлар учун хос бўлган тимсолга айланади. Алишер Навоий достони ёзилганга қадар сюжет талқини Хусрав – Ширин – Фарҳод учлиги атрофида содир бўлади. Албатта, Алишер Навоий достонида ҳам бу учлик мавжуд, лекин қаҳрамонлар мавқеида, тимсоллар трансформациясида ва демакки, асар моҳиятида чуқур ўзгариш амалга оширилади. Мисол учун Низомий Ганжавий талқинига кўра, Хусрав ва Ширин бош қаҳрамонлар бўлиб, Фарҳод бир Чинлик ҳунарманд сифатида тасвирланади. Унда Фарҳод “Хусравнинг маъшуқаси Ширинга ариқ қазиб беришга ёлланади ва ошиқ бўлиб қолади. Буни билиб қолган Хусрав рашк қилиб, уни ўлдирмоқчи бўлади. Хусравнинг вазири Бузруг Уммиднинг маслаҳатига биноан Фарҳодга агар Бесутун тоғини кесиб, йўл очса, Шириндан воз кечишини айтиб, алдайди ва ҳийла билан ҳалок қилади”⁵⁹. Хусрав Дехлавий талқинида Фарҳод шоҳликдан кўра касб-ҳунарни афзал билган Чин шаҳзодасидир. У Хусрав ошиқ бўлган, бироқ вафо қилмаган Ширинни кўриб, унинг илтимоси билан Бесутун тоғини қазиб сув чиқаради. Хусрав Фарҳоднинг Ширинга ишқи тушганини сезиб қолиб, уни ҳийла билан ўлдиртиради. Кўринадики, Фарҳод билан боғлиқ дастлабки дostonларда ҳам ишқ мавзуси тилга олинади, бироқ комиллик даражасига кўтарилмайди. Бу дostonлардан мурод ижтимоий масалалар талқини эканлиги бошдан оёқ

⁵⁹ Алишер Навоий: қомусий луғат. – Тошкент: “Шарқ”, 2016. –Б.66.

сезилиб туради, кейинги босқичларда ишқ масаласи бош мақсадга кўтарилгач, асар моҳиятида ҳам, сюжет чизигида ҳам, характерлар мантигида ҳам ўз-ўзидан талаб ўзгаради. Ҳазрат Алишер Навоий буни янги усулда юксак такомил даражасида талқин этиб беради ва натижада тарихий мавзунинг чуқур фалсафий-бадий таърифга йўғрилган мажозий-ирфоний тарҳи яратилади. Мутафаккир ижодкор Алишер Навоий ушбу қисса мазмун-моҳиятинигина эмас, балки сюжет-фабула таркибини ҳам янги-янги қарашлар, образлар, талқинлар ва тасвирлар билан ифодалаб беради. Ундаги ишқ, ҳикмат, камолот, илму ҳунар, мифик лавҳалар, орифона туйғулар, мажоз ва ҳақиқат сингари абадий масалалар китобхонга бетакрор лаҳзаларни тақдим этади. Мисол учун Алишер Навоий талқинида ошиқ ва маъшук мавжуд дунёда эмас, балки абадиятда висолга эришишига ишора қилувчи Фарҳод ва Ширин ўлими ҳақидаги эпизод мажозий ишқнинг ҳақиқат ишқига айланиши сифатида кўрсатилади. Бундай талқинга атоқли олим Нажмиддин Комилов “Фарҳод ва Ширин” достонида мажозий ишқ тонг ёруғи, ҳақиқий ишқ куёшнинг ўзига қиёс этилган...мажозий ишқ жараёнида ошиқ обдон синовдан ўтади, унинг тани бир қуруқ хасдай бўлиб қолади ва ҳақиқий ишқ “барқи чоқилғоч”, зумда ёниб кулга айланади, яъни ошиқ руҳи кутулиб, абадият – ваҳдониятга эришади. Фарҳод ана шу жараёни босиб ўтиши, ишқи мажозий ўтида ўртанмоғи даркор деб хабар беради Сукрот. Аммо ишқи мажозий “мазҳар” сиз содир бўлмайди. “Мазҳар” – илоҳий жамол сиймосида акс этган киши. Ошиқ уни кўриб, шайдо бўлади. Ўзининг борлигини унутиб унга интилади... Фарҳоднинг мажозий ишқи учун “мазҳар” (зухурланиш, инъикос этмоқ) Шириндир. Мазҳар Вужуди Мутлақнинг сифатлари ва беинтиҳо Ҳусннинг қудратини намоёиш этади, у миръот ёки ораз, илоҳий файз аёнлашган объект (“шайъ”). Ҳусн ва Ишқ тортилиши (Навоий буни “кашиш” дейди), ўзаро можаролари ушбу дostonда Фарҳод ва Ширин тимсолида давом этган”, – деган ҳақли қараш билан баҳо беради⁶⁰. Шу

⁶⁰ Комилов Н. Хизр чашмаси. (Маъсул муҳаррир С. Олимов) – Тошкент: “Маънавият”, 2005. –Б.94-95.

Ўринда айтиш лозимки, ислом тасаввуфи ва унинг комил инсон ахлоқи ҳақидаги қарашларини эпик планда бадиий акс эттириш ёки кўламли воқелик ва тимсоллар орқали рамзий ифодасини яратиш ниҳоятда мураккаб, бунга ҳар қандай ижодкорнинг ҳам қуввайи ҳофизаси етавермайди. Ҳазрат Алишер Навоий ҳамсанависликда мана шу ишни амалга оширган буюк ирода эгасидир. Бу эса Фарҳод лирик талқинда ҳам ҳақиқий ишқ тимсоли даражасида талқин этилишига олиб келди деб айтишимизга далил бўла олади. Кўринадикки, қадим Шарқ бадиий-маънавий тафаккурида дастлаб эпизодик образ сифатида кўринган Фарҳод тимсоли ва воқелиги узок трансформациялашув жараёнида Алишер Навоий ижод қудрати билан бош масалаларни ифодаловчи етакчи воқеий қаҳрамонга айланади. Шу тўғрисида Фарҳоду Ширин XV аср ва ундан кейин халқона руҳият, бадиий ҳаётда ишқу ошиқлик тимсоли мақомига кўтарилади. Шу билан бирга яна бир муҳим масалага эътибор қаратиш лозимдир. Шарқ мумтоз адабиётида Фарҳод образининг оддий эпизодик тасвирдан бош қаҳрамон, шунчаки воқеликдан ирфоний-илоҳий мотив даражасигача юксалиши фақат шу образ-тимсол билан содир бўлмайди. Бунда қисса сюжетидаги бошқа образ ва лавҳалар ҳам ўзгача руҳ касб эта бориши, ягона бадиий-фалсафий ғоя атрофида жипслашиши талаб этилади. Алишер Навоий анъанавий “Хусрав ва Ширин” мотивини “Фарҳод ва Ширин” шаклига ўзгартириш-кўчириш учун шу талабларни ҳам мукамал равишда амалга оширади. Унда шох – дунёвий шох, ошиқ – ҳақиқий ошиқ, маъшуқа – дилбар, рақиб – азалий душман, дўст – абадий дўст, ишқ – илоҳий ишқ мартабаларида талқин этилади. Шунинг учун Фарҳод ва Ширин қиссаси лирик ифодаларда рубобий қаҳрамоннинг боқий кечинма ва абадийликка дахлдор туйғуларини намоён этишда бардавом бадиий асар вазифасини бажариб келмоқда. Шу ўринда айтиш керакки, Алишер Навоий бир неча сатрларда Фарҳод номини муаммо шаклида тавсифлайди. Унда бутун Фарҳод тақдири жо бўлгандек тасаввур уйғотади. Шу муносабат билан Фарҳод образи лирик талқини айни мавзулар билан уйғунлашиб кетади. Мисол учун адабиётшунос Лутфулла Зоҳидов

“Фарҳод ва Ширин” достонидаги шундай муаммолардан иккитасини “Алишер Навоий ижодида муаммо жанри” рисоласида таҳлил этиб беради. Олим “Фарҳод ва Ширин”да Фарҳоднинг номи икки вариант билан муаммо қоидаси асосида берилган. Улардан бири:

Фироқу раишу ҳажру оҳ ила дард.

Бирор ҳарф ибтидодин айлабон фард.

Бу интиқод қоидасига асосан “фироқ”, “рашк”, “ҳажр”, “оҳ” ва “дард” сўзларининг ибтидоси, яъни олдинги ҳарфларининг таркиб топишидан – Фарҳод ҳосил бўлади. Иккинчи вариант:

Жамолидин кўрингач фарри шоҳи,

Бу фардин ёруди маҳ то бамоҳи.

Қўюб юз ҳиммату, ифболу давлат,

Ҳамул фар соясидин топди зийнат.

Бу муаммо интиқод ва тансис қоидаси билан ёзилган бўлиб, “фар” нурнинг сояси остига “ҳиммат”, “иқбол” ва “давлат” сўзларининг юзи, яъни бош ҳарфи кирса, Фарҳод исми ҳосил бўлади”, – дейди⁶¹. Гап шундаки, айти тушунча ифодалари Фарҳод образи лирик талқинида тимсол талқини билан трансформациялашади, яъни бу тимсолга мурожаат этилганда мисралар ички мазмун моҳиятида ҳижрон, дард, ғам-алам, айрилиқ мотивлари акс этади. Шу билан бир вақтда бу масалалар Фарҳод қиссаси асосий ифода оламини ҳам ташкил қилади, фироқ, рашк, дард, давлат сингари чуқур маъноли сўз-тушунчалар ботиний-зоҳирий ифодаларида тимсол моҳияти яширинади.

Алишер Навоий лирик девонларининг барчасида Фарҳод тимсолига энг кўп мурожаат этилади. Бу тимсолнинг шоир шеърлятида қўлланилиши деярли Мажнун образи талқини билан тенглашиб қолади. Гап шундаки, Навоий Фарҳод тимсолини ўз шеърлятида қанча миқдорда талқин этса, унда ғоявий-бадий ифода ҳам шу даражада ранг-баранг адабий-эстетик туйғу-ҳиссиётлар ҳосил қилади. Алишер Навоий лирикасида Фарҳод тимсоли тасвир этилганда эътибор асос шу тимсол орқали поэтик манзара, рухий

⁶¹ Зоҳидов Л. Алишер Навоий ижодида муаммо жанри. – Тошкент: “Фан”, 1996. – Б.62.

кечинма яратилишига қаратилади. Албатта, муайян ўринларда Фарҳод қиссаси билан боғлиқ тимсол ва деталлар ҳам тилга олинади. Бироқ уларда тимсолликдан кўра рамзийлик тасвири устунлик қилади. Масалан, шоир “Ғаройиб ус-сиғар” девонида Фарҳодни тошйўнар уста сифатида тилга олади.

*Ишқ аҳли гўристонида қабрим чу зоҳир бўлгуси,
Фарҳод анинг тошин йўнуб, Мажнун мужовир бўлгуси*⁶².

Бунда лирик қаҳрамон “ўзининг қабри ишқ аҳли қабристонида зоҳир бўлса, Фарҳод унинг тошйўнари, Мажнун эса шу мазор қоровули” бўлишини таъкидлайди. Шеърда Фарҳод, Мажнун тимсолларининг келтирилиши чуқур бадиий-фалсафий фикрларни рўёбга чиқаради. Аслий талқинларга биноан Фарҳод ҳам, Мажнун ҳам ишқ аҳли гўристонидан жой олган қаҳрамонлар. Бу қабристон мангулик, яъни ҳақиқий ошиқлар абадиятини ифодаловчи бадиий маконга тимсолдир. Унда қўним топиш ишқ аҳлига насиб қилади, холос. Булар ошиқлар наздида йўқотиш эмас, балки топиш, висол айёмига етишиш деб англанади. Алишер Навоий “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” достони билан ишқнинг ана шундай муаззам талқинини қарор топтирган эди. Лирик қаҳрамон ўзини ошиқ, ошиқ бўлганда ҳам қабрига Фарҳод тош йўнувчи, Мажнун қоровуллик қилувчи даражадаги ишқ аҳлидан деб ҳисоблайдиган ошиқдир. Ёки шоир “Фавойид ул-кибар” девонида ишқ тоғу даштига фано бўлган ошиқ ҳақида сўз юритади.

*Ул сифат ишқ-у жунун тоғ ила дашти аро иттим,
Ки на Фарҳод нишон топти, на Мажнун хабаримдин*⁶³.

Бу ўринда ҳам “ишқ ичра мажнунлиғ” ҳақида гап боради, ишқ қиссалари Фарҳод, Мажнун билан юз берган бўлса-да, бунда эпик тасвирлар лирик ифодаларга айланади. Байтдаги ишқ, жунун, тоғ, дашт, Фарҳод, Мажнун – булар бир-бирига боғлиқ тушунчалар бўлиб, ушбу ишқий қиссалар асосини

⁶² Alisher Navoiy. To‘la asarlar to‘plami. Xazoyin ul-maoniy. G‘aroyib us-sig‘ar. – T.: G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2012. –Б.804.

⁶³ Alisher Navoiy. To‘la asarlar to‘plami. Xazoyin ul-maoniy. Favoyid ul-kibar. – T.: G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2012. –Б.840.

ташқил қилади. Бу мумтоз шеърятда таносуб санъати (уядош сўзларни кўллаш) деб ҳам баҳоланади. Буни Фарҳод ҳам, Мажнун ҳам гарчи шу ишққа фано бўлсалар-да, нишон топа олмайдиган “ишқ тоғи” ва “жунун дашти”да пинҳон бўлган ошиқ ҳоли тасвири сифатида ҳам англаш мумкин. Кўринадики, қаҳрамон ошиқ ҳоли аҳволини бошидан ўтказаетганлиги боис гўё Фарҳод ва Мажнун кечинмаларидан ҳам юқори бир мақомда туриб фикр юритади. Худди шундай ҳолат шоирнинг Фарҳод тимсолидан фойдаланган ҳар бир сатрида кўзга ташланади. Алишер Навоий шеърятда Фарҳод тимсоли талқин этилганда бадиий-эстетик фикрни бўрттириш учун кўпинча Мажнун, баъзан Вомиқ тимсоли билан ҳам параллел тасвир этилади. Мисол учун шоир “Бадоеъ ул-васат” лирик девонида Вомиқ, Фарҳод, Мажнун тимсолларини биргаликда келтиради. Бунда лирик қаҳрамон ошиқ ўзини ушбу ишқ аҳлига тенглаштиради.

Вомиқу Фарҳоду Мажнундеклар ул водий аро

*Бўлсалар пайдо, мени ҳам ул арода истангиз*⁶⁴

Яъни ошиқ “агар Вомиқ, Фарҳод, Мажнунлар ишқ водийсида пайдо бўлсалар, мени ҳам улар орасида деб билинг”, – дейди. Албатта, “Вомиқ ва Узро”, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” ишқ дostonларидир, аммо уларда ишқнинг риёзат, жазба мақомларида турланиши ҳам ҳисобга олинмиши керак. Шарқ мумтоз адабиётида ишқий мавзудаги асарлар шу тариқа фарқли жиҳатларга эга бўлади, ҳар бири масалани ўзга бир руҳиятда ифодалаб беради. Юқорида айтганимиздек, Алишер Навоий “Наводир уш-шабоб” лирик девонида Фарҳод ва Мажнун тимсоллари орқали ишқнинг бошқа бир хусусиятини очиб беради. Унга кўра, “комил ишқ ошиқ элини гарчи уларнинг маъшуқаси армани ёки араб бўлса ҳам ёки Фарҳод ёки Мажнун қилади”. Албатта, бу ўринда “арман” этноси Ширинга (айримлар манбаларда Ширин насроний бўлганлиги қайд этилади), “араб” Лайлига нисбатан ишлатилганлиги маълум. Лекин иккинчи бир жиҳати ишқнинг умумбашарий

⁶⁴ Alisher Navoiy. To‘la asarlar to‘plami. Xazoyin ul-maoniy. Badoye’ ul-vasat. – T.: G‘afurG‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2012. –Б.764.

ходиса эканлигига урғу берилади. Худди шу сингари “Шайх Санъон қиссаси”да ҳам ишқ тарсо-насроний қиз билан содир бўлади ва комил ишққа айланади. Алишер Навоийнинг “Ғаройиб ус-сиғар” девонидаги “кўж” (эгилмоқ, букилмоқ) радифли ғазалида ҳам айни ишқ мавзусининг жозибадор талқини кашф этилади. Бунда ишқдан келиб чиқадиган “ғам юки” ижтимоий масалаларгача олиб чиқилади. Ушбу ғазал мажозий маънода таҳлил этилса ҳам, ирфоний талқин қилинса ҳам, чуқур ҳаётий ва фалсафий фикрлар ифодасини юзага чиқаради ва лирик қаҳрамон, Фарҳод, Мажнун тимсоллари талқинидаги ўзаро уйғун ҳақиқатларни очиб беришга хизмат қилади. Ушбу ғазал етти байт ўн тўрт мисрадан иборат бўлиб, жанрнинг классик намунаси ҳисобланади. Унга кўра, ғам юки ёлғиз мени эмас, балки Фарҳодни ҳам, Мажнунни ҳам бўйнини эгиб қўйгандир, Фарҳод ва Мажнуннингина эмас, балки маҳзуннинг ўзини қаддини ҳам улардан юз марта ортиқ ҳам қилиб қўйган бўлса ажаб эмасдир. Бу юк на Фарҳод, на Мажнун, на менинг қаддимни букиб қўйди, балки бутун гардуннинг ўзини эгиб қўйганлиги ростдир. Бутун гардун қаддини эгиб қўйган бу юк қандай юкдирки, уни гардун остидаги “нун” деб фикр қилсанг ҳам бўлади. Унинг ойдек юзидаги тим қора қоши нима учун эгик, агар у, яъни қора тусли (хиндуйи) гўзал қораликни унинг қора қошидан ўғриламаган бўлса. Агар эгриликда шуҳрат қозонмоқни истамасанг, бўйни эгилмаганлар хизматида қадди бенуқсон эгрини изламагин. Агар Навоий шоҳ хизматида боши эгик бўлса, ажабланмагинки, чунки Жамшид ва Афридунни (бу ўринда иккаласи ҳам машҳур Эрон шоҳларидан ҳисобланади) ҳам куллик қилдирган мана шудир (ғам дарди юкидир).

Ғам юки қилмайдурур ёлғуз мени маҳзунни кўж.

Ҳам бу юк қилмиш эди Фарҳод ила Мажнунни кўж.

Қилди чун Фарҳод ила Мажнун қадин ҳам, не ажаб

Юз аларча заъф ила гар қилса бу маҳзунни кўж.

Юк агар будур не Фарҳоду не Мажнуну не мен,

Рост, гар дерсен бу юк айлаб турур гардунни кўж.

*Ваҳ, не юкдур буки гардун қоматин кўж айлади,
Уйлаким гардуннинг остида кўрарсен «нун»ни кўж.*

*Юзи маҳтобида мушкин қоши невчун кўж эрур,
Ўғрилиқ гар қилмади ул ҳиндуйи мавзунни кўж.*

*Эғриликка шуҳра бўлмоқ истамассен, айлама
Аҳли исён хизматида қадди бенуқсонни кўж.*

*Гар Навоий кўж эрур шаҳ хизматида не ажаб,
Чунки қилмиш қуллуғи Жамшиду Афридунни кўж⁶⁵.*

Кўринадики, мазкур ғазалда шоир Фарҳод образининг янги бир талқин тармоғини яратади. Бунда бадиий фикр лирик қаҳрамон, Фарҳод, Мажнун, гардун, маъшуқа мушкин қоши, Жамшид, Афридун каби тимсолий ифодалар билан ойдинлашади. Бундай ранг-баранг талқин ва тавсифлар Алишер Навоий шеърлятида ниҳоятда кўп тасвирланади. Уларнинг ҳар бири Фарҳод тимсоли лирик талқинининг у ёки бу жиҳатини очиб бериш ва янги-янги бадиий-эстетик қарашларни юзага чиқаришга хизмат қилади. Шарк мумтоз шеърлятида самарали тасвирланган Фарҳод образи генезиси ва талқин этилиши анъаналари, шу билан бирга Алишер Навоий шеърлятида бу образнинг ифодаланиш хусусиятлари, трансформация жараёнида юзага келган ўзгаришлар, янгича руҳдаги талқинларини чуқур ёритиш муҳим илмий хулосалар чиқаришимизга имкон беради.

2.2.§.Алишер Навоий лирик шеърлятида Фарҳод тимсоли поэтик таҳлили

Алишер Навоий ижодида Фарҳод ва Ширин тимсоллари билан боғлиқ мавзу ўзи бир алоҳида ўрин эгаллайди. Бу масалага мурожаат этмаган ёки этмайдиган бирор бир мумтоз ижодкорни учратиб ҳам бўлмайди. Шарк адабиёти эпик-лирик талқинларида Фарҳод образи ниҳоятда сермахсул

⁶⁵ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Учинчи том. Ғаройиб ус-сиғар. – Тошкент: Фан, 1988. – Б.154.

поэтик тимсол ҳисобланади. Бу образнинг Шарқ мумтоз адабиётида ифода ва талқин миқёси ҳам ниҳоятда кенгдир. Унинг оғзаки адабиётдан ёзма ижодга, дoston-қиссалардан лирик шеърятга, воқеликдан ҳиссиётга кўчиш-ўзгариш (трансформация) жараёнларининг ўзи ғоят чуқур ва теран поэтик ҳодиса сифатида намоён бўлади. Бир сўз билан айтилганда, мумтоз адабиёт бадиий оламининг узоқ тарихий босқичларини айна мавзу ва образ талқини боғлаб туради. Шарқ адабиётида худди шундай образ-тимсоллар орқали сўз санъати ўзининг асл мумтозлик даражасини таъминлайди. Кейинги йиллар жаҳон филологик изланишларида мавзу ва образлар, сюжет ва тимсоллар трансформацияси масаласи илмий-назарий жиҳатлардан алоҳида поэтик ҳодиса сифатида баҳоланмоқда. Айниқса, антик ва анъанавий поэтик образлар, мотивлар трансформацияси хорижий ва рус адабиётшунослигида атрофлича ўрганилмоқда. Алишер Навоий шеърятда самарали кўлланилган ана шундай тимсоллардан бири эса Фарҳод образи саналади. Унинг шоир лирик девонларида ифодаланиш статистикаси уч юз атрофида бўлиб, ҳар бир ҳолатда ўзига хос поэтик маъно ва кўринишларни юзага келтиради. Мисол учун “Бадойиъ ул-бидоя” девонига назар ташланса, бунда Алишер Навоий Фарҳод тимсолига турли бадиий-рамзий ва структурал жиҳатлардан қирқ мартадан ортиқ мурожаат этади. Бу ўринда мумтоз адабиётда Фарҳод образининг этимологияси, хилма-хил шаклий-жанрий ва мазмуний ифодаларига кўра ўзгаришлари, ўзгартирилиши хусусида гап борадиган бўлса, образ трансформацияси ниҳоятда кенг миқёсда намоён бўлиши кўринади. Алишер Навоийнинг “Бадойиъ ул-бидоя” девонида мана шу тарихий босқичларни ўтаган бадиий образнинг поэтик жиҳатдан ранг-баранг ифодаларни юзага чиқариш омиллари ҳақида гап кетганда, айнан Фарҳод образининг эпик талқинлардан лирик ифодаларга кириб келиши ва мана шу жараёндаги ўзгаришлар, бу тимсолнинг бадиий тафаккурнинг барқарор ифодасига айланиши – буларнинг барчаси мумтоз адабиётнинг ўлмас анъана ва қонуниятлари орқали юз беради. Алишер Навоий “Бадойиъ ул-бидоя” лирик девонида тавсиф этилган Фарҳод тимсоли шаклий-

структуравий ва бадий жихатлардан рангин манзаралар ҳосил қилади. Мисол учун лирик девонда Фарҳод 14, Фарҳод ва Ширин 12, Фарҳоду Мажнун 19, Вомиқу Фарҳоду Мажнун 3, Вомиқу Фарҳод 2, Ширин 7 марта тилга олинади. Бундан шоир лирикасида Фарҳод тимсолининг Мажнун образи билан параллел тасвир этилиши анча самарали эканлиги кўринади. Шунингдек, Фарҳод ва Ширин тарзида талқини ҳам катта миқдорни ташкил қилмайди. Алишер Навоий девонида Фарҳод тимсоли яқка ҳолда келганда эса “Фарҳод ва Ширин” мавзусидаги бошқа тимсол ва мотивлар билан бирга кўлланиши намоён бўлади. Бироқ бунда барча тимсол-образлар рамзий маънолар англатишга хизмат қилади. Ушбу сатрларда Бесутун, Фарҳод, Қоф тимсоллари билан биргаликда ҳарф санъати (“нун”) ҳам иштирок этади.

*Бесутунгаким сутун Фарҳод бўлди қофи ишқ,
Ул сутунни Бесутун остидаги “нун” қилдило⁶⁶.*

Кўринадикки, Фарҳод образининг бадий тимсол сифатида лирикага кўчиш ҳодисаси шу мавзу билан боғлиқ бошқа образ-тимсолларни ҳам гарчи ўзга рамзий-мажозий оҳанглари ифодалаб келса-да, ўзи билан биргаликда кўчишини таъминлайди. Бунинг натижасида образ-тимсол маъноларида турфа ташқи ва ички, яъни зоҳирий ва ботиний талқинлар юзага чиқади. Жумладан, Бесутун – “бу қоя ривоят ва афсоналарда Фарҳод номи билан боғлиқ ҳолда тилга олинади. Фарҳод шу тоғ этакларида канал қазиган, тоғни кесиб йўл очган қаҳрамон сифатида тасвирланади”⁶⁷. Маълумки, Фарҳод оғзаки қиссалардан ёзма адабиётга кириб келган ва ҳазрат Алишер Навоий бадий тафаккури маҳсули ўлароқ бош қаҳрамон даражасида талқин этилган комил хилқат образидир. Қоф – “афсонавий тоғнинг номи”, “Ер сокинлигини таъминловчи қозик”, “Симурғ, Анқо каби афсонавий қушларнинг манзили, дунёнинг охириги нуқтасидир”, “тасаввуфда аҳли Қофни дилнинг ватани, жон қушининг манзили, Мутлақ ҳақиқат ва маърифатнинг мақоми, фанодан

⁶⁶ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Биринчи том. Бадойиъ ул-бидоя. – Тошкент: “Фан”, 1987. – Б.724.

⁶⁷ Навоий А. Қомусий луғат. 1 - жилд. – Тошкент: Шарқ, 2016. –Б.97.

кейинги бақо мақоми” деб ҳам талқин қилади⁶⁸. Ушбу шеърда ишқ тимсол эмас, балки семиотик нуқта, яъни асарнинг маъно маркази ҳисобланади. Энди байт мазмунига эътибор қаратайлик, кейин бошқа тимсоллар таърифига ўтамиз. Бу ўринда “ишқ қофи (ишқ тоғи), яъни Бесутунига Фарҳод сутун (устун) бўлди, шу устунни Бесутун остида “нун” қилдилар”. “Бе” ҳарфи тагида, “нун”нинг эса устида нуқта бўлади. Шунга кўра, лирик талқин бўйича Фарҳод ишқ устунни ҳисобланади. Демак, Фарҳод билан биргаликда тасвир этилган барча образ-тимсолларда ишқ ифодасини юзага чиқарувчи рамзийлик мавжуддир. Бу ҳолни Фарҳод ва Ширин параллел тасвир этилган сатрларда ҳам кўриш мумкин.

*Ваъдаи васл этса ул Ширин санам, ғам тоғини,
Қозгамен тирноғларимни тешайи Фарҳод этиб⁶⁹.*

Алишер Навоий “Бадойиъ ул-бидоя” лирик девонида бу жуфтликни бир ўринда талқин этилиш ҳодисаси ҳам жуда сермахсул эмасдек кўринади, бироқ одатда Фарҳод ҳақида гап кетганда Ширин ёки аксинча Ширин образи талқинида Фарҳодга ишора этилади, яъни бадиий матнларда ишқий жуфтликлар мантиқан айро англамайди. Масалан, ушбу мисраларда лирик қаҳрамон “агар у Ширинсифат маъшуқа васлини ваъда қилса, тирноқларимни Фарҳод тешаси қилиб бўлса-да, ғам тоғини қазаман”, – дейди. Бунда “ғам тоғи” рамзий равишда юқоридаги Бесутун, “ишқ қофи” сингари ишқ йўлида чекиладиган дардларни англатади. У қанчалик улкан бўлса ҳам, ошиқ уни забт этишдан толмайди, бу йўлдаги машаққат ошиқ учун мақсад-муддао саналади. Бу ўринда Фарҳод ва Ширин ҳам, шу сюжет билан боғлиқ бошқа деталлар (ғам тоғи, Фарҳод тешаси) ҳам бадиий образдан кўра, ошиқ-маъшуқа ифодасини юзага чиқарувчи бир рамзий тимсол бўлиб келмоқда. Бироқ бу манзарани ўзаро боғлайдиган умумнуқта сифатида ишқ мавзуси намоён бўлади. Алишер Навоий лирикасида бу мавзунинг шаклан “Фарҳоду Мажнун” тарзида келиши эса анча самаралидир. Масалан, шоир “Бадойиъ

⁶⁸ Алишер Навоий. Қомусий луғат. 1 - жилд. – Тошкент: Шарқ, 2016. –Б.145.

⁶⁹ Алишер Навоий. МАТ. Бадойиъ ул-бидоя. – Тошкент: “Фан”, 1987. –Б.72.

ул-бидоя” девонидаги бир ғазалида “ишқ мени Фарҳод ва Мажнуннинг балоу дардига ворис қилди”, яъни “мен Фарҳод ва Мажнунлардан қолган ишққа меросхўрман”, – дейди. Алишер Навоий бошқа ғазалида “тоғ” ва “дашт” ифодаси орқали лирик манзара яратади. Бунинг бири Фарҳод, иккинчиси Мажнун образлари кўчиш-ўзгаришлари билан боғланади.

*Қолди аввал тоғ аро Фарҳоду Мажнун дашт аро,
Ишқ йўлида манга икки ажаб йўлдош эрур*⁷⁰.

Бунда ишқ йўлида Фарҳоднинг “тоғ аро”, Мажнуннинг “дашт аро” қолиши лирик қаҳрамонга йўлдош бўла олмаслигида кўринади. Демак, шоир лирикасида ишқ мотивини ифодалашда “тоғ” ва “дашт” маконлари айнан Фарҳод, Мажнун воқелигига таянади. Бу мотивлар воқелик ифодасида образлар характерини рўёбга чиқарса, шоир лирикасида рамз тимсоли бўлиб келади. Алишер Навоий ва умуман мумтоз шеърятда тоғ, биёбон, сахро, водий, ғор, дашт сингари макон тасвирлари кўп учрайди. Уларни лирик талқинларда ифодалашда Фарҳод, Мажнун образларидаги тоғ, дашт мотивига мурожаат этилиши мазкур дostonларда айна маконлар муҳим поэтик вазифалар бажарганлигини ҳам билдиради. Алишер Навоий “Бадойиъ ул-бидоя”нинг бир ғазалида “адам водийси”ни тилга олади. Бизнинг фикримизча, бунда “адам водийси” орқали адабий воқелик ва образлар бир нуқтада жамланади. Чунки байтда Вомиқ, Фарҳод ва Мажнун тимсоллари бир ўринда келади. Бу образларни ғоявий-мантиқий боғлаш учун эса “адам водийси”га мурожаат этилади. Бу ўринда адам водийси – йўқлик диёри, ғулу – ғалва, хилват – холилик маъноларини ангалатади. Шунга кўра, лирик қаҳрамон адам водийсидан қочмоқ истайди, чунки оламига Вомиқ, Фарҳод, Мажнун кирганлиги етарлидир. Бошқача айтилганда, байт ошиқ кўнглида Вомиқ, Фарҳод, Мажнун дарди жой олса бўлди, адам водийси шарт эмас деган фикрни илгари сурмоқда. Шуни ўринда айтиш керакки, шоир лирикасида “Вомиқ ва Узро” мавзуси алоҳида бадий талқин ҳодисаси

⁷⁰ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Биринчи том. Бадойиъ ул-бидоя. – Тошкент: “Фан”, 1987. – Б.724.

ҳисобланади. У муайян маънода Алишер Навоий шеърятда Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун тимсол-образларидан кам бўлмаган ҳолда кенг қўлланади. Бироқ “Вомиқ ва Узро” сюжети “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” сингари Алишер Навоий ижодида янги рух, мазмун ва шаклларда ўз ифодасини топган мавзу эмаслиги маълум. Унинг генезиси Шарқ адабиётининг бошқа даври ва ижоди маҳсули саналади. Шундай бўлса-да, Вомиқ ва Узро Алишер Навоий ва умуман ўзбек мумтоз шеърятининг дилбар образларидан бирига айланган. Бу образларнинг мумтоз адабиётидаги трансформацияси ва поэтикасини ўрганишнинг ўзи алоҳида муаммо ҳисобланади. Маълумотларга кўра, “Вомиқ ва Узро муҳаббати фожеали тамом бўлган афсонавий севишганлар. Улар мумтоз шеърят, хусусан, Алишер Навоий лирикасида самарали талқин этилади. Айниқса, Узро гўзалликка махзар бўлиб ҳам келади. Бу сюжет паҳлавий адабиёт намунаси бўлиб, унинг илк қўлёмаси йўқолган, форс тилида Вомиқ ва Узро тарихини шоир Унсурий ишлаган ва кейинчалик Фасиҳий бу сюжет асосида асар яратганлигини айтиб ўтган эдик. Бу сюжет туркий шоирлар Биҳишти (XII аср), Ламей (XIII аср) томонидан ҳам дoston яратилишига асос бўлган. Тасаввуфда “Вомиқ ва Узро” мавзуси “мажоз ишқининг ҳақиқатга айланиши”га рамзи бўлиб келади⁷¹. Алишер Навоий шеърятда Вомиқ ва Узро тимсоллари кўп тасвирланади. Бу шоирни ушбу мавзу доимий қизиқтирганлиги ва у ҳақида чуқур тафаккур қилганлигини билдиради. Шу билан бирга Алишер Навоий лирикасида бу учлик тимсолларининг параллел тасвир этилиши шеър мазмун-моҳиятини ва унда ифода этилган дardни янада чуқурроқ асослашга хизмат қилади. Бизнинг фикримизча, ушбу шеърда шоир Фарҳод қиссасидаги айрилиқ мотивига урғу беради. Шу сабабдан байтда айнан Вомиқ, Мажнун, адам водийсига мурожаат қилинади. Шарқ адабиётида бу қаҳрамонлар билан боғлиқ воқеликлар бадий талқинида маъшуқалар (Узро, Ширин, Лайли) билан висол мавжуд дунёда

⁷¹ Қобилов У.У. Нубувват ва валоят терминлари қисқача изоҳли луғати. Монография.– Самарқанд: СамДУ нашри, 2019. .–Б.78.

содир бўлмайди, балки адам водийсига қолади. Бундан кўринадики, Алишер Навоий шеъриятида образлар трансформацияси ҳодисаси муайян маъноларда шу тимсоллар ифодасига тегишли бошқа поэтик масалаларни ҳам қамраб олади ва турфа рамзий-мажозий талқинларни юзага келтиради. Шоирнинг “Бадойиъ ул-бидоя” девонида Фарҳод баъзи ўринлардагина Вомиқ билан бирга тасвир этилади.

*Мен ўзга, Вомиқу Фарҳод ўзгадур, эй ишқ,
Танаъум аҳли аро эътибор қилма мени⁷².*

Ушбу байтда “танаъум аҳли”га (танаъум аҳли – луғавий маънода роҳат ва фароғатда яшамок) эътибор қаратилади. Бунда ниҳоятда нозик психологик-руҳий тасвир кузатилади. Одатда, “танаъум аҳли”, яъни роҳатда яшаётганлар бошқалар ҳаётига бепарво бўладилар. Худди шундай бепарволик мумтоз шеъриятда баъзан маъшуқага нисбатан ҳам ишлатилади. Ушбу байтда эса мана шу кишилик манзараси бошқа бир ҳолатни юзага чиқаради. Унда ишққа мурожаат этилиб, “эй ишқ, мен бошқа, Вомиқу Фарҳод бошқадир, мени “танаъум аҳли”дек тасаввур айламагин”, – дейди. Шеърда бир қараганда оддий лавҳа бўлиб кўринадиган ҳолат асли ниҳоят чуқур ва мураккаб масала талқинини ўзида жо этади. Бунда лирик қаҳрамон-ошиқ, Вомиқ, Фарҳод ишқ наздида ўзга оламдир, уларни ўзи фароғатда яшаб ўзгаларга парво қилмайдиганлар сингари бир нуқтаи назарда, эътиборда англаб бўлмайди. Маълумки, “Фарҳод ва Ширин” достонида ишқ мавзуси жўшқин бир мотив сифатида тасвир этилса-да, ундан асл мақсад ижтимоий масалалар (комиллик фалсафаси) талқини ҳисобланади. Бу ҳолат умуман бадиий ижоднинг қонуниятларидан саналади. Унга кўра, моҳиятда ижтимоий ёки фалсафий масалалар талқини етакчилик қиладию, бироқ ишқ-муҳаббат мавзуси асар поэтик оламини ёритиб туради. Шу нуқтаи назардан Алишер Навоий лирикасида Фарҳод образи трансформациясида ҳам ғоявий жиҳатдан ишқ масаласига таянилади. Бундан кўринадики, шоир шеъриятида Фарҳод

⁷² Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Биринчи том. Бадойиъ ул-бидоя. – Тошкент: “Фан”, 1987. – Б.724.

тимсоли асосан ишқ мавзуси талқинида ғоявий-бадий жихатлардан тўлик ўзгариб боради ёки ўзгартирилади. Алишер Навоий шеъриятида Ширин тимсоли якка ҳолда камдан-кам ишлатилади, қўлланилган ўринларда ҳам Фарҳод билан бирга келади. Мисол учун қуйидаги шеърда кўнгилга мурожаат этилиб, у Ширинни ҳавас қилган Фарҳодга ўхшатилади.

*Лаъли шавқидинки ғам тоғин қозарсен, эй кўнгул,
Не бало Ширин ҳаваслиқ нотавон Фарҳодсен*⁷³.

Шарқ мумтоз шеъриятида, хусусан, Алишер Навоий лирикасида кўнгил тимсоли энг сермахсул образлардан ҳисобланади. Бироқ уни тавсифлашда Фарҳод сингари образлардан фойдаланиш тажрибаси ҳам кам кузатиладиган ҳодисадир. Алишер Навоий ушбу мисраларида мана шундай бадий усулдан фойдаланади. Бундан кўринадики, шоир шеъриятида айрим ўринларда Фарҳод образи кўнгил тимсолига кўчади, яъни трансформация этилади. Шунга кўра, байтда “эй кўнгил, сен ёрнинг лаълидан, пурҳикмат сўзларидан завқ олиб ғам тоғини қозасан, бу билан сен Ширинни ҳавас қилган Фарҳод кабидирсан”, – дейилади. Бошқача хил қилиб айтилганда, маъшуқа сўзларидан мақсад Ширин бўлса, кўнгилдан мурод Фарҳоддир. Айтиш жоизки, бундай ўринларда Фарҳод ва Ширин алоҳида тимсоллар сифатида эмас, балки ташбиҳ-тамсил учун поэтик вазифа бажаради. Асарда асосий бадий юк кўнгил образи орқали ифодаланади. Мутафаккир шоир Алишер Навоий Фарҳод, Вомиқ, Мажнун тимсоллари келтирилган бошқа бир ғазалида ҳам кўнгилга мурожаат этади. Бунда шоир “эй кўнгил, сен ғофил бўлмагинки, Фарҳод, Вомиқ ва Мажнун каби ҳамроҳлар кетдилар”, – деган маънода фикр юритганлиги кўринади.

*Эй кўнгул, Фарҳод ила Вомиқ доғи Мажнун қани?
Бўлмагил ғофилки бир-бир бордилар ҳамроҳлар*⁷⁴.

Ушбу ўринда “бордилар” сўзига алоҳида эътибор бериш керак, чунки бу тушунча байтнинг ҳам, “Фарҳод ва Ширин”, “Вомиқ ва Узро”, “Лайли ва

⁷³ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Биринчи том. Бадойиё ул-бидоя. – Тошкент: “Фан”, 1987. – Б.558.

⁷⁴ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Биринчи том. Бадойиё ул-бидоя. – Тошкент: “Фан”, 1987. – Б.137.

Мажнун” дostonларининг ҳам ўзак масалаларидан саналади. Маълумки, ушбу ишқ жуфтликлари асар сўнгида қаҳрамонлар ҳалок бўлиши билан яқунланади. Аслида Шарқ фалсафасига биноан, ўткинчи оламдаги айрилиқлар абадий дунёдаги висолга йўл очади. Шу боис мумтоз адабиётимизда “вафот этмоқ”, “ўлмоқ” иборалари деярли қўлланмайди. Унинг ўрнига “кетмоқ”, “бормоқ”, “равона бўлмоқ” сингари тушунчалар ишлатилади. Алишер Навоий ҳам мана шу қоидага амал қилиб, Фарҳоднинг Ширин билан, Вомиқнинг Узро билан, Мажнуннинг Лайли билан кетма-кет “борганлигига” ишора қилапти. Бунда шоир “ҳамроҳлар” деганда шу ишқий жуфтликларни назарда тутган бўлса, “бордилар” деганда уларнинг ҳақиқий ишқ оламига кетганликларига ишора сезилади. Шунинг учун Алишер Навоий кўнгилни ғафлатда қолмасликка, ҳар доим бедор бўлишга чақиради. Шунини қайд этиш керак, Алишер Навоий шеъриятида Фарҳод шу сюжетда мавжуд бўлган бошқа характерлар билан ҳам унча самарали бўлмаса-да, ўзаро параллел тасвир этилган ўринлар кўзга ташланади. Масалан бир байтда шоир Хусравшоҳ образини келтиради.

Кўҳи дарду тешайи ҳижронни сўр Фарҳоддин,

*Англамас Хусравки, Ширин бирладур дойим била*⁷⁵.

Шоир Хусрав ёки шу тимсол орқали ишқ дардини англамайдиган инсонларга таъна қилмоқда. Гап шундаки, Хусрав “Фарҳод ва Ширин” дostonи образларидан биридир. Ҳатто ҳазрат Алишер Навоийдан олдинги дostonларда бош қаҳрамон ҳисобланади, Фарҳод эса бевосита шоир бадий тафаккури маҳсули ўлароқ бадий адабиётнинг етакчи қаҳрамонига айланади. Шундан Алишер Навоийгача бўлган мумтоз адабиёт ва шеърят намуналарида Хусрав ва Ширин тилга олинади. Хуллас, шоир лирикаси ва умуман мумтоз адабиётда Фарҳод образи келтирилганда, албатта, Хусрав ҳам эътибордан четда қолмайди. Мазкур байтда эса шоир “тоғдай оғир дарду айрилиқ тешаси жабрини тортиб ҳам хаёли ҳар доим Ширинда бўлган

⁷⁵ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Биринчи том. Бадойиъ ул-бидоя. – Тошкент: “Фан”, 1987. – Б.645.

Фарҳод ҳолини Хусравга ўхшашлар англамаслигини” таъкидламоқда. Бу шеър мазмунан бир томондан “Фарҳод ва Ширин” достони ғоясига ҳамоҳангдир. Чунки, дostonда ҳам Хусрав худбин ва жоҳил кимса сифатида тасвир этилади, байтда шу мазмун лирик ифодаси ўлароқ Хусрав ва унга ўхшаган ишқ илмидан йироқ кимсаларга таъна-маломат оҳанглари бўртиб туради. Алишер Навоий шеърятти, хусусан, “Бадойиъ ул-бидоя” девонида образ-тимсол трансформацион ҳодисаси ўзига хос бир поэтик муаммо сифатида тадқиқ этишни талаб қилади. Унда Фарҳод тимсоли орқали ифодаланган ғоявий-бадий манзаралар ниҳоятда жозибатордир. Шу билан бирга бу манзаралар мумтоз шеърятда образ-тимсол трансформациясидаги ўзига хосликлар ва унинг бадий-эстетик хусусиятлари ва қонуниятларини теран очиб беради.

Жаҳон бадий-эстетик тафаккури тараққиётида Алишер Навоий ижоди, шахсияти алоҳида ўринда туради. Айниқса, шарқона мумтоз шеърят Алишер Навоий сиймосида юксак чўққига кўтарилди. Шоир қаламига мансуб лирик девонлар шаклий-жанрий ва мазмуний-ғоявий жиҳатлардан нафақат ўзбек, балки дунё адабиётининг нодир намуналари ҳисобланади. Алишер Навоий шеъряттида шарқона анъаналар ниҳоятда юксак бадий жозоба билан талқин этилади. Шоир қай жанр ёки тимсол орқали ўз бадий-эстетик қарашларини ифодаламасин, унда шу жанр ва тимсол мукамал ҳодисага айланади. Ушбу фикрни Алишер Навоий “Фавойид ул-кибар” шеърлар девонида тасвирланган Фарҳод образи талқини хусусида ҳам айтиш мумкин. Алишер Навоий барча лирик девонларида ва умуман мумтоз шеърятда “Фарҳод ва Ширин” мавзуси талқини сермахсул ўрин эгаллайди. Бу айнан лирик талқинлар туфайли Фарҳод ва Ширин образлари халқ онги ва тафаккурида безавол ишқий ифода-тимсолларига айланган деган хулоса чиқаришга имкон беради. Худди шу фикрни Алишер Навоийнинг “Фавойид ул-кибар”и ҳам исбот этади. Унда 50 га яқин ўринда Фарҳод ва Ширин тимсолларига мурожаат этилади. Шоир девонида бу тимсол-образлар ҳам шаклан, ҳам мазмунан ранг-баранг ифода ва тасвирларни юзага чиқаришга

хизмат қилади. Бунда Фарҳод 9, Ширин 3, Фарҳод ва Ширин 10, Фарҳод, Ширин, Лайли, Мажнун биргаликда 6, Фарҳод ва Мажнун эса 22 марта тилга олинади. Мана шу маълумотларнинг ўзи ҳам кўрсатадики, Алишер Навоий лирик девонларида Фарҳод образи тасвири манзаралари шаклий жиҳатлардан ўзига хосликларга эга бўлиб келади. Айни вақтда бу тимсол мазмун-моҳиятида лирик қаҳрамон ички туйғулари ифодаси билан боғлиқ турфа мажозий-ирфоний мавзулар талқини рўёбга чиқарилади. Шунга кўра ушбу фаслда Алишер Навоий “Фавойид ул-кибар” асарида Фарҳод образи талқинининг ранг-баранг маъноларда ифодаланиш хусусиятларини ёритишга ҳаракат қилдик. Алишер Навоийнинг “Фавойид ул-кибар” лирик девонида кўлам нуқтаи назаридан Фарҳод образининг алоҳида ҳолда тасвир этилиши анъанаси у қадар самарали эмаслигини кўриб ўтдик. Бу ҳолат образ талқини борасидаги мазмуний ва ғоявий ифодалар, бадий манзара кашфиётларига тааллуқли эмас, албатта. Чунки бу каби тимсоллар мумтоз шеърятда атиги бир марта қўлланилса ҳам, бутун бир воқелик тарихини лирик қаҳрамон кечинмаларига боғлайди. Мана шунинг ўзиёқ образ-тимсол ёки адабий воқеликнинг эпик пландан лирик ифодага кўчишидаги муҳим вазифани бажаради. Иккинчи томондан Фарҳод сингари сермаҳсул тимсоллар ифодалаган мажозий-ирфоний қарашлар эса бутун мумтоз шеърят поэтик олами ранг-баранглигини таъминлайди. Гап шундаки, Навоий лирикасида Фарҳод тимсоли якка ҳолда қўлланилганда ҳам бирор воқелик асосида поэтик фикр илгари сурилади ва кўп ўринларда *“Фарҳоднинг теша билан тоғ қазиши”* манзараси рамзий лирик ифодаларга айланади. Алишер Навоий “Бадоеъ ул-васат” девонида бир ўринда *“Не чоғлиг тошким Фарҳод ушотти, Фалак борин йиғиб бошимга отти”*, –дейди⁷⁶. Гап шундаки, айни манзара “Фарҳод қиссаси” таърифидаги барча асарлардан ўрин олган бўлиб, бир жиҳатдан Фарҳоднинг бадий образ сифатида тасвирланишига ҳам замин яратган мотивлардан деб билишимиз мумкин бўлади. Чунки Фарҳодни

⁷⁶ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Бешинчи том. Хазойин ул-маоний. Бадоеъ ул-васат. – Тошкент: Фан, 1988. –Б.627.

меҳнат култи билан боғлаб таъриф этган қарашларда ҳам айни манзара тилга олинади ва балки унинг тарихийлиги ҳам шунда кўринади. Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонида ушбу масала XXX-XXXI боблар давомида келтирилади. Бунда биринчи ҳолатда: *“Фарҳоднинг Шопур даштпаймолиги, балки раҳнамолиги била Яман мулкидин Арман кишварига азимат қилғони ва Арманнинг Эрамосо сабза ва раёҳинидин гунчадек кўнгли гул-гул очилғони ва Армания тоғи камарида **хоро қозодургон** эл ажзин кўриб ул кайфиятин сўриб **хоро қозорга камар чуст этғони** ва бу хабарнинг чусту ширин Меҳинбону била Ширинга етғони”*⁷⁷ хабар қилинса, иккинчи ҳолатда: *“Фарҳоднинг тешаси тошни пора-пора қилмоғ била тоғ бағрига ков-ков солгон садони Ширин эшитғони ва қуёш тоғдин тулу қилгондек ул кўҳи бало сарвақтига етғони ва қуёш тупроққа нур сочқондек ул хокийга меҳр зоҳир қилғоч, анинг туфроғдоғилардек ўзидин кетғони ва умри қуёши бошига келгач анинг ҳаёти шамъи ўчғонига Шопурнинг шамъдек куйуб йиглаб бошига ўт чиқорғони ва ўлукни маҳдга солгондек ул қуёш они туфроғидин кўтариб биҳиштосо манзилига олиб борғони”*⁷⁸ ҳақида сўз боради. Чунончи, “Айн ул-ҳаёт” (ҳаёт булоғи, шоир таърифича, Ширин келиб кўнгил очиб кетадиган булоқ), “Баҳр ун-нажот” (нажот денгизи, Фарҳоднинг Ширин учун қазиган катта ҳовузнинг номи) Фарҳод меҳнати маҳсулидир. Достон бобларида Фарҳоднинг заҳматли меҳнати жонли руҳда тасвирланади. Фарҳод: *“Хунарни асрабон неткумдур охир, Олиб туфроққаму кеткумдур охир?!”* – деб ўз ишини бошлайди:

*Темирчидин тилаб дам бирла кўра,
Белига боғлабон чармин танура.
Дам учин кўрага чун маҳкам этти,
Равон тўкти кўмир, доғи дам этти.
Кўмурни қилди, чун ахгар неким бор,*

⁷⁷ Alisher Navoiy. To‘la asarlar to‘plami. Farhod va Shirin. – Toshkent: O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligi G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2012. –Б.502.

⁷⁸ Farhod va Shirin. – Toshkent: O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligi G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2012. –Б.512.

*Тилаб метину теша ҳарнеким бор.
Солиб ахгар аро борин қизитти,
Неча афзор қилди чун эритти.
Ҳар ўн-ўн бешни бир метин қилиб руст,
Яна ҳам ончани бир тешаи чуст.
Неча гурза, неча сунбода айлаб,
Камар қозмоқ ишин омода айлаб.
Ниҳоний борчага андоғ су берди,
Ки, Қорондин ниҳон ўрганмиш эрди.
Тараддудга солиб они бу аҳвол,
Улусни гирдида ҳайрат қилиб лол.
Саволе айлай олмай кимса бир сўз,
Шукуҳидин тикиб бори анга кўз.
Чу холи айлади афзордин эл,
Равон хоро кесарга боғлади бел.
Кириб ориққа қозмоқ айлади майл,
Қозобошлади қумни ўйлаким сел.
Кесиб ҳар тешаси қилғоч хороши,
Фалак пили юкидек пора тоши.
Чу метин зарбидин айлаб ситеза,
Қатик хорони айлаб реза-реза.
Анингдек тешадин секриб ушоқ тош,
Ки, нозир бир йиғочдин қочуруб бош.
Учуб етканда зарби дасти онинг,
Ки, бориб ўн йиғоч фаррасти онинг.
Ҳамул кун – ўқ далери хорабур гов,
Муҳайё қилди хоро ичра бир нов.
Ки, уч йил икки юз хоробур устод,
Ола олмай ҳам онча хородин дод.
Ҳунар мундоғ чу зоҳир айлади кўб,*

*Тушуб ул тоғ аро эл ичра бир ошуб.
Бўлуб ҳам коргар, ҳам корфармой,
Меҳинбону қошига даштпаймой.
Ки, қилгайлар бу ишким кўрдилар нақл,
Инонмас гарчи они кўрмайин ақл.
Кетур соқий, манга ул лаъли рангин,
Ки, тушти гам юки кўнглимга сангин.
Анингдек майки, чун озгимга еткай,
Ичимда дарду гам тошим эруткай⁷⁹.*

Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонидаги ушбу тасвирлар шоир лирикасида мажозий-рамзий ифодаларга айланади. Агар дostonда тасвир этилган меҳнат манзараси Фарҳод характери орқали мислсиз қаҳрамон тимсолини яратса, мумтоз шеърятда рубобий қаҳрамон туйғуларида, кўнгил кечинмаларида ишқ туфайли юзага келган захмат мотивини яратади. Бундан кўринадики, Фарҳод тимсолининг меҳнат култи билан боғлаб талқин этилган тасаввурлар эпик талқинларда, ва хусусан, лирик ифодаларда ҳам ўз аксини топган. Худди шу мотив талқини Фарҳод бадий тимсоли трансформациясида эпик ва лирик талқинлари учун ҳам кўприк бўлиб хизмат этганлиги намоён бўлади. Масалан, қуйидаги байтда шоир кўнгилга мурожаат этиб, “агар Фарҳод тоғни теша билан қазган бўлса, мен тирноқ билан қазаман” дейди ва меҳнат қилишда лирик қаҳрамон ўзини Фарҳод билан тенглаштирамаслигини айтади.

*Теша бирла қозди тоғ Фарҳод-у мен тирноғ ила,
Эй кўнгул, меҳнат чекарда дема они мен киби⁸⁰.*

Албатта, бу ўринда поэтик фикр “меҳнат” тушунчаси орқали юзага чиқарилади. Байт ички маъно жиҳатдан Фарҳод ва кўнгил тимсоллари орқали боғланади. Шоир талқинига кўра, Фарҳод жафокаш шахс, унинг оғир меҳнати жисмонийдир. Лекин кўнгил меҳнати бу жисмоний бўлмайди, бунда

⁷⁹ Шу манба, -Б.510-511.

⁸⁰ Alisher Navoiy. To‘la asarlar to‘plami. To‘rtinchi jild. Xazoyin ul-maoniy. Favoyid ul-kibar. – Toshkent: O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligi G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2012. Б.840.

“меҳнат” ўзга маъно ифодалайди, яъни “дард”ни англатади. Шунинг учун шоир “тешада тоғни қазिश” билан “тирноқ билан тоғни қазिश”ни параллел кўяди, ишқ дардида чекилган “ғам” пафосини яратади. Шоир “Наводир уш-шабоб” девонида ишқ ошиқнинг қони тўкилишига сабаб бўлганлигини айтади. Энди Фарҳод билан Мажнун келсалар ҳам фойдаси йўқлигига таъна қилади. Бу сатрларда ишқ туфайли ҳалок бўлган Фарҳод ва Мажнун ошиқ қаҳрамонга ўхшатма тарзида берилмоқдаки, бу ўринда масала Алишер Навоий бошқа бир асариде таъкидлаганидек, “ишқнинг даъвоси висол” фалафасига монанд фикр илгари сурилади.

Беғунаҳ қонимни тўкти ишқ эмди не осиз,

*Келсалар Фарҳод ила Мажнун анга билдурғали*⁸¹.

Алишер Навоий шеъриятида Фарҳод ва кўнгил мутаносиблиги доимий мавзулардан ҳисобланади. Шунга биноан уни шоир лирикасида Фарҳод образи бажарган бадий функциялардан бири сифатида эътироф этиш мумкин бўлади. Мазкур мисраларда шоир “Фарҳод кўнгил” иборасини тўғридан тўғри ишлатади, яъни кўнгилнинг фарҳодсифатлилигига урғу беради.

Бошогингнинг темирин теша ясаб оҳ ўтидин,

*Ғусса тоғини қозар ўйлаки Фарҳод кўнгул*⁸².

Унда шеърнинг ташқи мазмунига қаралса, темирнинг ўткир учини “оҳ” ўтига тоблаб теша ясаш ва у билан “ғам тоғи”ни қазिश масаласи талқин этилади. Ушбу поэтик воқелик кўнгилнинг Фарҳодлигини билдириши айтилади. Байт ички маъноси ҳам ана шу манзара талқинидан келиб чиқади ва кўнгилнинг ишқ ўтида тобланишига тамсил қилинади. Мазмунан худди шу каби тасвирлар Алишер Навоий шеъриятида кўп учрайди. Масалан, шоир “Фавойид ул-кибар”даги бир ғазалининг мақтасида “Фарҳод тешаси ғам

⁸¹ Alisher Navoiy. To‘la asarlar to‘plami. Ikkinchi jild. Xazoyin ul-maoniy. Navodir ush-shabob. – Toshkent: O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligi **G‘afur** G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2012. . Б.768.

⁸² Alisher Navoiy. To‘la asarlar to‘plami. To‘rtinchi jild. Xazoyin ul-maoniy. Favoyid ul-kibar. – Toshkent: O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligi **G‘afur** G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2012. Б.840.

тоғини қазиши” рамзий ифодасини “кўксини тирноқ билан тирнаш” лавҳасига менгзайди.

*Навоий, дегасен ғам тоғи қозмиш тешаи Фарҳод,
Кўруб кўксумдаги тирноғ ила қилгон харошимни*⁸³.

Бу мисраларда ҳам ички ва ташқи, зоҳирий ва ботиний маъно оқимлари мавжуд бўлиб, ташқи ифодадаги эпик воқелик ички талқинда кўнгилинг ишқ дардидда ўртанишини англатади. Кўринадики, Фарҳод ёки бу тимсол тавсифи билан боғлиқ лавҳа-деталлар лирик туйғулар ифодаси учун рамзий-мажозий маънода турфа поэтик манзаралар яратишга хизмат қилади. Алишер Навоий ҳатто бир ўринда “Мен ўзга” ва “Фарҳод ўзга” эканлигини ҳам қайд қилиб ўтади. Бунда “Мен” шоир лирик қаҳрамони бўлса, “Фарҳод” ўша машҳур афсонавий адабий қаҳрамон ҳисобланади. Демак, шоир ҳар доим ҳам лирик тасвирда Фарҳод тимсолини рубобий образ кечинмалари билан қориштириб юбормайди, балки уни дилларни мафтун этган тарихий образ сифатида ҳам қолдиради. Буни ушбу мисралар исбот қилади. Унга кўра, ишқ бобида лирик қаҳрамон бошқа шахс, Фарҳод ўзга сиймодир. Лирик қаҳрамон ғам тешаси билан тоғ бағрини вайрон қилувчи, Фарҳод эса тешаси билан тоғни қазувчи бир инсондир. Яъни Фарҳод тоғни қазиб, сув чиқарса, лирик тимсол ишқ тоғини қазиб, висолга интилади. Ёки бошқа бир ғазалда шоир Бесутун тоғини ғам тоғи сифатида тасвирлайди ва уни қазиш учун савсан барги эмас, балки Фарҳод тешаси зарурлиги уқтирилади.

*Ишқ аро мен ўзга, Фарҳод ўзгадур, эй дўстлар,
Тешаи ғам бирла мен тоғ бағрин афгор айламон*⁸⁴.

* * *

*Қозғали ғам Бесутун тоғин Навоий илгида,
Ваҳки, савсан барги эрмас, тешаи Фарҳод эрур*⁸⁵.

Кўринадики, Алишер Навоий шеъриятида Фарҳод тимсолига мурожаат этилганда “теша” муҳим бадий детал вазифасини бажаради ва чуқур рамзий

⁸³ Шу манба, Б.599.

⁸⁴ Шу манба, Б.481.

⁸⁵ Шу манба, Б.194.

ифодаларни вужудга келтиради. Айнан шу тимсол билан боғлиқ Ширин образи тасвир этилганда бошқа поэтик фикрлар ўртага ташланади. Масалан, бир байтда Ширин билан биргаликда Лайли тимсоли ҳам тасвир этилади. Унда бу тимсоллар макони бўлган Ажам ва Араб тилга олинганлиги эътиборни тортади. Бунда гарчи Шириннинг Ажам, Лайлининг Араб ўлкасидан эканлиги назарда тутилган бўлса-да, шоир гўё дунёвий оламнинг барча тарафларига ишора этади. Шунинг учун Ширин ва Лайли келиб сенга (махбуба) хайрон қолди, гарчи бу икковига бутун Ажам ва Араб эли ҳасратда қолган бўлса ҳам деган фикрни илгари суради. Яъни “бутун олам хайратда қолган Ширин ва Лайли сени кўриб, уларнинг ўзлари хайрон қолдилар”, – дейди. Албатта, Ширин ва Лайли ҳақида фикр юритилганда Фарҳод ва Мажнун хотирга келади, бу икки жуфтлик биргаликдагина мавзу яхлитлиги, моҳият бирлигини юзага келтира олади. Шу билан бирга шеърятда Ширин тимсоли лабнинг ширинлиги, яъни илоҳий сўзлар пурмаънолилигига ҳам ташбиҳ этилади.

Келди Ширин била Лайли санга хайрон, гарчи

Бу икав ҳасратида эрди Ажам бирла Араб⁸⁶.

Шуни инобатга олиш керакки, Ширин тасвирланганда Фарҳод, Лайли ифодаланганда Мажнун тимсоли ягона ғоявий-бадий мантиқ атрофида бирлашади, бир мавзу ва талқинни яратади. Алишер Навоий баъзан бу ишқ афсоналари қаҳрамонларини биргаликда тасвир қилади. Бунда ҳам маъно боғлиқлиги ушбу жуфтликлар ичра юз беради ва поэтик фикр ўзга туйғуларга қаратилган бўлса-да, тимсоллар бир-бирин тақозо қилади. Шоир фикрича, Фарҳод ва Мажнунни сайд этишнинг ажабланарли жойи йўқ, гап Ширин билан Лайлини овлашдадир. Бу ўринда ошиқлик эмас, балки маъшуқалик муҳимлигига эътибор қаратилади. Ёки бошқа сатрларда рубобий қаҳрамон “Лайли ва Ширин зулм-у кинни сендан ўрганса бўлгани каби, ишқни Мажнун билан Фарҳод менадан ўрганса бўлади” – дейди. Бунда, албатта, бу тимсоллар ишқ туфайли келадиган дард ва ишққа садоқат

⁸⁶ Шу манба, Б.45.

ифодаларини билдиради. Ёхуд яна бир ғазалида шоир лирик қаҳрамони ўз ёрининг Ширин ва Лайлидек бўлишидан ажабланмайди, чунки унинг ўзи Фарҳод ва Мажнунсифат кимса эканлигига шубҳа қилмайди.

*Йўқ ажаб Фарҳод ила Мажнунни худ сайд этмакин,
Турфа будурким, қилиб Ширин била Лайлони сайд*⁸⁷.

* * *

*Сендин ўранган киби Лайли-ю Ширин зулм-у кин,
Мендин ўрганмак керак Мажнун билан Фарҳод ишқ*⁸⁸.

* * *

*Чун Навоий ёридур Ширин-у Лайлидек, не тонг
Айласа Фаҳодвашлиз, йўқса Мажнунворлиг*⁸⁹.

Алишер Навоийнинг “Фавойид ул-кибар” ва умуман барча лирик девонларида Фарҳод тимсоли асосан ғазал жанри байтларида тасвир этилади. Бироқ айрим ҳолатларда бошқа лирик жанрларда ҳам бу тимсол тасвири учраб туради. Мисол учун шоир бир мухаммасида айни тимсоллар орқали поэтик ифода юзага чиқарилганлиги кўринадиган ва бундай ҳодиса жуда кам кўзга ташланади. Муҳаммас поэтик қурилишига эътибор қаратилса, унда тимсоллар ҳам, матн лексикаси ҳам, шеър бадиияти ва мазмуни ҳам шу образлар тасвири мотиви билан безанганлиги намоён бўлади. Унда “Чин суратгари”, “наққош”, “Ширин”, “Фарҳод”, “ҳажр”, “тоғ”, “қушлар”, “Мажнун” – буларнинг барчаси Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун қиссалари руҳини англатувчи тушунча ва ифодалар ҳисобланади. Бу ҳолат шарқона шеърят поэтикасида таносуб-мутаносуб санъати деб юритилади. Мусаддас мазмун жиҳатдан ошиқнинг маъшуқага ишқий розини билдиради, поэтик фикр учинчи шахс кузатишлари фонида очилади. Унга кўра, “агар Чин суратчиси жамолингни кўришга келса, у суратинг нақшини кўрган захотиёқ жонфидо қилади, чунки лабинг лоладир, унинг ширинлиги Ширин, қизиллиги Фарҳоднинг қонли ёшидир, у ҳижрон тоғу тошига ғарқ бўлади.

⁸⁷ Шу манба, —Б.119.

⁸⁸ Шу манба, —Б.316.

⁸⁹ Шу манба, —Б.295.

Сарвдек қоматингдан ҳайрон қолади ва бу Мажнун устига қушлар ошён кўргандек тассаввур беради”. Бу ўринда юқорида айтилганидек Ширин – лаб ширинлигига, Фарҳод кўз ёши – лола рангига, Мажнун – ошиққа тамсилий ифода бўлиб келмоқдадир. Асл ҳақиқат эса ишқ сурати ва сийрати таърифига бағишланади.

*Келса Чин суратгари бир дам жамолинг қошига,
Жон фидо қилгай ҳамул дам суратинг наққошига,
Лоладур Ширин лабинг, Фарҳодким, қон ёшига,
Фарқ ўлуб, тушмуш гузори ҳажр тоғ-у тошига,
Сарв анингдек қоматинг ҳайронидурким, бошига,
Қилди қушлар ошиён, андоқки Мажнун устина⁹⁰.*

Кўриб ўтганимиздек, Алишер Навоий “Фавойид ул-кибар” девонида Фарҳод тимсолининг Мажнун билан параллел тасвир этилиши бу борадаги энг маҳсулдор жиҳат ҳисобланади. Бунда ошиқ ҳолатининг бўрттирилиши, ишқ мавзусининг янада ёрқин бўёқларда талқин этилиши кузатилади. Аввалига лирик тимсол руҳиятини бир ишқ қиссаси (Фарҳод қиссаси) тамсил билан ифодалаган бўлса, энди иккита ишқ қиссаси (Мажнун қиссаси ҳам) билан бир мотив кучайтирилади. Масалан, шоирнинг бир шеърида лирик қаҳрамони ишқда чеккан машаққатини Фарҳод билан Мажнун ранжига тенглаштиришини, дард ва ҳижрон бисотини тоғ билан сахрога менгзашини айтади. Гап “тоғ” ҳақида борганда, Фарҳод, “сахро” тўғрисида фикр юритилганда, Мажнун қиссаси ишқ аҳли эътиборини ўзига тортади. Буларга лирик қаҳрамон кечинмалари акси ўлароқ “ишқ”, “ранж”, “дард”, “ҳажр” ифодалари мантиқий жиҳатдан юксак маҳорат билан боғланади ва натижада ошиқ зоҳирий-ботиний туйғуларини англаувчи ниҳоятда жозибадор поэтик манзара ҳосил бўлади.

*Ранжи ишқимни денгиз Фарҳод-у Мажнун бирла тенг,
Дард ила ҳажрим бисотин тоғ ила ҳомун денгиз⁹¹.*

⁹⁰ Шу манба, —Б.840.3.

⁹¹ Шу манба, —Б.121.4.

Шу ўринда айтиш лозимки, Навоий лирикасида Фарҳод ва Мажнун тимсоллари мувозий тасвирланишидаги масалалардан бири лирик қаҳрамон, лирик “мен” ва шоир шахсияти масалаларида намоён бўлади. Бунда шоир – лирик қаҳрамон кўп ўринларда ўз ишқи хусусида фикр юритади. Бу нуқтаи назардан Аристотелнинг “Шоир ривоятни тартибга солиб ва уни сўз билан ифодалаётганида, иложи борича, воқеаларни кўз ўнгида жонли тасаввур қилиши керак: ана шунда шоир гўё воқеаларда ўзи қатнашгандай бўлади, барча зарур тасвирларни излаб топади ва ҳеч қандай мантиқсизликка йўл қўймайди”⁹², – деган фикри асослидир. Масалан, бир байтда шоир “агар Фарҳод ва Мажнун қиссаларидан кўнглингиз совиса, мени ишқдаги ўтлук дostonимни ўқинг (тиланг)”, – деган фикрни айтади // *Совуса Фарҳод-у Мажнун қиссасидин кўнглунгуз, Бас, менинг ишқ ичра ўтлук дostonимни тиланг*⁹³//. Ёхуд бошқа бир шеърда шоир ўзига мурожаат қилиб “Эй Навоий, менинг ишқ дostonим воқелиқдир, ҳақиқатдир. Унинг қошида Фарҳод ва Мажнун қиссалари бир афсона, холос”, – дейди // *Эй Навоий, сўзла воқи дostonим ишқ аро, Ким бу дам Фарҳоду Мажнун қиссаси афсонадур*⁹⁴//.

Шу сингари “Фавойид ул-кибар” девони яна бир ғазалида “агар ишқ Фарҳодни тоғ, Мажнуни дашт ичра сарсон қилган бўлса, мени жумлаи жаҳонаро расво қилди”, – дейди // *Тоғ аро Фарҳод-у дашт ичра солиб Мажнунни ишқ, Кимни мендек жумлаи оламда расво айламин*⁹⁵//. Алишер Навоий айни мисраларга ҳамоҳанг тарзда бошқа бир байтида “кимки мени бало тоғида ва савдо даштида кўриб қолса, Фарҳод ва Мажнун ҳолига ҳайратланмай қўяди”, – деган фикрни билдиради // *Ким мени кўрса бало тоғи-ю савдо даштида, Ҳайрат айлаб боқмағай Фарҳод ила Мажнун сари*⁹⁶//.

Ушбу байтда лирик қаҳрамон “ишқ ранжимни Фарҳод ва Мажнунга, дард ва ҳажр бойлигимни эса тоғ ва саҳрога тенглаштиринг” // *Ранжи ишқимни денгиз Фарҳоду Мажнун бирла тенг, Дард ила ҳажрим бисотин тоғ ила*

⁹² Аристотель. Поэтика (Поэзия санъати ҳақида). – Т.: Адабиёт ва санъат, 1980. Б.35.

⁹³ Алишер Навоий. МАТ. Фавойид ул-кибар. – Т.: Фан, 1990. Б.351.8.

⁹⁴ Шу манба, Б.168.9.

⁹⁵ Алишер Навоий. МАТ. Фавойид ул-кибар. – Тошкент: Фан, 1990. Б.243.6.

⁹⁶ Уша манба, Б.606.2.

ҳомун денгиз⁹⁷//, –дейди. Шу сингари девоннинг яна бир саҳифасида “Лайли ва Ширин зулму адоватни сандан ўргангани каби Фарҳод ва Мажнун ишқни мандан ўрганса бўлади”, –деган мазмунда фикр юритади //Сендин ўрганган кеби Лайлию Ширин зулму кин, Мендин ўрганмак керак Мажнун билан Фарҳод ишқ⁹⁸//. Шоир лирик қаҳрамони бир ўринда “Агар Фарҳод ва Мажнун қиссасидан кўнглингиз совиган бўлса, менинг ишқ бобидаги ўтли достонимни тангланг, эшитинг”, –дейди //Совуса Фарҳоду Мажнун қиссасидин кўнглунгуз, Бас, менинг ишқ ичра ўтлуқ достонимни тинланг⁹⁹//.

Аммо бу “ўтли ишқ достон” қай бир асар ёки рамзий талқин эканлиги мутлақо сирдир. Шоирнинг ўзи эса бир шеърда тажнис омонимлигидан фойдаланиб “Эй Навоий, умринг ўтти, энди сен ҳам ишқ ва майдан кечгин (ўт) демаким, мен тирик эканман бу икки иш ҳеч қачон тарк этилмайди”, – дейди // Эй Навоий, дема: умрунг ўтти — ишқу майдин ўт, То тирикмен, эрмас ушбу икки иш айлар чоғим//. Ушбу келтирилган мисоллар кўрсатадики, у ёки бу маъноларда Фарҳод ва Мажнун қиссалари лирик қаҳрамон туйғуларини бўрттириб ифодалаш учун тамсил вазифаларини бажаради ва шу тамсиллик лирик ифода жозибадорлиги ва кечинма ҳаётийлигини таъминлашга хизмат қилади. Алишер Навоийнинг “Фавойид ул-кибар” шеърлар девонида Фарҳод образи бадий талқини ниҳоятда кенг кўламли бадий манзаралар яратишга хизмат қилади. Унда Фарҳод образи ифодалаган поэтик манзараларнинг бадий-эстетик хусусиятлари ранг-баранг мотивлар асосида юзага чиқади. Шунингдек, образ трансформацияси жараёнида хилма-хил тавсиф, детал ва эпизодлар ҳам иштирок этади. Бу хил тушунча-деталлар образ поэтикасини таъминлашга хизмат қилади.

БОБ БЎЙИЧА УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1. Алишер Навоий лирикасида образ-тисоллар трансформацияси ранг-баранг адабий мотивларни юзага чиқаради, турфа хил поэтик оҳанглари

⁹⁷ Ўша манба. –Б.212.4

⁹⁸ Ўша манба. –Б.316.7

⁹⁹ Ўша манба. –Б.351.8.

яратади, инсон кўнглига завқ ва бедорлик улашувчи фикрларни бунёдга келтиради. Шу билан бирга узок тарихий анъаналар ва адабий воқеликларни лирик туйғуларда жонлантиради, шеърятнинг жозибадор оламини эпик хотиралар билан тўлдиради. Тадқиқотдан кўринадики, образ-тимсолларнинг асардан асарларга, сатрдан сатрларга, даврдан даврларга кўчиб бориши ҳодисаси талқин ва тавсифлар ўзгариши билангина эмас, балки моҳият ва масалаларнинг тубдан ўзгаришлари билан боғлиқ ҳолда содир бўлади.

2.Шарқ мумтоз адабиётида Фарҳод образининг вужудга келиши ва талқин этилиши анъаналари узок тарихий даврларни ўз ичига олади. Бу даврлар мобайнида образ эпик талқиндан лирик тасвирга ва шеърятдан насрга ўзгача руҳдаги поэтик лавҳаларни тақдим этиб келди. Алишер Навоий лирикасида Фарҳод тимсоли анъаналар боқийлигини таъминлашда, хилма-хил ғоявий-бадий фикрлар ижросини амалга оширишда муҳим ўрин тутди.

3.Алишер Навоий лирикаси образ-тимсоллар талқинида Фарҳод етакчи ўринларда туришига сабаб шунда кўринадики, бу образ лирик қаҳрамон туйғуларини ифодалашда образ сифатида ҳам, тамсил тарзида ҳам ва шунинг билан биргаликда мавзу-мотив жиҳатлардан ҳам ҳамоҳанг кечинмаларни вужудга келтиришга хизмат қилди.

4.Алишер Навоийнинг барча лирик девонларида Фарҳод тимсоли ранг-баранг ифодаларни юзага чиқариш жараёнида самарали қўлланилади. Бу бадий ифодаларда образ-тимсолнинг байтлараро кўчиши бетакрор поэтик манзараларни ҳосил қилади. Бунда ишқий қиссалар қаҳрамонлари ёки улар таърифи билан боғлиқ деталлар хилма-хил рамзий-мажозий талқинларга асос бўлади.

5.Алишер Навоий девонларида Фарҳод образи турфа ранг поэтик функциялар ижро этишга хизмат қилади. Унда тимсолнинг лирик ифодаларидаги ўзгаришлари турли бадий-рамзий маъноларни юзага чиқаради. Бунда образ-тимсол билан биргаликда улар талқини билан боғлиқ хилма-хил бадий деталлар, эпизодик лавҳалар ҳамда характерлар параллел тасвир этилади. Алишер Навоий шеърятини Фарҳод образ-тимсоли шоир

шеърятда эпик тафсилларнинг хилма-хил лирик кечинмаларини рангин сатрларда ҳосил қилади.

III БОБ. АЛИШЕР НАВОИЙ ЛИРИКАСИДА ШИРИН БАДИИЙ ТИМСОЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ ВА ТАСВИРДА РАМЗИЙ- МАЖОЗИЙЛИК

3.1.§. Ширин образи анъанаси ва унинг Навоий шеърлятидаги талқини

Алишер Навоий ижоди, хусусан, шеърлятида муҳим ўрин тутган бадиий тимсол-образлардан бири Ширин ҳисобланади. Унинг бадиий ижодда пайдо бўлиши ва тасвир этилиши тараққиёти узок тарихий даврларга бориб тақалади. У Низомий Ганжавий “Хусрав ва Ширин”, Амир Хусрав Дехлавий “Ширин ва Хусрав”, Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” маснавий-достонлари бош қаҳрамонларидандир. Шу ўринда айтиш керак, сарлавҳа-композицион марказ асар поэтикасида асосий роль ўйнайди. Хусусан, Ширин ҳақидаги асарларда ҳам сарлавҳа асар мазмун-моҳияти ва бу образнинг эгаллаган мавқеи билан бирга талқин ҳақиқатида биноан танланганлиги намоён бўлади. Алишер Навоий талқинидаги шоҳлик ва ошиқликнинг бир ўзанга сиғдириб бўлмаслиги мантиғидан келиб чиқиб амалга оширилган сюжет ва тимсол яратиш масаласи “Фарҳод ва Ширин” сифатида сарлавҳа танлашга чорлаган бўлса, Ганжавий шоҳ Хусравга, Дехлавий эса Ширинга эътибор қаратади ва шундан асар сарлавҳаси келиб чиқади. Масала шундаки, айрим қарашларга кўра, Ширин образи талқини Фарҳоддан олдин ижод оламида пайдо бўлган ва Алишер Навоийгача яратилган асарларда ҳам мавқе-ўрин жиҳатлардан илгариги сафларда тасвирланади. Адабиётшунос С.Эркиновнинг фикрича, “Ширин қадим мифологик қарашларда тилга олинади. Унинг илдизлари “Авесто”даги тўкин-сочинлик ва сувга ҳомийлик қилган маъбуда Ардвисура Анахитага бориб тақалади. Хусрав Парвезнинг хотини Ширин номи билан тарих асарларида фақат Ширин тарзида эмас, балки Сира шаклида ҳам учрайди. Бу Ардвисура Ширин шаклига эга бўлгунга қадар Сура, Сира деб аталганига асос бўлади. Бунинг сабабларидан бири Ширин бутун тарих давомида сув тарафдори, сув қаҳрамони сифатида

намоён бўлишидадир”¹⁰⁰. Бу жиҳатдан адабиётшунос С.Эркинов айтганидек, Фарҳоднинг ҳам “Митра, Ардвисура каби маъбудлар қатори ер ости дунёсининг қадимги худоси, қурувчи ва тоштарошлар ҳомийси”, “меҳнат култи билан боғлиқ” мифологик тимсол эканлиги ҳисобга олинса ва лирик талқинларда ҳам асосан “тоғ қазииш ва сув чиқариш” эпизоди рамзий-мажозий ифодаси учун хизмат қилиши назарда тутилса, Фарҳод ва Ширин бадий-афсонавий тимсоллари қадимдан инсоният асрий орзулари ифодаси бўлиб келганлигини кўрсатади. Шунинг учун оғзаки адабиётларда ҳам Фарҳод қисса-афсонасига бағишланган асарлар бунёд этилганлиги табиий бир ҳолатдир. Хусусан, Алишер Навоий дoston сюжети тадрижида “Айн ул-ҳаёт” ва “Баҳр ун-нажот” тасвирларига урғу бериши ҳам бежиз эмаслиги кўринади. Жаҳон ижодий анъаналарида мавжуд бўлгани каби муайян мотивнинг мифологиядан фольклорга ва оғзаки адабиётдан ёзма адабиётга ранг-баранг ўзгаришлар билан кўчиши, янги-янги талқинларга учраши айна мавзу ифодасига ҳам хосдек тасаввур уйғотади. Шунингдек, Ширин образи илк бора “Авесто” сингари манбаларнинг афсонавий-мифологик қарашларидан озикланган ва ўзида мифик тимсолларни акс эттирган Фирдавсий “Шоҳнома”сидаги талқини ҳам бу фикрни маълум маънода қувватлайди. Шунини айтиш керакки, Шарқ мумтоз адабиётида Ширин ва у билан боғлиқ Хусрав, Фарҳод образлари ҳам талқинларда бири-бирини такрорламайдиган даражада ўзига хосликларга эга ҳисобланади. Бу юқорида айтганимиз ҳамсанавислар асарлари сарлавҳаларидан бошлаб, сюжет чизиқлари ва образлар ифодасигача бўлган барча масалаларда кўринади. Манбаларда Ширин сиймоси миллий ва диний мансублигига кўра насроний, румлик, армани, оромий ва форсий маъшуқа сифатида тасвирланади. Шунинг учун адабиётшунос Собиржон Тоҳиров ҳам мавжуд манбаларга таяниб “Эрон шоҳи Хусрав ва унинг севиқли маликаси (канизаги) Ширин ҳақида дастлабки маълумотлар византиялик тарихчи Феофлавт Симокаттанинг

¹⁰⁰ Эркинов С. Шарқ адабиётида Фарҳод қиссаси. – Т.: Фан, 1985. – Б.64.

“Тарих” китобида учрайди. Симокатта Ширинни насроний динига мансуб бўлган Рум қизи сифатида таништиради. Аноним (муаллифи номаълум) сурия солномасида Хусрав ҳақида маълумот берилиб, унинг насроний динига мансуб бўлган икки хотини – Ширин ва румлик Марям бўлганлиги қайд этилади. VII аср арман тарихчиси Себеоснинг “Себеос тарихи” китобида Хусрав Парвез ва Ширин ҳақида ҳикоя қилувчи махсус фасл бўлиб, унда Шириннинг сосонийлар давлатига қарашли бўлган Ҳузистон вилоятидан бўлганлиги айтилган”, – дейди¹⁰¹. Ҳатто, бир ўринда таниқли адабиётшунос олим, профессор М.Муҳиддинов Е.Э.Бертельснинг “Ширин образини Низомий Ганжа яқинида яшайдиган грузин аёллардан андоза олиб яратган бўлиши мумкин”, – деган фикрини бирёқлама қараш деб билганлигини профессор Д.Салоҳий ўз тадқиқотларида келтириб ўтади¹⁰². Маълумки, Шарк мумтоз адабиётида маъшуканинг тарсо-насоро тимсолида талқин этиш масаласи ҳам бир қанча асарларда кўзга ташланади. Бунинг мисоли сифатида Фариддидин Аттор ва Алишер Навоий ижодидаги Шайх Санъон қиссасини айтиб ўтишимиз мумкин. Албатта, бундай тасвирларда рамзийлик ва мажоз ифодаси ҳисобга олинishi лозим. Бироқ қайси маънода тасвир этилмасин, мумтоз адабиёт ва шеъриятда Ширин ҳусну латофатда танҳо гўзаллик тимсолида талқин этилади. Гап шундаки, Хусрав – Ширин – Фарҳод учлиги тизимида асар мазмун-моҳиятига кўра образлар етакчилигида ўрин алмашинади, улар орасидаги муносабатлар шу мавзу доирасидаги асарлар мотивини белгилаб беради. Улуғ ҳамсанавислар Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Дехлавий, Алишер Навоий ушбу мавзуни бешликнинг иккинчи ўрнига жойлаштиради. Абдурахмон Жомий ижодида унинг ўрнига “Юсуф ва Зулайҳо” достони киритилган бўлса-да, Ширин образи эътиборсиз қолмаган эди. У ўз шеъриятида бу тимсолини кўп бора талмиҳ-тамсил сифатида талқин этади. Фикримизча, Жомий илоҳий ишқ ва комиллик масаласини

¹⁰¹ Тоҳиров С.Қ. Темурийлар даврида ҳамсанавислик. Монография. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2020. – Б.172.

¹⁰² Салоҳий Д. Низомий ва Навоий “Ҳамса”ларининг услубий хусусиятлари. Навоий ижоди ва қиёсий таҳлил масалалари. Илмий мақолалар тўплами. – Т.: “Tamaddun”, 2017. – Б.35.

айнан “Юсуф қиссаси” талқинида кўради ва махзарни Юсуф тимсолида ифодалайди.

Улуғ озор мутафаккири Низомий Ганжавий Ширин образини “Хамса” таркибига биринчи бўлиб олиб кириши билан бирга унинг тимсолида анча мураккаб характер тимсолини яратади. Унга кўра, Ширин Бардаъ маликаси, у бошидан Мадойин шахзодаси Хусрав билан ишқ-севги можаросини ўтказади. У Бардаъ ҳукмдори Меҳинбонунинг ниҳоятда гўзал жияни эди. Хусрав у ҳақидаги хабарни рассом Шопурдан эшитади ва унга беихтиёр ишқ кўяди. Шопур совчи бўлиб боради ва Хусравнинг ўзи чизган расмини Ширинга кўрсатади. У Мадойинга келади. Бу вақтда Хусрав отаси билан низолашиб қочиб кетган эди. Ширин шу ерда тошлоқдан қурилган қасрда яшай бошлайди. Хусрав отаси Хурмуз вафот этгач, тахтга ўтиради. Бирок Баҳром Чўбиннинг қаршилигига дуч келиб, Рум қайсаридан мадад сўрашга мажбур бўлади ва унинг қизи Марямга уйланиб, Ширинни унутади. Ширин ҳижрон азобида қолади ва Меҳинбону ҳузурига боради. Бу вақт Меҳинбону ўлим тўшагида ётарди, Ширинга ҳукмронликни топширади. Ширин ҳатто тахтга ҳам унамайди, уни ворисига топшириб Мадойинга келади, тош қасрда яшайди, сутга ўрганган Ширин сут йўқлигидан қийналади. Шу муносабат билан Фарҳод дoston сюжетида пайдо бўлади. Ширинга сут ариғи қазииш ва муҳандис Фарҳоднинг ёрдамидан фойдаланиш зарурати юзага келади. Фарҳод ишни бошлайди ва ногаҳон Ширинни кўриб, унга ошиқ бўлиб қолади. Бундан ғазабланган Хусрав Фарҳодни ҳийла билан ўлдиртиради. Бу орада Марям вафот этади, Хусрав исфаҳонлик гўзал Шакарга уйланади, Ширинни унутолмай Мадойинга келтиртиради. Хусравнинг Марямдан бўлган ўғли Шеруя Ширинни яхши кўриб қолади ва отасини ўлдиради, Ширин Хусрав мақбарасида ўзини ҳалок қилади. Шу тариқа Низомий Ганжавий достонида масалалар саргузашти бош образ Хусрав атрофида кечади, Ширин унга ошиқ бўлган шахс сифатида тасвирланади, Фарҳод эса фақат сут ариғи қазииш эпизодида иштирок этади, холос. Кўринадики, асарда Ширин Фарҳодга қараганда фаол ва унга пинҳоний маъшуқа тарзида

келтирилади. Шу боис асар “Хусрав ва Ширин” деб аталади. “Хусрав ва Ширин”дан кейин орадан бир асрдан зиёдроқ вақт ўтгандан сўнг ёзилган Амир Хусрав Деҳлавийнинг “Ширин ва Хусрав” достонида воқеликлар, хусусан, Ширин образи талқини ҳам жиддий ўзгаришлар билан дунё юзини кўрди. Низомий Ганжавий достонида воқеалар Хусравнинг туғилиши билан бошланган бўлса, Деҳлавий асарида Хусрав Парвезнинг тахтга ўтириши билан сюжет бошланади. “Хусрав ва Ширин”да Хусрав отасига қарши қилган ҳаракатлари ўз бошига ҳам ўғли Шеруя томонидан туширилади. Хусрав ишқ масаласида ҳар доим ҳам собит турмайди. Шунинг учун ижодкор унинг характерида мураккаб бир тақдирни акс эттиради. Гап шундаки, зикр этилган дostonларда асосий образларнинг деярли барчаси иштирок этади. Бироқ характер ифодасида, талқинларда, образлар ўрнида ва бунинг натижасида келиб чиқадиган ғоявий-мазмуний масалаларда айролик вужудга келади. Шу боис ушбу дostonлар образлари ўз ифода мақсад ва ифода кўринишлари билан алоҳида асарлардир, унда образлар трансформацияси ҳам, сюжет модификацияси ҳам шуни талаб қилади. Амир Хусрав Деҳлавий талқинига кўра, Хусравшоҳ Баҳром Чўбиндан қочиб кетишга мажбур бўлади. Бир куни Хусравга ҳамроҳлик қилган рассом Шопур Арманистон маликаси Шириннинг суратини кўрсатади. Хусрав овда Ширинни учратиб унга ошиқ бўлиб қолади ва ўз навбатида Ширин ҳам унга хайрихоҳлик билдиради. Шу ўринда кўринадики, Ширин “Шоҳнома” ва бошқа манбаларда паст табақа вакили сифатида тасвирланган бўлса, кейинчалик малика тимсолида талқин этилади. Хусравшоҳнинг Рум маликаси Марямга уйланиши унга катта нуфуз олиб келади. Тез орада Марям вафот этади, энди Ширин Хусравнинг ёдига тушади ва уни олиб келишга уринади, бироқ Ширин рад этади. Бу вақтда Ширин овдан қайтаётиб, Фарҳоднинг юксак санъат билан қазиган ариғини кўриб қолади ва худди шундай ариқни Арман ўлкасида ҳам қазини сўраб илтимос қилади. Бу дostonда Фарҳод оддий тошйўнар эмас, балки Хитой ҳокони ўғли сифатида талқин қилинади. Фарҳод шу учрашув жараёнидаёқ Ширинга ошиқ бўлиб

колади ва ҳеч иккиланмасдан ишга киришади. Бундан хабар топган Хусравда эски меҳр-муҳаббат қайта уйғонади ва мусофир қиёфасида Арман ўлкасига келади. У Фарҳодга Шириннинг ўлими ҳақида сохта хабар етказди ва шу хийла Фарҳоднинг ўлимига олиб келади. Ширин ҳам Хусравдан ўч олади, унинг Шакар исмли хотинини захарлайди. Шундан сўнг Хусрав Ширин яшаётган қалъага келади, улар иккаласи ярашади, бир-бирига муҳаббат қўйишади. Бироқ йиллар давомида отасидан норози бўлиб юрган Шеруя қотиллар ёллаб Хусравшоҳни ҳам ўлдиради. Мана шу ўринда Хусравнинг жонсиз танаси устида Ширин ҳам жон таслим қилиши эпизоди нисбатан ишқи илоҳий талқинига яқин тасвир вужудга келади. Яъни Хусрав маъшук, Ширин ошиқ тимсолида мажоз бўлиб келади. Аммо бу масалалар ҳали Шарк мумтоз фалсафаси илгари сурган том маънодаги ишқи илоҳий ғоясининг ишқи мажози бўлиб шаклланмаганлиги кўринади. Унда қахрамон-тимсоллар дунёвий дардлардан ҳоли бўлмаган, бутун эътиборини илоҳий мақомлар сафари томон йўналтира олмаган, воқеалар битта комил тимсол атрофида ва унинг етакчи туйғуларига бирлашмаган эди. Мана шундай мақом ва эҳтиёж эпик талқинда заруратга айланган эди. Бу табиий зарурат орадан қарийб икки асрга яқин вақт ўтгандан кейин амалга ошди. Ҳазрат Алишер Навоий ижодида ҳақиқий ошиқ ва маъшук тимсолини ифодалаган образлар “Фарҳод ва Ширин” мавзуси билан бадиий адабиётда мутлақо янги кашфиёт сифатида пайдо бўлди. Унда Фарҳод ҳам, Ширин ҳам мартабаю мақомда, талқину тавсифда, ишқу ирфон йўлида собит тимсолларга айланди. Устоз адабиётшунос Нажмиддин Комилов таъкидлаганидек, “Ширин Навоий достонида Яратганнинг мазҳари сифатида намоён бўлди. Унинг пок сурати ва сийрати ҳам Ҳақ зотида фано бўлган покиза Фарҳодни ўзига буткул шайдо, ишқига грифтор этган эди”¹⁰³. Шу маънода Фарҳод сингари Ширин ҳам бадиий тафаккурнинг мумтоз даражаси ва баланд рутбасида лирик тасвирларда ҳам муқим ўрин эгаллади. Эътиборли томони шундаки, бу барча

¹⁰³ Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: O‘zbekiston, 2009. Б.157.

сюжет талқинларида Фарҳод “тоғ қазиш ва сув чиқариш” мотивларида иштирок этади. Алишер Навоий ва умуман мумтоз шеърятда айни эпизодлар лирик талқини чуқур рамзий-мажозий ифодаларни вужудга келтиради.

Маълумки, Шарқ ва туркий-ўзбек мумтоз лирикасида Ширин тимсолига мурожаат этиш анъанаси узоқ тарихга эга ҳисобланади. Бунда араб, форсий ва туркий шеърят Ширин тимсолини лирик “мен” кечинмаларини ифодалашда турфа вазиятларда қўллайди. Уни ўзини алоҳида тасниф асосида таҳлил этиш мумкин. Бу поэтик талқинларда у ёки бу маънода эпик тасвирлар мажозий ифода бўлиб хизмат қилади. Айниқса, бу жараёнда бошқа ҳодисалар сингари Алишер Навоий шеърятти етакчи ўринни эгаллайди. Шоир барча девонларида Ширин тимсоли талмиҳ-тамсил сифатида талқин этилади. Бунда Ширин образи алоҳида ҳам, Фарҳод ёки Лайли билан биргаликда ҳам, ранг-баранг бадиий санъат ва ғоявий-бадиий фикрлар ижрочиси сифатида ҳам кенг тасвир қилинади. Бу тасвирларда Ширин ҳақидаги тарихий далиллар, эпик талқинлар, бадиий деталлар, эпизодик лавҳалар мажозии замирида ётган ҳақиқатлар лирик қаҳрамон туйғуларига мослашади. Масалан, “Наводир уш-шабоб” девонида Лайли, Ширин ва Узро тимсоллари бир ўринда келадик, бундай тажриба бошқа ижод намуналарида деярли кўзга ташланмайди. Тўғри, шоир лирикасида Вомиқ, Фарҳод, Мажнун образлари параллел равишда талқин этилиши анча самарали, бироқ Узро, Ширин ва Лайлиларнинг мувозийлиги кузатилмайди. Бунда, албатта, бадиий-эстетик фикр жозибаси ва иғроқ (муболаға) ҳисобга олинади. Лекин масала бу тимсоллар таърифи билан боғлиқ ишқ қиссалари лирик қаҳрамон шуурини банд этганлигидадир.

*Лайлию Ширину Азро ноз сендин касб этар,
Зуфунунлар кўрки, шогирдиндурур бу фан аро¹⁰⁴.*

¹⁰⁴ Alisher Navoiy. To‘la asarlar to‘plami. Xazoyin ul-maoniyy. Navodir ush-shabob. – T.: G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2012. – Б.768.

Шоир бу мисраларда ёрнинг “нозу ишваси” ҳақида сўз юритади ва Лайли, Ширину Узролар ҳам уни сендан ўргансалар бўлади, чунки бу фанни сен шунчалик мукаммал эгаллагансанки, унда барчаси сенга шогирд бўлиб қолади, – дейди. Айни шеърда Ширин ҳам Лайли ва Узро қатори идеал маъшуқа тарзида хотирага олинади. Бунда “нозу ишва, ғамза тасаввуфий талқинга кўра, маъшукнинг ошиқларга ишқу муҳаббат йўлида куч бағишлаши солиққа илтифот ва арзу ҳожатига жавоб бермоқ”ни¹⁰⁵ англатади. У ижтимоий-бадий жихатдан ишқ қиссаларидаги севгили билан содир бўлган ситамларни назарда тутди ва бевосита ушбу дostonлар поэтик мазмуни сари етаклайди. Шу билан бирга Алишер Навоий лирикасида Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун, Вомиқ ва Узролар идеал ошиқ-маъшуклик тимсоллари бўлиб келиши ойдинлашади. Шоир “Бадоеъ ул-васат” девонида бу тимсоллар орқали бошқа бир поэтик фикрни ўртага ташлайди. Унга кўра, лирик қаҳрамон севгилиси-дилбари Ширин ва Лайлига тенг бўлса, унинг ўзи Мажнун ва Фарҳодга мисолдир.

Дилбарим Ширин била Лайлига гар акрон етса,

*Мен доғи Мажнун бирла Фарҳодга амсолмен*¹⁰⁶.

Алишер Навоий шеърлятида Фарҳод ва Ширин тимсолларига мурожаат этилганда кўпинча ошиқнинг “ғам тоғини тирноқ билан қазिश”и Фарҳоднинг улкан харсангларни теша билан тарошлашига, маъшуканинг ширинлиги Ширин тимсолига муқояса қилинади. Қуйидаги мисраларда асосий фикр ошиқ, ишқ ва маъшуқа ҳақида бораяпти. Фарҳод ва Ширин тимсоллари эса мана шу ғоя далили учун тамсил бўлиб келаяпти. Бундай тамсиллик, воситалик мумтоз лирикада анъана ҳисобланса-да, унинг замирида ғоят чуқур бадий-эстетик талқин ётади. Бунда, биринчидан, бадий воқелик билан тамсиллик орасида ички ва ташқи жихатлардан ўзаро мантиқий боғлиқлик, иккинчидан, ифодаланаётган мавзу ва тасвирланаётган ҳақиқат

¹⁰⁵ Қобилов У.У. Нубувват ва валоят терминлари қисқача изоҳли луғати. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2019. Б.71.

¹⁰⁶ Alisher Navoiy. To‘la asarlar to‘plami. Xazoyin ul-maoniy. Badoye’ ul-vasat. – T.: G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2012. Б.764.

ўртасида мутаносиблик бўлиши талаб этилади. Шу маънода маҳбуба, яъни шоир таъбири билан айтилганда “ул Ширин санам” висолни ваъда қилса, ошиқ тирноқларини Фарҳоднинг тешаси қилиб ғам тоғини қазиганга жазм этади. Бу хил фикр шоирнинг айрим мисраларда фақатгина Фарҳод воқелиги билан ҳам амалга оширилади. Бироқ бундай ҳолларда Ширин ва ширинлик ҳам сатрлар ички мантиғида англаниши лозим. Гарчи бунда ошиқ “тирноқ билан ғам тоғини қазиганга Фарҳоднинг тоғни қазиган тешаси хижолатда қолганлиги” ҳам, албатта, “ул Ширин” ва Ширин учунлигини китобхон чуқур ҳис этиши талаб қилинади. Хулласи калом, Фарҳод тасвирланганда Ширин ёки Ширин келтирилганда Фарҳоднинг яширин талқин этилиши, шеър ички руҳиятида аксланиши Алишер Навоий лирикасида бир анъана ҳисобланади. Бундай ҳодисалар мумтоз шеърят бадиий-фалсафий олами ғоят чуқур ва сермаъно бўлишидан дарак беради. Биз бу ҳолатни барча – Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун, Вомиқ ва Узро сингари адабий-ишқий тимсоллар талқини жараёнида кузатишимиз мумкин.

*Ваъдаи васл этса ул Ширин санам, ғам тоғини
Қозгамен, тирноғларимни тешаи Фарҳод этиб¹⁰⁷.*

* * *

*Ё қани Фарҳодким, ғам тоғини тирноғ ила
Қозганимдин, тешаву тоғидин ўлгай шармисор¹⁰⁸.*

Кўринадикки, бу даврга келиб Фарҳод ва Ширин образлари ишқий-ирфоний масалалар тавсифида етакчи тимсоллар мақомига кўтарилди. Шу боис Алишер Навоий ва бошқа туркий-ўзбек мумтоз ижодкорлари “Лайли ва Мажнун”, “Вомиқ ва Узро”, “Юсуф ва Зулайҳо” қиссалари орқали ишқ-ирфон масалаларини шеърый сатрларда талқин этганларида “Фарҳод ва Ширин” тамсилидан ҳам юксак маҳорат билан фойдаланади. Айтиб ўтиш керакки, мумтоз шоирлар, хусусан, Алишер Навоий шеъриятида лирик “мен” образи бошқа даврлар ёки дунёвий шеърят қаҳрамонидан фарқли ўларок

¹⁰⁷ Алишер Навоий. МАТ. Бешинчи том. Бадоеъ ул-васат. – Тошкент: Фан, 1988. Б. 58.4.

¹⁰⁸ Шу манба, Б. 133.4.

ошиқ тимсолида гавдаланади. Худди шундай мурожаат этилаётган “сен” образи ҳам ҳақиқий маъшук тимсоли бўлиб келади. Мумтоз шеърда тараннум этилаётган рангин туйғулар, тасвир этилаётган тимсоллар мана шу ошиқ ва маъшук муносабатларини (ишқ) ифодалаш учун қўлланади. Шу боис “Фавойид ул-кибар” девонидаги мисраларда лирик қаҳрамон-ошиқ “Эй Ширин, сен шуни англагинки, сен ҳам маъшукликда унча эмассан, ошиқликда сенинг Фарҳодинг менимча эмас”, – дейди.

*Англа Ширинким, не сен маъшуклуқда онча сен,
Не бор эрди менча ошиқликда Фарҳодинг сенинг¹⁰⁹.*

Юқорида айтиб ўтганимиз сингари Низомий Ганжавий ижодида биринчилардан бўлиб, Хусрав – Ширин – Фарҳод учлиги бадиий талқинда кўрина бошлади. Уларнинг иштирокидаги сюжет ҳамсанависликда мақсад муддаога биноан мавзу ва талқин ўзига хосликларини таъминлаб берди. Шу муносабатлар билан улуғ ҳамсанавислар мотив доирасида янги кашфиётларни яратиб бердилар, бетакрор асарларни тақдим этдилар. Буни анъананинг такомили ҳисобланган Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достони ҳам исботлайди. Ундан олдинги қисса-дostonларда Фарҳод чеккан дарду аламлар ҳам, Шириннинг изтиробли кечинмалари ҳам ўзининг теран руҳий даражасида талқин этилмаган эди, ижодкорларни бошқа қарашлар, ўзга туйғулар қизиқтирган эди. Буни Алишер Навоий ҳазратлари буюк мутафаккир сифатида ниҳоятда теран англаган ва ушбу асарида Фарҳоду Ширин тимсолида ўз қарашларини ифодалаган. Бошқача қилиб айтганда, шу тимсоллар орқали ишқ, ирфон, комиллик, маърифат, жаҳолат ҳақида сўз юритган, уларни нафақат эпик, балки лирик талқинларга ҳам кўчирган эди. Кўринадики, бу ўринда тасвир сюжет воқеаларининг аввалги ҳолатини эслатиш билан бирга бу сюжет чизиғининг ўзгариши лозимлигига урғу берилаяпти. Шу туфайли ҳам шоир фироқ, рашк, ҳажр, ох, дард масалаларини Фарҳодга муносиб кўради.

¹⁰⁹ Alisher Navoiy. To‘la asarlar to‘plami. Xazoyin ul-maoniy. Favoyid ul-kibar. – T.: G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2012. – Б.352.3.

Қайд этиш лозимки, мумтоз шеърятда ишқ мавзуси ва тимсоллари тасвир этилганда, албатта, кўнгилга мурожаат этилади. Аслида дард, ҳижрон, ишқ, алам – буларнинг бари кўнгилга дахлдордир. Чунончи, Алишер Навоий талқинича Фарҳод ва Ширинлар ҳам кўнгил тимсолларидир ёки шоир уларни инсон шахсиятидан кўнгил ифодасига айлантиргандир. Шу боис “Наводир уш-шабоб” девонида шоир кўнгилга қарата: “агар Лайли ва Ширин бизнинг жононга ўхшаганида, Фарҳод ва Мажнун ҳам бизга ўхшаб зору интизор бўлар эди”, – дейди. Бунда бир томондан Фарҳод ва Мажнун – ошиққа, Лайли ва Ширин – маъшуқага тамсил ҳам этилмоқда. Бу юқорида айтганимиз каби эпик талқин эволюциясининг лирик тасвирда акс этиши жараёни трансформацияси билан боғлиқ мумтоз ижодий жараён қонунияти ҳисобланади.

Эй кўнгул, Фарҳоду Мажнун бўлгай эрди бизча зор,

Бўлса эрди Лайлию Ширин бизинг жононча хўб¹¹⁰.

Алишер Навоий ўз шеърятда севгили тимсолини ҳар қандай ҳодисадан баланд рутбада тасвирлайди. Чунончи “ҳам” радифли ғазалида ҳам худди шундай ҳолат кузатилади. Шоир лирик тасвирларидаги яна бир хусусият шундаки, биз ижодкорнинг Лайли, Ширин ёки бошқа адабий тимсолларни қўллаган ўринларда кўпинча “мен” образига ҳам дуч келамиз. Ушбу сатрлар ҳам буни исботлайди. Унда айтилишича, “Лайли ҳам, Ширин ҳам яна мен ҳам сендан хижолатда қоламиз. Бундан Лайлининг Мажнуни ҳам, Шириннинг Фарҳоди ҳам ҳайрон қолади”. Бу ҳолатни шоир гўё бошқа бир байтида изоҳлаб ҳам ўтади. “Чунки, – дейди шоир, Шириндан ҳам, Лайлидан ҳам сенинг хуснинг зиёдадир, мендаги ишқ Фарҳод ва Мажнун ишқидан ҳам ортиқдир”. Ёки бошқа бир байтда “Унга хуснда Ширин ҳам, Лайло ҳам мағлубдир, ишқда унга Фарҳод ҳам, Мажнун ҳам шайдодир”, – дейди. Бу учинчи мисолда лирик қаҳрамон ҳам, адабий қаҳрамонлар ҳам мажоз ишқидан Ҳақ ишқи томон нойил бўлганлигига ишора этилади ва шоир

¹¹⁰ Alisher Navoiy. To‘la asarlar to‘plami. Xazoyin ul-maoniy. Navodir ush-shabob. – T.: G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2012. – Б.768.

қиссадан ҳисса мана шу эканлигига урғу беради. Бунда шоирнинг юксак бадиий маҳорати Лайли ва Мажнун, Фарҳод ва Ширин тимсолларини мутаносибликка мувофиқ тасвир этганлигида ҳам теран намоён бўлади.

*Лайлию Ширин бўлуб сендин хижил, мендин доғи,
Ҳам анинг Мажнунидур ҳайрон, мунунг Фарҳоди ҳам*¹¹¹.

* * *

*Ончаким Ширину Лайлидин сенинг ҳуснунг фузун,
Менда ҳам Фарҳоду Мажнундин фузун ишқу жунун*¹¹².

* * *

*Ҳусн аро мағлуб анга Ширину Лайло уйлаким,
Ишқ аро Фарҳоду Мажнун ҳам анинг шайдосига*¹¹³.

Бир мулоҳазани алоҳида айтиб ўтиш лозимки, Фарҳод образи тасвир этилган асарларни, юқорида қайд этилганидек, “тоғ қазииш ва сув чиқариш” мотиви билан биргаликда ишқ мавзуси ҳам ўзаро боғлаб туради. Бошқача айтилганда, ишқ мазкур анъанавий асарларнинг асосий мақсад ва ғоявий йўналишларидан ҳисобланади. Бироқ талқинлардаги ишқ мавзусининг комил мақомга чиқарилиши ҳазрат Алишер Навоий “Фарҳод ва Ширин” достонида ўзининг теран ифодасини топади. Бунда Фарҳод қиссаларида ишқ мавзуси трансформацияси ҳам алоҳида тадқиқот-кузатишларни талаб қилади. Бошқа бир томондан, Фарҳод – Ширин – Хусрав учлигида ишқнинг қай даражада талқин этилиши асарлар моҳияти ва образлар характери таъмин этади. Шу жанубдан Алишер Навоий шеъриятида Ширин ёки Фарҳод бадиий тимсоли ўрни ҳам белгиланади. Шоир “Наводир уш-шабоб” девонида “мен ишқ боис бало тоғини тирноғим билан қазидим, бундан мени Шириннинг ошиғи Фарҳод деб ўйланглар”, – дейди. Бундай ўринларда Фарҳод ва Ширин ишқи лирик қаҳрамон учун тамсил қилиб олинади.

*Ишқ аро қоздим бало тоғини тирноғим била,
Уйла соғинмангки Ширин ошиғи Фарҳодмен*¹¹⁴.

¹¹¹ Alisher Navoiy. To‘la asarlar to‘plami. Xazoyin ul-maoniy. Navodir ush-shabob. – T.: G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2012. – Б.245.

¹¹² Шу манба, – Б.263.

¹¹³ Шу манба, – Б.338.

Хулоса шундан иборатки, ўзбек мумтоз шеърлятида тасвирланган Ширин образининг келиб чиқиш тарихи, Шарқ адабиётлида талқин этилиши анъаналари, Алишер Навоий лирик меросида ифодаланиш асослари, тимсолнинг ғоявий-бадий хусусиятлари, бу образнинг трансформацияси ва шу жараёнда юзага келган ўзгариш-янгилинишлар натижасида ўзига хос талқинлар олами яратилди.

3.2.§. Алишер Навоий лирик девонларида Ширин тимсоли бадий таҳлили

Алишер Навоий ва умуман Шарқ адабиётининг нодир мавзуларидан бири “Хусрав ва Ширин”, “Ширин ва Хусрав” ёки “Фарҳод ва Ширин” типлидаги асарлар силсиласи ҳисобланади. Шарқ мумтоз адабиётлида бу туркумнинг пайдо бўлиши узок тарихий босқичларга эгадир. Айрим маълумотларга қараганда ушбу сюжет бевосита халқ оғзаки ижоди анъаналари билан боғланади. Маълумки, бу адабий воқелик хамсанавислик жараёнида ишқий мавзунинг эпик талқинларидан саналади. Шундан бошлаб мумтоз адабиётлида Фарҳод комил шахс, ишқ ва маърифат ифодаларида бадий тимсол бўлиб таърифланади. Гап шундаки, Фарҳод образи эпик талқинларда ҳам, лирик тасвирларда ҳам Шарқ мумтоз адабиётли поэтик тадрижидаги трансформация масалаларида энг маҳсулдор тимсоллардан бирига айланади. Бунинг натижаси ўлароқ бу образ мумтоз бадий тафаккур олами бўйлаб оммалашади, халқ онги ва руҳиятида ўлмас мавзу ва тимсол сифатида қолади. Айнан ўзбек адабиётшунослигида образ ва тимсол трансформацияси ҳодисаси махсус тадқиқ этилмаганлиги сабаб ушбу ишимизда Алишер Навоий “Бадоеъ ул-бидоя” лирик девонлида Ширин образи трансформациясига имкон қадар эътибор қаратдик. Шу ўринда айтиш керакки, гарчи Алишер Навоий хамсанавислик анъаналарини янгилаб, “Фарҳод ва Ширин” достонлида Фарҳод образини бош қаҳрамон сифатида

¹¹⁴ Шу манба, – Б.282.

талқин этган бўлса-да, шоирнинг илк лирик девонларидаёқ бу образ етакчи тимсолга айланиб улгурган эди. Бундан кўринадики, Алишер Навоий мавзуни “Фарҳод ва Ширин” тарзида талқин этиш режасини олдиндан амалга ошира бошлаган ва лирик тасвирларда бунга риоя қилиб келган. Масаланинг иккинчи яна бир муҳим томони шундаки, образ ёки сюжет миграцияси ходисаси бадиий талқинда ҳеч вақт ўзгармас ҳолатни такрорламайди, яъни бир сюжет ёки образ турли замон ва ҳар бир ижодкор бадиий таҳаюлида янги ходисага айланади. Бу, айниқса, образлар лирик тасвири ҳақида гап кетганда яққол намоён бўлади. Бунда эпик образ рубобий қаҳрамон туйғулари ифодачисига хосланади. Шу маънода Фарҳод ва Ширин образлари мумтоз шеъриятда ўзига хос тимсоллик вазифаларини бажаради. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Алишер Навоий шеъриятида тасвирланган Ширин тимсоли эпик талқинидаги образнинг нусхаси бўла олмайди, балки у шоир бадиий-эстетик қарашлари ва ҳис-туйғулари рамзий ифодаси сифатида бўй кўрсатади. Алишер Навоий мавжуд лирик девонлари ёки умуман мумтоз шеърият бадиий оламига назар ташланганда Фарҳод образи Ширинга нисбатан анча сермахсул ва самарали ҳисобланади. Мумтоз шеъриятимизда Ширин образига камроқ мурожаат этилади. Бироқ шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, Фарҳод – Ширин – Хусрав учлиги бир-бирларини тақозо қиладиган образлар ҳисобланади. Улар эпик ва лирик бадиий талқинларда айро ҳолда характер ҳам, мантиқ ҳам касб этмайди. Мумтоз шеъриятда Фарҳод образи самарали бўлишига қарамай маълум маънода лирикани Ширин тимсоли орқали ифодаланган поэтик манзараларсиз тасаввур этиб ҳам бўлмайди. Мисол учун Алишер Навоий ўзининг “Бадое ул-бидоя” девонида Фарҳод образига элликка яқин мурожаат этган ҳолда Ширин образи атиги олти марта тилга олинади. Бироқ Фарҳод тасвир этилган ўринларда Ширин тимсоли маънавий жиҳатлардан бўлса-да сезилиб қолади, бир мавзу сифатида китобхонни ўзига чорлаб туради. Бу ҳолат мумтоз поэтика учун бир ўзига хос бадиий-эстетик ходисадир. Алишер Навоий лирикасида, хусусан, “Бадойиъ ул-бидоя” девонида Ширин образи тасвирга олинганда, албатта,

Фарҳод тимсоли ҳам эътироф этилади ёки бошқа бир ҳолатларда “Фарҳод ва Ширин” мавзусига тегишли тимсол, тушунча, деталлардан фойдаланилади. Бу Фарҳод образи ҳақида фикр юритилганда ҳам кузатилади. Мисол учун шоир “Бадойиъ ул-бидоя” девонининг етмиш учинчи ғазалида Ширин тимсолини талмиҳ сифатида келтиради¹¹⁵. Ушбу ғазалда Ширин образи маъшуқа-ёр ифодаси билан ўхшатиш санъати асосида боғланган бўлса, Фарҳод ошиқ образига хослашади. Шундан маъшуқа (“ул Ширин санам”) ошиққа висол ваъдасини таклиф этса, ошиқ бу йўлдаги ғам тоғини қазийда тирноқларини Фарҳоднинг тешасига айлантириб олади. Бу ўринда Ширин бир томондан “санам” образига сифатлаш бўлиб, унинг ширинлигини билдирса, иккинчи томондан “Фарҳод ва Ширин” мавзусидаги эпик манзараларни (Фарҳоднинг тоғда ариқ қазийи воқеаси) лирик ифодага айлантиришга хизмат қилмоқда. Шунга биноан мумтоз шеърятда эпик воқеликлар лирик манзара ва рамзий-мажозий ифодалар учун ниҳоятда дилбар ҳолатларни яратиб беради. Алишер Навоий лирикасида бундай поэтик манзараларни юзага келтирадиган образ-тимсоллар олами кўп учрайди. Демак, образ-тимсоллар трансформацияси ҳодисаси эпик ва лирик талқинлар учун алоҳида бадиий-эстетик тафаккур манбаи ҳамда чуқур рамзий-мажозий ифодаларни вужудга келтирадиган пойдевор бўлиб ҳам хизмат қилади. Байтга ирфоний руҳда назар ташланса, яна бошқа бир ҳолатлар келиб чиқади. Мисол учун шеърда “санам” тимсолининг келтирилиши ҳам фикрни табиий равишда тасаввуф билан туташтиради. У мумтоз шеърятда севгили, маъшуқа образи мажози бўлиб келади. Тасаввуф истилоҳида мақсад ва матлабни, бошқа бир сифатлар билан эса солиқ қалбида зоҳир бўлувчи нозик маъноларни англатади. Бунда Фарҳод ва Ширин ишқи илоҳий йўлидаги қарашларга тамсил ва тимсол бўлиб қолади, холос. Васл эса ишқи илоҳийнинг энг юқори нуқтасини билдириб, эришиш, қўшилиш маъносини англатади. У тасаввуф истилоҳида зухур ва шуюн, яъни

¹¹⁵ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Биринчи том. Бадойиъ ул-бидоя. – Тошкент: “Фан”, 1987. Б.72.4.

даража ва ҳол орасида восита бўлувчи ҳақиқий ваҳдатни, маъшуқа ишқиға фарқ бўлмоқликни, ўзликдан кечиб Ҳаққа ёр бўлмоқни, ваҳдат завқини билдириб келади. Ғам тасаввуфда илоҳий имтиҳон, солиқ қалбида шавқ ва кувонч зуҳурланиши, ортиши демақдир. Шу боис уни Алишер Навоий “Ғам тоғи” тарзида келтиради. Имом Ғаззолий фикрича, “у инсонни охират ва Аллоҳга боғлайди. Шунинг учун балодан суюниб, шукур айламоқ керак”, – дейди. Бундан кўринадики, шеърда келтирилган васл, санам, ғам тушунчалари ҳам мажозий, ҳам илоҳий ишқ масалалари ифодаларида талқин этилади. Бу ўз навбатида Фарҳод ва Ширин образлари ўзгариш-кўчиш жараёнида хилма-хил бадий-маърифий ифодалар юзага келишига ҳам хизмат қилишини тасдиқлайди. Алишер Навоий мазкур ғазалида ҳам Фарҳод ва Ширин тамсилини айни мавзуда ифодалаб беради // *Лаъли шавқидинки ғам тоғин қозарсен, эй кўнгул, Не боло Ширин ҳаваслиқ нотагон Фарҳодсен*¹¹⁶. Унда юқоридаги байтдан фарқли ўлароқ кўнгилга мурожаат этиш орқали поэтик мазмун ифодаланади. “Эй кўнгил, – дейди шоир, сен ёрнинг доно сўзларидан завқланиб ғам тоғини қозасан, бу томондан сен Ширинга ҳавас қилган ишқ дардида бемор бўлган Фарҳодга ўхшайсан”. Кўринадики, кўнгил Фарҳодга қиёсланиб, Фарҳоднинг Ширинга бўлган муҳаббати бу икки образ орасидаги ички ўхшашликни ҳосил қилмоқда. Бунда Ширин кўнгил тимсолига махзар вазифасида талқин этилмоқдаки, бу ҳолат шоирнинг ўзига хос бетакрор бадий кашфиётидир. Шеърда келтирилган “лаъл”, “шавқ”, “ғам” – буларнинг барчаси ошиқда севгилига ҳавасдан келиб чиқадиган ботиний ҳолларни билдиради. Ушбу шеър намунасида ҳам Фарҳод ва Ширин воқелигига хос талқин, поэтик манзара илоҳий бир жазба учун мажоз бўлиб келмоқда. Алишер Навоий бошқа бир ғазалида “севгилининг ҳикматли сўзларини Ширин лаби яширинганлигини айтади, шу боис унинг лаби Фарҳоднинг кўзидан оққан қизил қон ёшидан товланиб турганлигига эътибор қаратади. Бу ўринда ниҳоятда гўзал ўхшатиш кузатилади, яъни ёрнинг қип-қизил лаби ошиқнинг маъшуқа дардида ғам

¹¹⁶ Шу манба, – Б.558.2.

чекиб кўзидан ёш эмас, балки қон оққанлиги туфайлидир. Бунда лаб қизиллиги билан қон қизиллиги муқояса қилинади.

*Каломингни агар Ширин лабида қилмадинг музмар,
Недин бас лаъл ўлур Фарҳоднинг қон ёшидин хоро¹¹⁷?*

Гап шундаки, лаб ва қон қизиллиги ирфоний талқинларда илоҳий ҳақиқатнинг ниҳоят даражада нозиклигига ишора тарзда анъанавий равишда талқин қилинади. Бунда Шириннинг сўзларидаги донолик ва Фарҳоднинг унга мафтункорлиги мана шу илоҳий ҳақиқатлар ифодаси учун мажоз бўлиб олинади. Алишер Навоий “Бадойиъ ул-бидоя” девонида худди шундай манзарани бошқа бир ғазалида ҳам давом эттиради. Бироқ бунда қон ва лаб қизиллиги ўзга поэтик маъноларга йўғрилади. Бу ғазалда лирик қаҳрамон гўё кузатувчи бўлиб иштирок этади. Шеър мазмунига кўра, “ошиқ (Фарҳод) жони билан чизиб, рангни қонидан қилса, яратувчи маъшуқа (Ширин) лабини шакар ёғдирувчи қилди” – тарзида англашилади.

*Магар Фарҳод жонидин сизиб, қонидин этти ранг
Қадар суратгари Ширин лаби лаъли шакарборин¹¹⁸.*

Кўринадикки, бу байтда Ширин – маъшуқа образи ифодаси учун бир тимсол вазифасини бажаради. Бу эса Ширин образининг аниқ шахсиятдан маъшуқа тимсолига ўзгарганлигини кўрсатади. Демак, Алишер Навоий шеъриятида образ трансформацияси жараёнида хилма-хил поэтик ифодаларга ҳам хослашади ва рангин бадийий функцияларни бажаришга хизмат қилади.

Алишер Навоийнинг “Бадойиъ ул-бидоя” девонида образ-тимсоллар трансформацион ҳодисаси ўзига хос бир поэтик муаммо сифатида тадқиқ этиш мумкин. Шоир девонида Ширин тимсоли орқали ифодаланган ғоявий-бадийий манзаралар ниҳоятда ранг-барангдир. Шу билан бирга шоир шеъриятида образ-тимсол трансформациясидаги ўзига хос қонуниятлар ва унинг бадийий-эстетик хусусиятлари Ширин тимсолида яққол намоён бўлади.

¹¹⁷ Шу манба, 1987. –Б.515.4.

¹¹⁸ Шу манба, 1987. –Б.566.4.

Алишер Навоий “Бадойиъ ул-бидоя” девонида бошқа сатрларда ҳам Ширин образига мурожаат этади ва бу образ орқали ўзининг турфа бадий-эстетик фикрларини илгари суради. Бизга равшанки, шоир ижодида, шу жумладан, шеъриятида Ширин образи муҳим ўрин тутди. Бу образ узоқ тарихий босқичлардан ўтиб, янгиланиб, ўзгариб мумтоз шеърият оламида дилбар бир тимсол сифатида тараннум этилади. Алишер Навоий ижодида “Фарҳод ва Ширин” ишқий мавзуси талқини етакчи ўринда туради. Мавзунинг эпик талқиндан лирик ифодасигача шоир адабий меросида теран талқин этилади. Гап шундаки, Алишер Навоий мавзу талқинига эпик талқинда ҳам, лирик ифодада ҳам бир адабий анъана сифатида мурожаат этиш билан бирга айнан шоир ижодида бу мавзу ўзига хос янгилик оламини яратиб берди. Бошқача хил қилиб айтилганда, мавзу Алишер Навоий талқини билан Шарқ адабиётининг анъанавий ва шунинг билан бир вақтда янги мавзусига айланди. Тадқиқотлар жараёнида кўринадики, Фарҳод, Ширин образлари шоир шеъриятининг ҳам ниҳоятда сермаҳсул ифода воситаларидан ҳисобланади. Айниқса, шоир ўз шеъриятида Фарҳод тимсолига жуда кўп бора эътибор қаратади. Шу билан бирга шоир лирикасида Ширин тимсоли ҳам у ёки бу маъноларда у қадар самарали бўлмаса-да, кўзга ташланиб туради. Биз ушбу бобда Алишер Навоийнинг “Бадое ул-васат” девонида Ширин образи тасвири масаласини ёритиб беришга ҳаракат қилдик. Шу ўринда айтиш керакки, қадим эпик воқелик ва образларнинг лирик тасвирда доимий равишда ифодаланиши мумтоз шеъриятнинг ўзига хос қонуниятларидан саналади. Бу замонавий адабиётшунослиқда образ-тимсол трансформацияси, миграцияси ҳодисалари сифатида қаралади. Мазкур жараён бутун мумтоз шеъриятда ўзига хос анъана бўлса-да, бироқ турфа ғоявий-бадий манзаралар, поэтик ифода ва мотивлар ҳосил қилишда бетакрор ижод услубларини яратиб беради. Худди шу ҳолатга Алишер Навоий лирикаси янада ранг-баранглик, жозибадорлик бахш этади. Масалан, бир ўринда шоир Фарҳод ва Ширин образини параллел тасвирлайди. Айни

шу тасвирнинг ўзида уларга ёндош сифатида Лайли ва Мажнунни ҳам тилга олади.

Лайли-ю Ширинвашимнинг ишқ дашт-у тоғида

*Менча бир йўқ, гарчи бор Мажнун ила Фарҳоди кўп*¹¹⁹.

Яъни, лирик қаҳрамон фикрича, ишқ дашти ва ишқ тоғида Лайли ва Ширинсифат маъшуқанинг гарчи Мажнун ва Фарҳодлари кўп бўлса-да, унингдек ошиғи йўқдир. Бунда ишқ дашти – Лайли ва Мажнун, ишқ тоғи – Фарҳод ва Ширин қиссаси талқини билан боғлиқлиги назарда тутилади, ўша ишқ туфайли Мажнуннинг дашту саҳроларда сарсон-саргардон кезиши, Фарҳоднинг Арман тоғида кўрсатган қаҳрамонликларига ишора этилади. Бу бадиий лавҳалар рубобий қаҳрамоннинг лирик туйғулари, кечинмалари орқали рамзий-мажозий маънолар ифодасига хизмат қилади, поэтик фикр мантиғи ишқ, ошиқ ва маъшуқа билан боғланади. Бундан кўринадики, ушбу мисраларда Ширин маъшуқа тимсолига, Фарҳод ошиқ образига тамсил этилади, Лайли ва Мажнун тимсоллари мувозийлиги поэтик фикр қувватини оширади, “дашт” ва “тоғ” деталь ифодалари эса ишқ сарҳадлари бепоёнлиги учун тимсоллаштирилади. Худди шу каби манзара “Бадое ул-васат”нинг бошқа бир ғазалида ҳам тасвир этилади.

Истасам васлини, дер ғам тоғи қоз тирноғ ила,

*Бўйла ҳаргиз қилмади Фарҳод ила Ширин ҳадис*¹²⁰.

Бунда Фарҳод ва Ширин қиссаси билан боғлиқ “тоғ ва уни қазиш” мотивининг рамзий ифодаси лирик тасвирда ишқдан ҳосил бўлган “ғам тоғи”ни қазишни билдиради. Унга кўра, висолни истасанг, ғам тоғини тирноқ билан қазиш кераклигига урғу берилади. Яъни Фарҳод тоғни қазиш жараёнида Ширин билан учрашгани лавҳаси лирик қаҳрамон кечинмаларига бир оний манзара ўлароқ хизмат қилади. Шоир бошқа бир байтда ўхшатиш-сифатлашдан фойдаланиб, маъшуқани “ширинлаб” деб атайди. Бунда киноя

¹¹⁹ Alisher Navoiy. To‘la asarlar to‘plami. Uchinchi jild. Xazoyin ul-maoniy. Badoye’ ul-vasat. – Toshkent: O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligi G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2012. –Б.37.4.

¹²⁰ Alisher Navoiy. To‘la asarlar to‘plami. Uchinchi jild. Xazoyin ul-maoniy. Badoye’ ul-vasat. – Toshkent: O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligi G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2012. –Б.91.2.

санъати маҳорат билан ишга солинади. Байтда “кўнглим яна ҳам Бесутунини қазмаса яхши эди, чунки бу ширинлаб Фарҳодимга ҳеч раҳм қилмайдиганга ўхшайди”, – тарзда фикр юритилади. Маълумки, Бесутун – Фарҳод қазиган тоғ номи ҳисобланади. У афсонавий қарашларда Эронда жойлашгани ва ниҳоятда баландлиги айтилади. Алишер Навоий “Фарҳод ва Ширин” достонини ушбу машаққатли меҳнат-заҳмат тасвири боис “Меҳнатнома” деб ҳам атайди. Шу туфайли байт лирик қаҳрамони ишқ заҳматини Бесутун тоғини қазидан ҳам оғир эканлигига диққатни қаратади.

*Қазмаса кўнглум яна ҳам Бесутунин яхшироқ,
Ҳеч ширинлаб чу қилмас раҳм бу Фарҳодима¹²¹.*

Кўринадикки, ушбу мисраларда асосий мақсад кўнгилда ишқ дардини пайдо бўлиши ҳақида боради, дoston воқелиги ва Ширин, Фарҳод тимсоллари эса мана шу поэтик манзара учун рамзий-мажозий ифодалар вазифасини бажаради. Шоир “Бадое ул-васат” девони бошқа бир байтида лирик қаҳрамон Ширин ва Лайлини маъшуқасига, яъни дилбарига тенглаштиради ва ўзини Мажнун ва Фарҳод мисоли деб билади. Бунда Лайли ва Мажнун, Фарҳод ва Ширин дostonлари ишқ бобида ошиқ сиймо учун тимсол сифатида талқин этилади. Байтда қиёслаш-таққослаш санъати ошиқона ғазал мазмунига мос манзара яратади ва лирик қаҳрамон ички туйғуларини ишқий дostonлар бош қаҳрамонлари ҳолати билан тамсил асосида далиллайди. Бу ўринда Ширин маъшуқа тимсоли ифодаси учун хизмат қилади, шеърда икки ишқ жуфтлиги тамсили эса бадиий-эстетик таъсирчанликни оширади.

*Қозиб ҳам тоғи тош осида ўлмак не эди мендек,
Гар эрмас эрди бир Ширин санамга Кўҳкан ошиқ?¹²².*

Алишер Навоий ушбу талқинларида ҳам китобхон диққатини “ғам тоғи” тасвирига жалб қилинади. Унда ҳам тоғини қазиб, мендек тош остида қолиб ўлиш зарурати бормиди дея риторик сўроқ қўйилади ва Шириндек санамга

¹²¹ Шу манба, – Б.544.4.

¹²² Alisher Navoiy. To‘la asarlar to‘plami. Uchinchi jild. Xazoyin ul-maoniy. Badoye’ ul-vasat. – Toshkent: O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligi G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2012. – Б.315.5.

Кўҳкан, яъни тоғ қазувчи ошиқ тимсоли мисол сифатида келтирилади. Бунда Кўҳкан Фарҳодга нисбатан ишлатилади. Гап шундаки, ушбу мисраларда ҳам ишқ дарди ошиқлар учун табиий бир эҳтиёж эканлиги урғуланади. Ёки мазкур мисраларда ҳам айнан ушбу ишқ жуфтликлари орқали лирик ифода юзага чиқарилади. Аммо бунда Лайли ва Мажнун, Фарҳод ва Ширин тимсоллари бошқа лирик туйғулар ифодасига хизмат қилади.

*Дилбарим Ширин била Лайлига гар ақрон етса,
Мен доғи Мажнун бирла Фарҳодга амсолмен*¹²³.

Ушбу тасвирда гарчи афсонавий ишқ жуфтликлари тилга олинса-да, асосий масала ўзга Лайли ва Ширинлар, Мажнун ва Фарҳодлар ҳақида кетади. Бу ўринда тамсил-талмиҳ сифатидагина ишқ афсоналари қайд қилинади, ҳар қандай киши Лайли ва Ширин дардини, жабрини тортсагина, хаста Мажнун ва Фарҳодга айланиши қайд этилади.

*Кўрса Лайли бирла Ширин руҳи жаврин, раҳм этиб,
Куйгай онинг хаста Мажнуни, мунунг Фарҳоди ҳам*¹²⁴.

Алишер Навоий яна бир мисрасида Фарҳод ва Ширин тимсолларидан фойдаланиб, ажойиб бадиий-эстетик фикрни илгари суради. Уни муайян маъноларда “Фарҳод ва Ширин” достони ўзак моҳияти билан боғласа ҳам бўлади. Чунки “Хусрав ва Ширин” аъъанасининг “Фарҳод ва Ширин”га айланишига бўлган маънавий эҳтиёж ҳам чуқур шарқона бадиий-фалсафий, ижтимоий-маърифий қарашлар туфайли юз берган эди. Яъни, Навоий таъкид этганидек, “ишқ аро Фарҳоднинг иши ширинлигини” англаш (достондаги комил ишқ назарда тутилган – таъкид бизники Х.Х.) ҳам осон кечмайди, уни Парвез (Хусрав) ҳашмати билан ҳис этиб бўлмайди. Чунки “Фарҳодни ишқ тиғи қатл этган бўлса, Парвез ҳам дунё тиғидан омон қолмайди”. Кўринадики, бир томонда Фарҳод ва Ширин ҳамда Хусрав ва Ширин муносабатлари, иккинчи томонда лирик қаҳрамоннинг ишқни ҳукмдор бўлиб эмас, балки ҳақиқий ошиқ бўлиб англаш принципи талқин этилади. Бу жуда

¹²³ Шу манба, – Б.493.4.

¹²⁴ Шу манба, – Б.415.4.

муҳим масала ҳисобланади. Ундан Ширин ёки Фарҳод тимсоллари эпик-лирик трансформациясини ниҳоят чуқур таҳлил этиш зарурати ҳам келиб чиқади.

*Анлаган ишқ аро Фарҳод иши ширинлигин,
Ўлса ҳам айламагай ҳашмати Парвез яна¹²⁵.*

* * *

*Агарчи тизги жафоси қатилидур Фарҳод,
Бу тиз қотилидин ҳам қутулмади Парвез¹²⁶.*

Хусусан, Алишер Навоий “Фавойид ул-кибар” девони бир байтида “Ширин билан Лайли келиб сенинг латофатинг олдида ҳайрон қолди, гарчи улар ҳасратида бутун Ажаб ва Араб ўлкалари ҳасратда қолган бўлса ҳам”, – дейди. Бу ўринда, албатта, бадий мутаносиблик Шириннинг Ажам ўлкасидан, Лайлининг эса Араб диёридан эканлигига биноан амалга оширилмоқда. Шарқ маданиятига кўра, Араб ва Ажам (араб бўлмаган халқлар) топоними ислом ва исломий тамаддуннинг трансформацияси маъносида ҳам қўлланганлигини кузатиш мумкин.

*Келди Ширин била Лайли санга ҳайрон, гарчи
Бу икав ҳасратида эрди Ажам бирла Араб¹²⁷.*

Ушбу сатрларда Ажам ва Араб бадий тимсолга мувофиқ равишда параллел тасвир этилганлиги ҳам трансформацион таҳлил учун муҳим белгидир. Алишер Навоий “Фавойид ул-кибар” девонининг бошқа мисраларида “Мажнун афсонаси” ва “Фарҳод қиссаси” тамсилида севгили латофатини тасвирлайди. Бунда шоир севгилини – лайливаш (Лайлига ўхшаш) сифатида истиоравий-мажозий ифодалайди. Байтлар мазмунига кўра, ошиқ маъшуқаси учун жонини фидо қилганлиги қиссаси учун Мажнун афсонаси мажоз эканлигига ишора этади ва ошиқнинг бу йўлда дард тоғини тирноқ билан қозиши манзарасига Фарҳоднинг Ширин умидида жигари қон бўлганлиги тамсил этилади. Бошқача айтилганда, Мажнуннинг Лайли ишқида

¹²⁵ Alisher Navoiy. To‘la asarlar to‘plami. Uchinchi jild. Xazoyin ul-maoniy. Badoye’ ul-vasat. – Toshkent: O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligi G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2012. Б.556.6.

¹²⁶ Алишер Навоий. МАТ. Бешинчи том. Бадоеъ ул-васат. – Тошкент: Фан, 1988. Б.126.

¹²⁷ Алишер Навоий. МАТ. Олтинчи том. Фавойид ул-кибар. – Тошкент: Фан, 1990. Б.33.

чеккан ситамлари ва Фарҳоднинг Ширин дардида кўрган машаққатлари ошиқ учун мажоз саналади. Бу ўринда “жон фидо қилмоқ” масаласи ҳам ишқнинг муҳим талаб масалаларидан эканлигини унутмаслик лозимдир. Чунки ҳар иккала асарда ҳам ошиқлик ва машуқлик, аллалоқибат, ишқ йўлида жон фидолик билан хотима топади. Бу бир мискинлик ҳам эмас, балки “азал котиблари”нинг ошиқлар тақдири учун муҳрлаган қисмати дир. Зеро, ишқда мағлуб бўлмайди, ишқ аҳли доимо ғолибдир.

*Буки, лайливашим оллида фидо қилдим жон,
Бўлди бу қиссага афсонаи Мажнун боис.*

*Дард тогин қозорим тирноғ ила Шириндур,
Лек бўлди манга Фарҳоди жингархун боис¹²⁸.*

Алишер Навоий шеърлятида бевосита Ширин – маҳбуба, Фарҳод – муҳиб тимсоли, яъни мажози бўлиб келиши тасвир этилган талқинларга ҳам дуч келамиз. Шоир ижодида бундай тўғридан-тўғри ўхшатиш, тамсил этиш кам кузатилади. Чунки шоир ва умуман мумтоз шеърлятда “ҳақиқатни мажоз тили” билан англатиш устуворлик қилади. Айтиб ўтганимиз каби шоир “Бадоеъ ул-васат” девонида “агар севгили (дилбар) Ширин билан Лайлига киёсланса, мен Мажнун билан Фарҳодга мисолман”, – дейди // *Дилбарим Ширин била Лайлига гар ақрон эса, Мен доғи Мажнун бирла Фарҳодга амсолмен¹²⁹*. Бундан кўринадики, Ширин, Лайли, Узро образлари биринчи галда маҳбуба тимсолга мажоз мақомига эгадирлар. Худди шу сабабларга кўра ҳам бу тимсоллар мумтоз шеърлятнинг нодир ифода воситаларидан ҳисобланади ва шу туфайли ҳам узоқ асрлар давомида мумтоз ижодкорлар бадий оламини тарк этмасдан келмоқда.

¹²⁸ Алишер Навоий. МАТ. Олтинчи том. Фавойид ул-кибар. – Тошкент: Фан, 1990. Б. 63.

¹²⁹ Алишер Навоий. МАТ. Бешинчи том. Бадоеъ ул-васат. – Тошкент: Фан, 1988. Б.493.4.

БОБ БЎЙИЧА УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1. Шарқ мумтоз адабиётида Ширин образи эпик қатламлардан ўтиб, лирик ифодага кириб келган мумтоз бадиий тимсоллардан саналади. Унинг Алишер Навоий шеъриятида тасвирланиши кўчиш-ўзгаришлар жараёнида идеал тимсол вужудга келганлигидан дарак беради. Бу нафақат анъаналар, балки адабий тимсоллар ҳам шоир ижодида, ва айниқса, лирикасида камолот чўққисига чиққанлигини намоён этади. Шу билан бирга шоир шеъриятида Фарҳод ва Ширин мавзуси талқинида Фарҳод етакчи тимсол сифатида тасвир этилганлигини ва лирик талқинларда айна образга таянилганлигини намоён этади.

2. Алишер Навоий лирик девонларида Фарҳод тимсоли талқини даражасида бўлмаса-да, Ширин образига ҳам самарали мурожаат этилади. Шоир Ширин бадиий тимсоли орқали ўзининг турфа бадиий-эстетик фикрларини илгари суради. Бу образ тарихий босқичлардан ўтиб, янгилашиб, ўзгариб мумтоз шеърият оламида дилбар бир тимсол сифатида тараннум этилади. Унда тимсолнинг лирик ифодаларидаги ўзгаришлари турли бадиий-рамзий маъноларни юзага чиқаради, турфа бадиий деталлар, эпизодик лавҳалар ҳамда характерлардан фойдаланади.

3. Алишер Навоий лирик девонларида Ширин тимсолининг бадиий талқини ранг-баранг рамзий ва мажозий тасвирларни юзага келтиради. Шоир лирик девонлари Ширин образи орқали ифодаланган чуқур маъноли поэтик манзараларга бойдир. Уларда Ширин тимсоли турфа рамзий-мажозий ифодалар ва бадиий-эстетик фикрлар рўёби далили намунаси сифатида талқин этилади. Бу ҳолат мумтоз шеъриятда образ-тимсол кўчиш-ўзгариш ходисалари ўзига хос бир олам эканлигини кўрсатади. Шунинг билан бирга ҳаётий ҳодиса ё ҳолат мазмун-моҳиятини теран англаш Шарқ шеърияти жозибadorлигини бутун кўлами билан ҳис этишга ҳам хизмат қилади.

4. Алишер Навоий шеъриятида Фарҳод ва Ширин тимсоллари талқини шуни яққол намоён этадики, бунда манба сифатида шоир қаламига мансуб “Фарҳод ва Ширин” эмас, балки ушбу мавзу ва сюжет, тимсол ва

образларнинг омма онги, ижодкор бадиий тафаккурида мавжуд қадимий мифологик ва оғзаки халқона қарашлар ҳам хизмат қилган. Буни шоир лирикасида Фарҳод ва Ширин тимсолларининг бир маънода деярли қўлланмаганлиги ҳам далиллайди. Хусусан, буни Алишер Навоий лирик девонларида Фарҳод тимсоли Ширин образидан кўра, Мажнун, Вомиқ кабилар билан биргаликда тасвир этилиши анча самарали эканлиги ҳам исботлайди.

5. Шарқда эпик асарлар образлари, хусусан, ишқий-ирфоний дostonлар мумтоз шеърят поэтикаси ва умуман бадиий тафаккур учун умрбоқий хазина ҳисобланади. Бу маънавий хазина мумтоз лирик туйғулар ифодаси учун илҳомбахш манба саналади. Мумтоз эпик асарлар ва улардаги образ-тимсоллар асарлар давомида халқ онгу тафаккурида чуқур илдиз отиб, турли даврлар бадиий ифодаларида абадий ўрин олганлигини ушбу илмий изланишлар исбот этади.

ХУЛОСАЛАР

1. Ўзбек мумтоз шеъриятида адабий мотив ва образлар трансформацияси орқали ниҳоятда жозибадор ва теран бадиий-эстетик ифодалар юзага келганлиги кўринади. Ўзбек адабиётида лирик тимсоллар таснифи, бадиий образлар миграция ҳодисаси, адабий тимсоллар талқини, шунингдек, адабий образларнинг лирик ифодаси жараёни қонуниятлари ва уларнинг бадиияти оламшумул ҳодиса сифатида намоён бўлади.

2. Хамсачилик ва Алишер Навоий “Хамса”сига кирувчи дostonлар қаҳрамонлари мумтоз адабиёт ва умуман бадиий тафаккур учун умрбоқий хазинадир. Бу ўлмас хазина мумтоз шеърият лирик туйғулар ифодаси учун илҳомбахш манба саналади. Бу асарлар ва образ-тимсоллар асрлар давомида яшаётганлиги сабаби ҳам уларга мурожаат халқ онг-тафаккури ва бадиий ифодадан абадий ўрин олганлиги билан изоҳланади. Бунинг ёрқин мисоли хамсачилик анъанаси ва “Хамса” қаҳрамонлари лирик талқинларидир.

3. Шарқ мумтоз адабиётида Фарҳод образининг вужудга келиши ва талқин этилиши анъаналари узoқ даврларни ўз ичига олади. Бу даврлар адабий жараёнида образ эпик талқиндан лирикага ва аксинча, шеъриятдан насрга ўзгача руҳдаги поэтик лавҳаларни тақдим этди. Алишер Навоий лирикасида Фарҳод тимсоли анъаналар боқийлигини таъминлаш, хилма-хил ғоявий-бадиий фикрлар ижросини амалга ошириш учун самарали тасвирий восита сифатида қўлланилади.

4. Алишер Навоийнинг лирик девонларида Фарҳод тимсоли ғоят ранг-баранг поэтик ифодаларни юзага чиқаришда самарали қўлланилади ва бадиий ифодаларда байтлараро кўчиши бетакрор поэтик манзараларни ҳосил қилади. Бунда ишқий қиссалар қаҳрамонлари ёки улар таърифи билан боғлиқ тавсиф-деталлар хилма-хил рамзий-мажозий талқинларга асос бўлади. Шоир шеъриятида Фарҳод образи ранг-баранг бадиий-эстетик хусусиятлари билан намоён бўлади. Шунингдек, образ трансформацияси туфайли юзага келган бадиий тавсиф, детал ва эпизодлар мумтоз шеъриятнинг жозибадор оламини яратади.

5. Алишер Навоий лирикасида Фарҳод образи трансформацияси ранг-баранг поэтик функциялар ижро этишга хизмат қилади. Унда тимсолнинг лирик ифодаларидаги ўзгаришлари турли бадий-рамзий маъноларни юзага чиқаради ҳамда шу образ-тимсол билан биргаликда турфа бадий деталлар, эпизодик лавҳалар ҳамда характерлар ҳам параллел тасвир этилади. Шу тариқа Фарҳод образ-тимсоли шоир шеъриятида эпик тафсилларнинг хилма-хил лирик кечинмаларини ҳосил бўлади.

6. Шарқ мумтоз адабиётида Ширин образи эпик қатламлардан ўтиб, лирик ифодага кириб келган мумтоз бадий тимсоллардан саналади. Алишер Навоий шеъриятида Ширин тимсоли тасвирланиши трансформация жараёнида идеал тимсолни вужудга келтирганлигини кўрсатади. Бу нафақат анъаналар, балки адабий тимсоллар ҳам шоир ижодида камолот чўққисига чиққанлигини намоён этади. Шу билан бирга Ширин образи генезиси ва тасвир тадрижи, мумтоз адабиётдаги талқин анъаналари, Алишер Навоий лирикасида ифодаланиш асослари ва ғоявий-бадий хусусиятлари, бу образнинг кўчиш жараёнида юзага келган ўзгариш-янгилишлар ўзига хос поэтик манзараларни юзага келтиради.

7. Алишер Навоий лирик девонлари Ширин образи орқали ифодаланган чуқур маъноли поэтик манзараларга бойдир. Уларда Ширин тимсоли турфа рамзий-мажозий ифодалар ва бадий-эстетик фикрлар ижроси учун талқин этилади. Бу ҳолат мумтоз шеърятда образ-тимсол кўчиш-ўзгариш ҳодисалари ўзига хос бир поэтик олам эканлигини кўрсатади. Шунинг билан бирга ҳодиса моҳиятини теран англаш Шарқ мумтоз шеърияти теранлиги ва жозибadorлигини бутун кўлами билан ҳис этишга хизмат қилади.

8. Алишер Навоий лирикасида Ширин образига ҳам самарали мурожаат этилади. Шоир Ширин бадий тимсоли орқали ўзининг турфа бадий-эстетик фикрларини илгари суради. Бу образ тарихий босқичлардан ўтиб, янгилиниб, ўзгариб мумтоз шеърят оламида дилбар бир тимсол сифатида тараннум этилади. Унда образ-тимсолнинг лирик ифодадаги ўзгаришлари турли хил бадий-рамзий маъноларни юзага чиқаради.

9. Шарқда эпик асарлар, ишқий-ирфоний дostonлар, мумтоз шеърят поэтикаси ва умуман бадий тафаккур учун умрбоқий хазина ҳисобланади. Бу маънавий хазина бошқа бир томондан мумтоз лирик туйғулар ифодаси учун илҳомбахш манба саналади. Мумтоз эпик асарлар ва улардаги образ-тимсоллар асрлар давомида халқ онгу тафаккурида чуқур илдиз отиб, турли даврлар бадий ифодаларида абадий ўрин олгандир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар ва метадологик аҳамиятга моллик нашрлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори: “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида” // 2017 йил, 13 сентябр. - № 184 (6878)

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони//Халқ сўзи, 2017 йил 8 февраль - № 28 (7622)

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори: “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” // Халқ сўзи, 2017 йил, 25 май. - № 103 (6797)

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори: “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” // 2017 йил, 17 феврал ПҚ-2789

5. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.

6. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд.–Тошкент: Ўзбекистон, 2018.–Б.508.

7. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.–Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – 400 б.

8. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2020. – Б.452.

9. Мирзиёев Ш.М. Адабиёт, санъат ва маданият яшаса, миллат ва халқ безавол яшайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижодкорлар билан учрашувидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2019 йил 9 февраль.

II. Илмий-назарий адабиётлар

1) Миллий нашрлар

10. Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. – Т: Ўзбекистон, 1993. – Б.191.
11. Султонов И. Адабиёт назарияси.– Т: Ўқитувчи, 2005. – Б.270.
12. Юсупова Д. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи. Алишер Навоий даври. – Т: Akademnashr, 2011. –Б.272.
13. Адабиёт назарияси. Икки томлик. I том. – Т: Фан, 1978. –Б. 416.
14. Адабиёт назарияси. Икки томлик. II том. – Т: Фан, 1978.– Б.416.
15. Валихўжаев Б. Ўзбек эпик поэзияси тарихидан.–Т:“Фан”,1974.–Б.149.
16. Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. – Т: “Ўқитувчи”, 1965. –Б.659.
17. Ҳайитметов А. Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан. –Т: “Фан”, 1970. –Б.330.
18. Исоқов Ё. Навоий поэтикаси. – Т: Фан, 1983. –Б.167.
19. Саримсоқов Б. Эпик жанрлар диффузияси. Ўзбек халқ оғзаки ижоди бўйича тадқиқотлар. 7 китоб, - Тошкел: “Фан”, 1981.-Б.100.
20. Жўраев М., Нарзикулова М. Миф, фольклор ва адабиёт. – Т: Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2006. –Б.184.
21. Орзибеков Р. Ўзбек лирик шеърляти жанрлари. –Т: Фан, 2006. –Б.352.
22. Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик. Иккинчи том (XV асрнинг иккинчи ярми). – Т: Фан, 1977. – Б.460.
23. Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. – Т: “Фан”, 1961. –Б.295.
24. Ҳайитметов А.Темурийлар даври ўзбек адабиёти.–Т:“Фан”,1996.–Б.160.
25. Ҳожиаҳмедов А. Шеърлий санъатлар ва мумтоз қофия. – Т: Шарқ, 1998. – Б.160.

26. Ҳайитметов А. Алишер Навоий ижодида мавзуларга бўлиш ва танлаш принциплари // Навоийга армуғон. Учинчи китоб. Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2003. – Б.8-14.

27. Vohidov R., Eshonqulov H. O`zbek mumtoz adabiyoti tarixi. –Т: O`zbekiston Respublikasi Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg`armasi nashriyoti, 2008, –Б. 528.

28. Шарқ мумтоз поэтикаси манбалари. Биринчи китоб. Ҳ.Болтабоев талқинларида. – Т: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. –Б.425.

29. Sirojiddinov Sh., Yusupova D., Davlotov O. Navoiyshunoslik (1-kitob). – Т: “Tamaddun”, 2018. –Б. 346.

30. Салоҳий Д.И. Тасаввуф ва бадий ижод. Ўқув қўлланма. – Т: “Наврўз” нашриёти, 2018. – Б.190.

2)Хорижий нашрлар

31. Абдуғафуров А. Буюк бешлик сабоқлари: Мақолалар. – Т: Гафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1995. – Б.185.

32. Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. – Москва: “Наука”, 1965. – С.18.

33. Бертельс Е.Э.Суфизм и суфийская литература.–М:Наука,1965.– С.524.

34. Жирмунский В.М. Теория литературы. Поэтика. Стилистика. – Л: Наука, 1977. – С.408.

35. Лотман Ю.М. Структура художественного текста. – М: Искусство, 1970. – С.384.

36. Фарҳанги забони тоҷики (аз асри X то ибтидои асри XX). Иборат аз ду ҷилд. Дар зери таҳрири М. Ш. Шукуров, В. А. Капранов, Р. Ҳошим, Н. А. Маъсумий. – М: Энциклопедия, 1969. – С.952.

37. Алиев Г.Ю. Легенда о Хусраве и Ширин в литературах народов Востока. – М: Наука, 1960. –С.345.

38. Бартольд В.В. Мир Али Шир и политическая жизнь. Сочин. В IX томах. – М: Наука, 1964. Т. II.Ч.2.
39. Бертельс Е.Э.Избранные труды .Навои и Джамии.–М:Наука,1965.– С.500.
40. Бертельс Е.Э. Навои и Джамии. – Москва: “Наука”, 1965. –С.498.
41. Мифы народов мира. Энциклопедия в двух томах. 1 том. – М: Сов. энцикл., 1987. –С.672.
42. Мифы народов мира. Энциклопедия в двух томах. II том. – М: Сов. энцикл., 1988. – С.718.
43. Мирхайдаров Ҳ. Тафаккур гавҳари. – Хўжанд: “Нури маърифат” , 2006. – Б.278.

III. Диний манбалар, адабиётлар

44. Абулқосим Фирдавсий. Шоҳнома (Танланган дostonлар). –Т: Адабиёт ва санъат, 1984. – Б.736.
45. Қуръони Карим. Ўзбекча изоҳли таржима (таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур). – Т: Чўлпон, 1992. – Б.542.
46. Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. –Т: Адабиёт ва санъат, 1991. – Б.256.
47. Воҳидов Р. Алишер Навоий ва илоҳиёт. – Бухоро: Бухоро, 1994. –Б.208.
48. Комилов Н. Тасаввуф. 1 китоб. – Т: Адабиёт ва санъат, 1996. – Б.272.
49. Комилов Н. Тасаввуф. 2 китоб. Тавҳид асрори. – Т: Адабиёт ва санъат ҳамда “Ўзбекистон” нашриётлари, 1999. – Б.208.
50. Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. – Т: “Мовароуннаҳр”, 2004. – Б.231.
51. Комилов Н. Хизр чашмаси. (Масъул муҳаррир С. Олимов) – Т: “Маънавият”, 2005. – Б.320.
52. Қобилов У. Илоҳиёт ва бадиият. – Т: Ниҳол, 2008. – Б.134.
53. Комилов Н. Тасаввуф. – Т: Movarounnahr – O‘zbekiston, 2009. –Б. 448.
54. Амир Хусрау Дихлави. Ширин и Хусрау. – Москва: Наука, 1965.
55. Ғаззолий Абу Ҳомид.Кимиёи саодат.1-китоб. – Т:Адолат, 2005 –Б.264.
56. Девони Шайхзода Атойи. – Т: “Фан” нашриёти, 2008. – Б.319.
57. Лутфий. Сенсан севарим. – Т: Адабиёт ва санъат, 1987, –Б. 461.

58. Низомий Ганжавий. Хамса (Форсийдан О.Бўриев таржимаси). –Т: Art.fitx. 2009.

59. Носириддин Бурҳониддин Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 2-китоб. –Т: Ёзувчи, 1991. – Б.272.

60. Румий Жалолоиддин. Маънавий маснавий. Куллиёт. Биринчи жилд. Таржимон: Асқар Маҳкам. –Т: Шарқ, 1999. – Б.368.

61. Румий Мавлоно Жалолоиддин. Маснавийи маънавий. 1-китоб. Ўзбекистон Халқ шоири Жамол Камол таржимаси.–Т: Фан,2005.–Б.368.

62. Румий Мавлоно Жалолоиддин. Маснавийи маънавий. Учинчи китоб. Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимаси. – Т: Фан; Техрон: Аҳ-худо, 2003. –Б.432.

63. Румий Мавлоно Жалолоиддин. Маснавийи маънавий. Жамол Камол таржимаси. – Т: Meriyus, 2010.– Б.847.

64. Қутб Хоразмий. Хусрав ва Ширин. – Т: Бадиий адабиёт, 1986. – Б.678.

IV. Қўлёзма ва тошбосма манбалар

V. Луғатлар

65. Алишер Навоий: қомусий луғат. (Маъсул муҳаррир: Ш. Сирожиддинов) – Т: “Шарқ”, 2016. – Б.536.

66. Алишер Навоий: қомусий луғат. (Маъсул муҳаррир: Ш. Сирожиддинов) – Т: “Шарқ”, 2016. –Б.480.

67. Навоий асарлари луғати. – Т: Адабиёт ва санъат, 1973. – Б.784.

68. Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати.1-том.–Т:Фан, 1983.– Б.625.

69. Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати.3-том.–Т:Фан, 1983. – Б.636.

70. Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 4-том.– Т:Фан, 1983. –Б. 636

71. Қуроноф Д. ва .Адабиётшунослик луғати.–Т:Аkademnashr,2010. –Б.400.

72. Муҳаммад Ғиёсуддин. Ғиёсул-луғот. Иборат аз се ҷилд. Ҷилди I. Алиф – Шин. – Душанбе: Адиб, 1987. – С.480.

73. Муҳаммад Ғиёсуддин. Ғиёсул-луғот. Иборат аз се ҷилд. Ҷилди II. Сод – Ё. – Душанбе: Адиб, 1988. – С.416.

VI. Архив материаллари

VII. Бадиий адабиётлар

74. Садриддин Айний. Асарлар. –Т:Ғофур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1967. –Б.420.
75. Аристотель. Поэтика (Поэзия санъати ҳақида). – Т: Адабиёт ва санъат, 1980. –Б.152.
76. Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъ ус-санойиъ. –Т:Адабиёт ва санъат, 1981. –Б.400.
77. Ҳусайний А. Бадойиъу-с-санойиъ (Алибек Рустамов таржимаси). – Т: Адабиёт ва санъат, 1981.– Б.239.
78. Носириддин Бурҳониддин Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 1-китоб. – Т: Ёзувчи, 1990. – Б.240.
79. Агтор Шайх Фаридуддин. Мантиқ ут тайр. Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимаси. – Т: Фан, 2006. – Б. 400.
80. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик, биринчи том. Бадойиъ ул-бидоя. –Т: Фан, 1987. 724 б.
81. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик, иккинчи том. Наводир ун-ниҳоя. – Т: Фан, 1987. 624 б.
82. Абдурахмон Жомий. Мақсуди дил: ғазаллар, рубоийлар, ҳикматлар: Тўпловчи А. Шаропов. – Т: Адабиёт ва санъат, 1989. – Б.208.
83. Alisher Navoiy. To‘la asarlar to‘plami. Birinchi jild. Hazoyin ul-maoniy. G‘aropyib us-sig‘ar. – Т: O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligi G‘ofur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2012. – Б.804.
84. Alisher Navoiy. To‘la asarlar to‘plami. Ikkinchi jild. Hazoyin ul-maoniy. Navodir ush-shabob. – Т: O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligi G‘ofur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2012. – Б.768.
85. Alisher Navoiy. To‘la asarlar to‘plami. Uchinchi jild. Hazoyin ul-maoniy. Badoye’ ul-vasat. – Т: O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligi G‘ofur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2012. – Б.764.

86. Alisher Navoiy. To‘la asarlar to‘plami. Uchinchi jild. Xazoyin ul-maoniy. Badoye’ ul-vasat. – T: O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligi G‘ofur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2012. – B.764.

87. Alisher Navoiy. To‘la asarlar to‘plami. To‘rtinchi jild. Xazoyin ul-maoniy. Favoyid ul-kibar. – T: O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligi G‘ofur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2012. – B.840.

88. Alisher Navoiy. To‘la asarlar to‘plami. Beshinchi jild. Devoni Foniyy. Qasoid. Mufradot. Xamsat ul-mutahayyirin. – T: O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligi G‘ofur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2012. – B.860.

89. Alisher Navoiy. To‘la asarlar to‘plami. Oltinchi jild. Hayrat ul-abror. Farhod va Shirin. – T: O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligi G‘ofur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2012. – B.812.

90. Alisher Navoiy. To‘la asarlar to‘plami. Ettinchi jild. Layli va Majnun. Sab‘ai sayyor. – T: O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligi G‘ofur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2012. – B.696.

91. Alisher Navoiy. To‘la asarlar to‘plami. Sakkinchi jild. Saddi Iskandariy. Tarixi anbiyo va hukamo. Tarixi mulki Ajam. – Toshkent: O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligi G‘ofur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2012. – B.704.

92. Alisher Navoiy. To‘la asarlar to‘plami. To‘qqizinchi jild. Lison ut-tayr. Majolis ul-nafois. Mahbub ul-qulub. Munshaot. Vaqfiya. – T: O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligi G‘ofur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2012. – B.768.

93. Alisher Navoiy. To‘la asarlar to‘plami. O‘ninchi jild. Lison ut-tayr. Holoti Sayyid Hasan Ardasher. Holoti Pahlavon Muhammad. Nazm ul-javohir. Nasoyim ul-muhabbat. Muhokamat ul-lug‘atayin. Mezon ul-avzon. Siroj ul-muslimin. Arba‘in. Munojot. – T: O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligi G‘ofur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2012. – B.684.

94. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик, учинчи том. Фаройиб ус-сиғар – Т: Фан, 1988. –Б. 616.

VIII. Диссертация ва авторефератлар

95. Эркинов Содир. Поэма «Фархад и Ширин» Алишера Навои и некоторые вопросы ее сравнительного изучения. Авт. док. дисс. по филол. наук. – Тошкент: 1974. – С.100.

96. Муҳиддинов М.Қ. Алишер Навоий ва унинг салафлари ижодида инсон концепцияси («Хамса»ларнинг биринчи дostonлари асосида). Фил. фан. докт. дисс. – Тошкент, 1995. – Б.238.

97. Эркинов А.С. Алишер Навоий “Хамса”си талқининг XV-XX аср манбалари. Фил. фан. докт. дисс. – Тошкент: 1998. – Б.282.

98. Жабборова М. Ўзбек мумтоз адабиётида Жамшид образининг бадиий талқини. Фил. фан. бўй. фал. док. (PhD) дисс. – Тошкент: 2005. –Б.146.

99. Элтазаров Ж.Д. Ўзбек тилида сўз туркумларининг ўзаро алоқаси ва кўчиши. Фил. фан. док. дис. – Самарқанд: 2005. – Б.290.

100. Қурбонов А.А. Алишер Навоий “Фарҳод ва Ширин” дostonи сарлавҳалари бадиияти. Фил. фан. бўйича фал. док (PhD). дисс.авт. – Тошкент: 2017. – Б.54.

101. Қобилов У.У. Ўзбек адабиётида нубувват мотиви ва образлари талқини (XIV-XV асрлар). Фил. фан. док. дисс (DSc). – Самарқанд: 2019. – Б.283.

102. Раззоқов А. Алишер Навоий шеъриятида илм ва маърифат талқини. Фил. фан. фал. док. дис. авт. – Қарши: 2019. – Б.47.

103. Қосимов У. Адабий-эстетик тафаккур тадрижи. Фил. фан. док. дисс (DSc). – Тошкент: 2020. – Б.236.

104. Абдолов Н. Любовно-романтическая поэма в персидско-таджикской поэзии X-XII веков. Авт. док. дисс. фил. наук. – Душанбе: 2009. – С.45.

105. Мохаммад Хеммат Кухсар. Трансформация образа Зулайхи и его отражение в персидско-таджикской литературе X-XV вв. канд. дисс. по фил. наук. – Душанбе: 2015. – Б.190.

IX. Илмий тўплам, журнал ва газеталардаги мақолалар

106. Абу Наср Фаробий. Шеър санъати.– Т: Адабиёт ва санъат, 1979.–Б.186.

107. Алишер Навоий «Хамса»си (Мақолалар тўплами): Тадқиқотлар. – Т: Фан, 1970 –Б. 234.

108. Алишер Навоий ижодий ва маънавий меросининг оламшумул аҳамияти (халқаро илмий-назарий анжуман материаллари). – Т: O‘zbekiston, 2011. – Б.176.
109. Алишер Навоий адабий маҳорати масалалари. Мақолалар тўплами. – Т: “Фан”, 1993. – Б.208.
110. Алишер Навоий ва XX аср. Республика илмий-назарий анжумани материаллари. – Т: TAMADDUN, 2016. – Б.280.
111. Амонова З. Ҳуруфийлик ва бадиий ижод. – Т: “PARADIGMA”, 2017. – Б. 156.
112. Акромов Ғ. Миф ва ёзма адабиёт муносабатларига доир (Туркий ёзма анъана ва мифология)// “Ўзбек тили ва адабиёти”, 1996. – Б.70-73.
113. Аҳмедов Т. «Хамса» қаҳрамонларининг характер жозибаси. – Т: Фан, 1986. –Б.67.
114. Акромов Ғ. “Хамса”да мифологик замон ва макон талқини // Ўзбек тили ва адабиёти. 1997 йил, 2-сон,Б.78-81.
115. Болтабоев Ҳ. Мумтоз сўз қадри. – Т: “Адолат”, 2004. –С.192.
116. Валихўжаев Б. Хамса такмили. Алишер Навоий “Хамса”си. Тадқиқотлар. – Т: Фан, 1986. –С.134.
117. Валихўжаев Б. Хамсачилик анъанасининг айрим хусусиятлари // Навоий ва ижод сабоқлари. – Т: Фан, 1981.-Б.29-37.
118. Валихўжаев Б. “Хамса” ёзиш анъанасига Алишер Навоийнинг муносабати // “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали, 1990.1-сон,Б.16-21.
119. Валихўжаев Б, Воҳидов Р. Навоий ижоди – илҳом манбаи. – Т: “Фан”, 1981. –Б.74.
120. Валихўжаев Б. Мумтоз сиймолар. I жилд. – Т: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002. –Б.304.
121. Валихўжаев Б. Мумтоз сиймолар. II жилд. – Т: Абдулла қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002. –Б.175.
122. Валихўжаев Б. Комил инсон – комил жамият: Алишер Навоий талқинида // Истиклол ва умрбоқий ижод. – Самарқанд, 2002, – Б.12-17.

123. Воҳидов Р. Неъматов Ҳ. Маҳмудов М. Сўз бағридаги маърифат. – Т: “Ёзувчи”, 2001. – Б.144.
124. Жабборов Н. “Илм андоғ ганжи нофиъдур...” // Шарқ юлдузи, 2002. 3-сон. – Б. 150 – 151;
125. Зоҳидов Л.Алишер Навоий ижодида муаммо жанри.–Т:“Фан”,1986.– Б.64.
126. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Т: “ZARQALAM”, 2006. –Б.128.
127. Комилов Н. Маънолар оламига сафар: Алишер Навоий ғазалларига шарҳлар. – Т: Тамаддун, 2012. –Б. 316.
128. Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. – Т: Адабиёт ва санъат, 1974. –Б.384.
129. Муҳиддинов М. Нурли қалблар гулшани. – Т: Фан, 2007.–Б.168.
130. Муҳиддинов М. Комил инсон – адабиёт идеали. – Т: Маънавият, 2005. –Б.208.
131. Навоий ижоди ва қиёсий таҳлил масалалари. Илмий мақолалар тўплами.Масъул муҳаррир:М.Муҳиддинов.–Т:“Тамaddun”,2017 – Б.212.
132. Навоий Алишер. Ғазаллар, шарҳлар. – Т: Камалак, 1991. – Б.176.
133. Очилов Э. Татаббу – маҳорат мактаби// “Ўзбек тили ва адабиёти”, 2018, 1-сон, – Б. 46-55.
134. Эшонқулов Ҳ. Алишер Навоийнинг нақшбандия тариқатига муносабати // “Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни” мавзуидаги халқаро илмий конференция материаллари. Навоий, 2017.– Б.132-137.
135. Раҳмонов В. Шеър санъатлари. – Ленинобод, 1972. –Б.180.
136. Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. – Т: Ғофур Ғулом номидаги АСН, 1979. – Б.216.
137. Салоҳий Д. “Бадоеъ ул-бидоя” малоҳати. – Т: Фан, 2004. – Б.135.
138. Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. – Т: Академнашр, 2011. –Б.326.

139. Султон И. Навоийнинг қалб дафтари. – Т: Гофур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2010. –Б.412.
140. Тоҳиров С.Қ. Темурийлар даврида хамсанавислик. Монография. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2020. –Б.172.
141. Эшонқулов Ҳ. Самовот – ишқ мазҳари. – Т: “Фан”, 2008. –Б.128.
142. Эркинов С. Навоий «Фарҳод ва Ширин»и ва унинг қиёсий таҳлили. – Т: 1971. –Б.276.
143. Эркинов А. Алишер Навоий “Хамса”си талқин манбалари. – Т: Tamaddun, 2018.-Б.174.
144. Эркинов С. Шарқ адабиётида Фарҳод қиссаси. – Т: “Фан”, 1985. – Б.64.
145. Юсупова Д. Алишер Навоий «Хамса»сида мазмун ва ритмнинг бадиий уйғунлиги. – Т: MUMTOZ SO‘Z, 2011. –Б.144.
146. Ғаниева С. Алишер Навоий (Ҳаёти ва ижоди). – Т: “Фан”, 1968. –Б.147.
147. Қаяюмов А. Ишқ водийси чечаклари: А. Навоий ижоди ҳақида. – Т: Гофур Гулом номидаги АСН, 1985.
148. Ҳайитметов А. Навоийнинг ижодий методи масалалари. – Т: Ўзфанакаднашр, 1963. –Б.173.
149. Ҳайитметов А. Навоийхонлик суҳбатлари. – Т: “Ёзувчи”, 1993. – Б.215.
150. Ҳайитметов А. Адабий меросимиз уфқлари.–Т:Ўқитувчи,1997.–Б.240.
151. Ҳайитметов А. Алишер Навоий ижодини ўрганишнинг методологик асослари ҳақида // “Ўзбек тили ва адабиёти”, 2001, 2-сон. – Б.3-14.
152. Ҳайитметов А. Навоий ва замонамиз. Давра суҳбатлари// “Жаҳон адабиёти”, 2002. – Б.3-24.
153. Ҳайитметов А. Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари. – Т: Фан, 1959. –Б.196.
154. Ҳаққулов И. Мерос ва моҳият. – Т: Маънавият, 2008. – Б. 121.
155. Ҳаққулов И. Навоийга қайтиш. – Т: Фан, 2007. – Б.224.
156. Ҳаққулов И. Такдир ва тафаккур. – Т: “Шарқ”, 2007. – Б.334.
157. Ҳаққулов И. Тасаввуф ва шеърят. – Т: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. – Б.184.

158. Ҳасанов С. Навоийнинг етти тухфаси. – Т: Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. – Б.153.

Х. Интернет сайтлари

159. www.cambridge.org;

160. www.humboldt.edu;

161. <http://dergiler.ankara.edu.tr>;

162. www.literature/az;

163. www.jspi.uz.